

(Қўлёзмадан кўчирма)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

«Маркетинг» кафедраси

Ҳимояга рухсат этилди
факультет декани

«__» _____ 2013 йил

«Маркетинг» таълим йўналиши бўйича битирувчи

МАХМУДОВА НИЛУФАР ҒУЛОМЖОНОВНАНИНГ

**ИҚТИСОДИЙ НОЧОР КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ МАРКЕТИНГ
СТРАТЕГИЯСИ АСОСИДА СОВЛОМЛАШТИРИШ.**

(НАМАНГАН ШАҲРИ МИСОЛИДА)

мавзусидаги

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ
ИШИ**

Битирувчи: Н.Махмудова

Илмий раҳбар: и.ф..н.,доц. О.Казаков

Кафедра мудири: и.ф.н., доц. Ғ.Мадияров

Наманган - 2013 й.

МУНДАРИЖА

Кириш.-----3

I боб. Иқтисодий ночор корхоналар фаолияти ва уларни маркетинг стратегиялари асосида соғломлаштиришнинг назарий асослари.

- 1.1. Корхона ва унинг маркетинг фаолияти моҳияти.
- 1.2. Ўзбекистонда иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш бўйича ҳуқуқий асосларни яратиш.
- 1.3. Наманган шаҳрида иқтисодий ночор корхоналарнинг умумий тафсифи.

II боб. Наманган шаҳрида иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини соғломлаштириш таҳлили.

- 2.1. “Атлас” ва “Силк Роад” қўшма корхоналарини иқтисодий ночорликка тушуши сабаблари таҳлили.
- 2.2. “Аснам текстил”, “HAIN TEX” ва “Наманган ободончилиги” корхоналарнинг банкротлиги омиллари.
- 2.3. Иқтисодий ночор корхоналарни банкротликка ўтказиш ва ундан чиқариш жараёнлари.

III боб. Вилоятдаги иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини маркетинг стратегиялари асосида соғломлаштириш.

- 3.1. Саноат корхоналарида самарали фаолиятни йўлга қўйиш йўналишлари.
- 3.2. Вилоятдаги иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини маркетинг стратегиялари асосида янада ривожлантириш ва соғломлаштириш йўллари.

Хулоса ва таклифлар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Иловалар.

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ҳозиргидек “Жаҳон миқёсида янги рецессия ва банкротлик тўлқини, стагнация ва ишлаб чиқаришнинг пасайиш хавфи тобора ортиб бораётган, қарздорлик мажбуриятлари ва бюджет тақчиллиги ўсаётган, ишсизлик муаммоси, ҳаёт даражаси ва турмуш шароитининг кескин ёмонлашуви, шунинг натижасида одамларнинг умумий норозилиги ва ижтимоий кескинлик кучайиб бораётган”¹ даврда мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш корхоналарига таъсир кўрсатмасдан иложи йўқ.

Глобал жаҳон иқтисодиётида ҳали бери сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, 2012 йилда Ўзбекистон ўз иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожлантиришни давом эттирди, аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришни таъминлади, дунё бозорида ўз позициясини мустаҳкамлади. “Бу даврда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,2 фоизга ўсди, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 7,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги 7 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми 13,9 фоизга ўсди”².

Мана шундай шароитда иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг капиталлашув даражасини янада ошиши ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнига инвестицияларни киритиш, тижорат банкларининг маблағларини кенг жалб қилиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Чунки корхонанинг янгидан барпо этишдан кўра, иқтисодий ночор, паст рентабелли, кам қувватли корхоналарни қайтадан маркетинг стратегиялари асосида соғломлаштириш, банкротлигини олдини олиш, янги инновацион ва техник жиҳозлаш, модернизация қилиш анчайин самарали ҳисобланади. Иқтисодий ночор корхоналарни маркетинг стратегиялари асосида соғломлаштириб, жадал ривожлантириш натижасида мамлакатдаги иқтисодиёт реал секторининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ортади, аҳолини иш билан бандлиги таъминланади, даромади ва фаровон турмуш даражаси ошади, мамлакат экспорт ва импорт ҳажми жадал ривожланади, банкларнинг доимий ва ишончли капиталлашуви жараёни юз беради, чет мамлакатлар билан инвестиция фаолияти жадаллашади.

Хусусан, “2012 йилда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитлар ҳажми 2011 йилга нисбатан 1,3 баробар ошди. Ажратилган кредитларнинг 76 фоиздан зиёди 3 йилдан ортиқ муддатга берилган узоқ муддатли кредитлар экани эътиборга молик.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти”. 2012 йил 14 сентябрдаги халқаро конференциядаги нутқидан.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш”. 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

2012 йилда мамлакатимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ўсишида иқтисодийётга йўналтирилган капитал маблағлар, инвестициялар тобора ўсиб бораётганида бу кўрсаткич ялпи ички маҳсулотга нисбатан 22,9 фоизни ташкил этганидир.

Ўтган йилда иқтисодийётимизга 11 миллиард 700 миллион доллар миқдорида ички ва хорижий инвестициялар жалб этилди ёки бу борадаги кўрсаткич 2011 йилдагига нисбатан 14 фоизга ўсди. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди, уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Жами инвесторларнинг қарийб 74 фоизи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган”³.

Юқоридагилар мамлакатимиздаги иқтисодий ночор корхоналарни маркетинг стратегиялари асосида ривожлантиришнинг ва соғломлаштиришнинг долзарб мавзу эканлигини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан буён амалга оширилаётган иқтисодий ўзгаришлар корхоналарни жадал ривожлантиришга, уларни молиявий соғломлаштиришга тўғри йўл кўрсатиб келмоқда. Айниқса, жаҳон молиявий иқтисодий инқирози даврида корхоналарнинг ва хўжалик субъектларининг фаолияти ўзига хос шакллана бошлади.

Бозор иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда айрим корхоналар иқтисодий ривожланиб кетиши ва айрим корхоналарнинг тўловга қобилиятсизлик кўринишлари вужудга кела бошлайди. Бу бозор иқтисодиёти қонуниятларидан бири бўлиб, асосан бу корхоналарнинг энг биринчи муаммоси корхонада бошқарув тизимининг йўқлиги ҳисобланади. Шу ўринда Президентимиз И.А.Каримовнинг “Барчамизга битта нарса айён бўлиши керакки – мулк ўзининг ҳақиқий эгасига эга бўлсин. Ўз эгасини топмаган корхона буткул тугатилиши лозим”⁴, - деган фикрларини айтиб ўтганлар.

Мамлакатимиздаги корхоналарни маркетинг стратегиялари билан қуроллантириш, уларнинг маркетинг фаолиятини ташкил этиш ҳар бир корхонани ривожланишига, иқтисодий молиявий барқарорлигини таъминланишига, банкротлигини олдини олишга, дунё бозорига чиқиб боришига ва экспорт салоҳиятини ортишига энг асосий пойдевор- етакчи куч ҳисобланади.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов “Биз доимо ҳамма даражада маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш билан жиддий шуғулланиш

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини катъият билан давом эттириш”. 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

⁴ Каримов И.А. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистонда шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари, - Т.: Ўзбекистон, 2009.

зарурлигини таъкидлаймиз. Бироқ, бу борада амалда жуда оз иш қилинмоқда. Ички ва ташқи бозорларнинг тараққиёт тамойилларини яхши билмаслик натижасида корхоналар, қўйинки бутун мамлакат катта зарар кўрмоқда»⁵, - деб таъкидлайдилар. Шунинг ўзи ҳам корхоналарни иқтисодий ночорликка тушишига асосий сабаб маркетинг стратегияларидан фойдаланмаслик, корхона фаолиятида маркетинг муҳитини яратилмаганлиги, корхонани бозорда маркетинг тадқиқотларини олиб бормаганлиги, корхонани бизнес режасини тузаётганда унинг фаолиятини асосий истиқболини белгилаб берувчи маркетинг стратегиярига етарли эътибор бермаслик натижасидир.

Ҳозирги жаҳон бозорларида кескин рақобат муҳити мавжуд. Мамлакатдаги корхоналарни ушбу жараёнда қатнашиб ўз ўрнини эгаллаши учун Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаб ўтганларидек «...мақсадга мувофиқ ҳолатларда Трансмиллий корпорациялар таркибига кириш, очиқ иқтисодиёт йўлида изчил ривожланишимизнинг муҳим омили ҳисобланади»⁶. Юқоридагиларнинг барчаси мавзунинг долзарблигини кўрсатади.

Бититрув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари. Ишнинг асосий мақсади Наманган шаҳридаги иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини ўрганиш, иқтисодий ночорлик сабабларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва уларни маркетинг стратегиялари асосида соғломлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Қўйилган мақсадга мувофиқ тадқиқот ишининг вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

- иқтисодий ночор, паст рентабелли ва кам қувватли корхоналарда маркетинг тадқиқотларининг назарий асосларини ишлаб чиқиш;
- “Иқтисодий ночорлик”, “Банкротлик” ва “Санация” тушунчаларининг моҳияти ва ўзаро боғлиқлигини асослаш;
- маркетинг тадқиқотлари, жараёни ва усулларини ўрганиш;
- Наманган шаҳридаги иқтисодий ночор корхоналарда маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ва уларни маркетинг стратегиялари асосида соғломлаштиришни жорий қилиш;
- Наманган шаҳридаги иқтисодий ночор корхоналарни банкротлик ҳолатларини олдини олиш ва уларни маркетинг стратегияларини жорий этиш орқали молиявий соғломлаштириш, рақобатбардошлигини ошириш имкониятларини ўрганиш.

Тадқиқот объекти бўлиб Наманган шаҳрида жойлашган иқтисодий ночор, паст рентабелли ва кам қувватли корхоналар ҳамда банкротлик ҳолатидаги корхоналар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети. Наманган шаҳридаги иқтисодий ночор, паст рентабелли ва кам қувватларда ишлаётган, ҳамда банкротлик

⁵ Каримов И.К. “Келажакни жасоратли одамлар куради”. Т.7.Т. “Ўзбекистон” 1999,321.

⁶ Каримов И.К. “Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларнинг пировард мақсадидир”. Т. Ўзбекистон. 2007,41

ҳолатидаги корхоналарнинг бозор фаолияти ва уларда маркетинг стратегияларини қўллаш жараёнида юзага келадиган иқтисодий-ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари бўйича таклиф этилган асосий йўналишларни иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш мақсадида қўллаш мумкин.

Битирув малакавий ишининг тузилиши. Битирув малакавий иши кириш, 3 та боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Битирув малакавий ишининг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси очиқ берилган. Мавзунинг биринчи бобида назарий ва услубий масалалар ёритилган, иккинчи бобида тадқиқотда мавзунинг ривожланиш даражаси, ҳолати ва йўналишлари ёритиб берилган. Учинчи бобида мавзудаги масалаларнинг келажакдаги вазифалари, башоратлари келтириб ўтилган.

I боб. Иқтисодий ночор корхоналар фаолияти ва уларни маркетинг стратегиялари асосида соғломлаштиришнинг назарий асослари.

1.1. Корхона ва унинг маркетинг фаолияти моҳияти.

Корхона - “Хуқуқий шахс хуқуқига эга бўлган, мулкчилик хуқуқи ёки хўжаликни тўла юритиш бўйича ўзига қарашли мол-мулкдан фойдаланиш асосида маҳсулотни ишлаб чиқарадиган, сотадиган ёки маҳсулотни айирбошлайдиган, ишларни бажарадиган, хизмат кўрсатадиган, беллашув ҳамда мулкчиликнинг барча шакллариининг хуқуқчилиги шароитида амалдаги қонунларга мувофиқ ўз фаолиятини рўёбга чиқарадиган мустақил хўжалик юритувчи субъект”.

Корхона фаолиятининг асосий мақсади ўз маҳсулотлари, ишлари ва хизматларига бўлган эҳтиёжларни қондириш, шу асосда меҳнат жамоаси аъзоларининг ижтимоий ва иқтисодий манфаатларини ҳамда корхона мулк эгаси манфаатларини таъминлашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасининг „Мулкчилик тўғрисида“ги Қонунида белгилаб қўйилган мулк шаклларига биноан корхонанинг қуйидаги турлари фарқланади:

- жисмоний шахсларнинг хусусий мулкига асосланган корхоналар;
- ширкат (жамоа) мулкига асосланган жамоа, оила, маҳалла корхоналари, ишлаб чиқариш кооперативлари, хўжалик жамиятлари ва ширкатларига, жамоат ташкилотларига қарашли корхоналар ҳамда жамоа мулкнинг бошқа шаклларига асосланган корхоналар;
- аралаш мулкка асосланган давлатлараро ва қўшма корхоналар ҳамда мулкчиликнинг турли шаклига мансуб тўлиқ ёки ҳиссадор йўсинда иштирок этишга асосланган бошқа корхоналар.

Мулкчилик шаклларида қатъий назар, корхона ишчилар сонига қараб кичик ёки ўрта корхоналарга бўлинади.

Мулкчиликнинг барча шаклига мансуб корхоналар ихтиёрийлик асосида фаолиятни мувофиқлаштириш, ўз хуқуқларини химоя қилишни таъминлаш, тегишли давлат идоралари ва бошқа идораларда, шунингдек, халқаро ташкилотларда умумий манфаатларни идора этиш мақсадида хўжалик уюшмаларига: концернларга, консорциумларга ҳамда тармоқ тамойиллари, ҳудудий ёки бошқа тамойиллар асосида ўзга бирлашмаларга уюшишлари мумкин.

Корхона ўз низомига мувофиқ бошқарилади. Корхона бошқарув тузилмаси, шакли ва услубларини мустақил аниқлайди, штатларини белгилайди.

Корхоналарни шартли равишда беш тоифага ажратиш мумкин :

- а) яхши (нормал);
- б) қониқарли (ностандарт);
- в) субстандарт;
- г) шубҳали;
- д) умидсиз (зарар).

Нормал - қарздорнинг молиявий аҳволи барқарор, рентабеллик даражаси юқори, дебитор қарзлари қисқа муддатларда ундирилади,

Қониқарли - корхонанинг молиявий аҳволи барқарор, аҳволи ёмонлашуви тенденцияси вужудга келиш эҳтимоли бор.

Субстандарт - корхона барқарор молиявий аҳвол ва тўлов қобилияти билан ҳимояланмаган. Қарздорликларни қайтарилиши бирламчи манбаи етарли эмас.

Шубҳали – корхонанинг келгусида зарар кўрилиши эҳтимоли жуда катта. Лекин, келгусида ишга солиниши мумкин бўлган баъзи омилларнинг мавжудлиги қарзлар қайтарилишига ишончни бир мунча қувватлаб туради.

Умидсиз- корхонанинг кредиторлик қарзларини ундирилиши эҳтимоли жуда оз бўлган, доимий зарар билан ишлайди.

Банкротлик (иктисодий ночорлик) - бу хўжалик суди томонидан эътироф этилган, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини тўла ҳажмда бажаришга қодир эмаслигидир.

Қарздор- пул мажбуриятлари бўйича кредиторларнинг талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир бўлмаган юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор.

Тарихий манбааларда кўрсатилишича, XII асрларда Генуяда пул алмаштирувчиларни “bancherii” деб аташган. Агар пулдорлардан бирортаси ишончни оқламаса ва ишига масъулиятсизлик қилса, у ўтирган стол синдириб ташланган ва уни “Banco rotto”, яъни банкрот деб аташган. Яъни, бизга маълум бўлган “банкрот” сўзи ҳам “banca” сўзидан олинган.

Банкротлик – бу хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий қашшоқлиги, уни қарз мажбуриятлари бўйича тўловга қобилиятсизлиги, хўжалик судининг қарори билан ошқора эълон қилинганлигидир. Ўз ишининг маъноси билан банкротлик – бу бозор иқтисодидаги оддий ҳолат, рақобат курашидаги табиий жараёндир, унда ночор тадбиркор таркиби ўзининг хўжалик фаолиятини тўхтатишидир. Рақобат курашининг натижаси – бу ишлаб чиқариш тараққиётини ишдаги ташаббусни рағбатлантиришдан иборатдир.

Бозор муносабатлари шароитида корхоналар талаб бўлмаган ёки қимматбаҳо маҳсулот чиқарувчилар ёки уни ишлаб чиқарилишидан воз кечиши ёки тугатилиши керак. Тугатилган корхонада меҳнат ишлаб чиқариш ва молиявий ресурслар янги фирмалар бунёд этилишида асос ҳисобланадилар.

Хўжалик юритувчи субъектларини банкрот бўлиш моҳияти барча кредиторлар талабини қондиришдан иборат, яъни улар манфаатини қондиришидир. Банкротликка учраган тадбиркор ёки корхона мулкани сотишдан асосий мақсад кредиторларга қарзни қайтаришдан иборатдир. Шу билан бирга кўпчилик давлатлар қонунияти, шу жумладан бизнинг республикамызда ҳам оғир молиявий аҳволга тушган, хўжалик юритувчи субъектга ёрдам кўрсатишга, аввалги турғунликни тиклашга ва яна тўлаш қобилиятига эга бўлишига йўналтирилган.

Аммо, банкротлик балки хўжалик юритувчи субъектнинг ҳаддан ташқари қарздори билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бу иккинчи вариант амалиётда тадбиркорлик таркибини соғломлаштириш (санация) усули сифатида ишлатилиши мумкин.

Жаҳон амалиётида – Санация (лотинча *sanatio* – даволаш, соғломлаштириш маъносини билдиради) – саноат, савдо корхоналарини, банкларни ва бошқаларни банкротликдан сақлаб қолиш учун йирик банклар ва давлат томонидан ўтказиладиган тадбирлар тизимидир.

Банкротлик замини – бу маълум ҳақиқий ҳолат бўлиб, уни аниқ шароитни ҳисобга олиб баҳолаш зарур. Ҳар қандай тўхтатилган тўловни банкротлик замини деб ҳисобламаслик керак. Агар тўловларни тўхтатилиши ёмон ният натижаси бўлса, унда жинойат жараёни сабаби ҳисобланади.

Корхона таркибининг фаолиятини иқтисодий натижалари сезиларли тебранишларга мойилдир ва улар кўп омилларга боғлиқ. Бу эса кўпчилик хўжалик юритувчи субъектлар кўтарилиш ва пасайиш босқичларини босиб ўтади, кўплари банкротликка яқинлашсалар, бошқалари банкротликка учрайдилар.

Корхоналарнинг иқтисодий ночор ҳолатга келишига ва банкротликка тушишига асосий сабаб эса корхоналарда маркетинг фаолиятини тўғри йўлга қўйилмаганлиги, маркетинг стратегияларини ишлаб чиқилмаганлиги ва ўзлари фаолият кўрсатадиган бозорларда маркетинг тадқиқотларини чуқур олиб борилмаганлиги натижасидадир.

Мамлакатимизда маркетинг масалаларига 80-йиллардан бошлаб эътибор бериб келинмоқда. Аммо, 90-йилларгача корхоналар ўзларининг маҳсулотларини ишлаб чиқариш қувватига қараб тезкор бозор сўровига эга эмас эдилар. Аммо маркетингнинг шундай функциялари ишлатилар эдики, улар фақат маҳсулот йиғиш ва тарқатишдан иборат эди.

Бозор муносабатларига ўтиш маркетинг ривожланишига имкон яратди. Корхоналар ўзларининг фаолиятларига мос келадиган маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиб, ижодкорлик билан ўз дифференциациясига қараб, маркетинг ёрдамида ўзининг рақобатга бардош бериш, ташаббускорликни рағбатлантириш имконини яратди.

Маркетинг ишлаб чиқариш, сотиш фаолиятида, бошқариш сиёсатида истеъмолчи сўровини ҳар томонлама ўрганиш, бу талабларга ишлаб чиқаришни мослаштириш, бозорга таъсир қилиш демакдир.

Маркетинг фаолиятини ташкил этиш деганда, унинг вазифаларини бажарувчи таркибий бўлинмаларини шакллантириш ва уларнинг ўзаро масъулиятларини ҳамда муносабатларини ифодаловчи тизимни яратиш тушунилади. Бундай тизим оддий корхона (фирма)дан бошлаб, бозорнинг барча субъектлари, давлат, нодавлат, тижорат, нотижорат ташкилотлари, туман, шаҳар, вилоят ва республика миқёсидаги маркетинг хизматларини ўз ичига олади. Маркетинг фаолияти ва унинг маҳсуллашиши, корхона (фирма)нинг умумий фаолиятидаги меҳнат тақсимоти шаклланишини англатиб, унинг бошқарув тизимидаги ўзаро мантикий муносабатлар

даражаси юксалиши орқали бозордаги мақсадига эришишига асосий восита бўлади. (Расм 1.1.1.)

Корхонанинг умумий фаолияти асосан, унинг бозордаги муваффақиятига боғлиқлигини назарда тутилса, маркетинг хизмати вазифаси ва функцияларини юқори даражада бажарилишига эришиш талаб этилади. Корхона бошқарувининг маркетинг бўлими бажарадиган функцияларини бошқа барча вазифаларидан энг катта фарқи шундаки, унинг маркетинг фаолияти ишлаб чиқарган товар (хизмат) ҳаридор ва истеъмолчилар орасида доимий алоқа (коммуникация)ни шакллантиришга қаратилган.

Шунинг учун ҳам маркетинг фаолиятини ташкил этиш ва ундан самарали фойдаланиш, ҳар қандай фирма ёки тадбиркорнинг бош мақсади бўлиши керак.

Маркетингни ташкил этишда икки жихат муҳим: мақсадлар ва маркетинг хизмати мақоми эътиборга олинади.


Мақсадни танлаш. Кўпгина раҳбарлар ҳозирги пайтда ўз корхоналарининг асосий мақсади сифатида энг юқори фойда олишни кўрсатадилар. Лекин бу танлов унчалик мақбул эмас. Айтайлик, агар корхона узоқ келажакни кўзлаб иш юритаётган бўлса (маркетинг фаолияти айнан худди шундай ҳисобланади) бу ҳолда у анчагина маблағни НИОКРга, асосий сармояга ишлаб чиқариш тайёргарлигига ва кадрлар малакасини оширишга сарфлаши керак. Бу тадбирнинг ҳаммаси ишлаб чиқариш ҳаражатларини кўпайтиради ва фойданинг камайишига олиб келади. Катта фойда олиш ҳақида ҳам, яқин келажакда фойдани кўпайтириш ҳақида ҳам ҳамиша гапиравермаслик керак. Масалан, агар корхона янги бозорга кириб бормокчи бўлса, аввалида ҳеч қандай фойда олмаслиги, аксинча, кўпинча ҳатто зарарига ишлаши мумкин. Бундан ташқари кўпгина мамлакатларда қабул қилинган фойдага қараб солиқнинг ортиб бориши корхонага режалаб қўйилгандан ортиқча фойда олиш мақбул эмаслигини исботлайди.

Япониядаги машҳур «Мацусита Денки» фирмасининг асосчиси Коносуке Мацуситанинг фикрича, фақат унчалик юқори ҳам эмас, унчалик кам ҳам эмас, балки оқилона микдорда фойда олгандагина корхона ўз фаолиятини кенгайтириши мумкин.

Маркетингни ташкил этишга киришган корхонанинг мақсадлари қандай бўлиши керак?

Маркетингни тан олинган пешқадамлари бўлмиш японлар тажрибасидан келиб чиқадиган бўлсак, асосий мақсадлар қуйидагилардан иборат:

- сотиш ҳажми;
- ўсиш суръатлари (сотув ёки фойда ҳажми);
- бозордаги ҳиссаси;
- режаланган фойда, бу фойданинг ҳажми, фойданинг сотув ҳажмига нисбати, барча сармоядаги фойда меъёри, фойданинг ҳиссадорлар сармоясига нисбати ва бошқаларда акс этиши мумкин;



Расм 1.1.1.

Корхона таркибини функциялари бўйича кўриниши.

- сармоянинг таркиби, яъни фаолларнинг умумий суммасига ёрдам шаклидаги сармоянинг нисбати (бу Японияда тахминан 20%га тенг).

Бу руйхатни бошқа турлича мақсадлар билан ҳам тўлдириш мумкин. Масалан, маҳсулот сифатини ошириш, харажатларни камайтириш ва шу кабилар.

Мақсадларни ишлаб чиқишда улар корхона ходимларининг ниятларини акс эттириш зарурлигига алоҳида эътибор бериш керак. Акс ҳолда, ишловчиларнинг ишлаб чиқариш жараёнидан «ички узилиши» рўй беради. Ҳар бир ишчи ўзи ишлаётган фирманинг вазифаларини осонгина айтиб бера олиши керак, чунки, бу вазифаларни бажарилишидан у ниҳоятда манфаатдор бўлади.

Шуни англаш муҳимки, корхонада маркетингнинг чинакамига жорий қилиниши учун унда тегишли хизматни тузишнинг ўзи етарли эмас. Гап ана шу хизматга қандай мақом берилганида.

Маркетинг бўлими диққат марказига маҳсулотнинг пировард истеъмолчилари билан боғлиқ барча муаммолар тушади, бу пайтда бошқа бўлинмалар ўз эътиборини турли жузъий вазифаларга қаратган бўлади. Шунинг учун ҳам маркетинг бўлими бутун фаолиятини мувофиқлаштириб туришини тан олиш мутлақо табиийдир. У ишлаб чиқариш жараёнида етакчи бўлиши учун унинг мақомини бошқа бўлинмалар ичида энг юқори қилиб белгилаш лозим. Корхонанинг аниқ маркетинг мўлжалининг гарови ҳам ана шунда!

Маркетинг бўлимини ташкилий тузилиши ҳар бир корхона фаолиятига унинг ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) ҳамда бозорининг ҳажмига мос келиши керак.

Маркетинг вазифалари ва функцияларини қуйидагича гуруҳлаш тавсия этилади. (расм 1.1.2.)

Х.Меффертнинг таъкидлашича, маркетинг хизмати бажарадиган вазифалар қуйидагилардан иборат:

1. Корхона товари (хизмати)га бўлган талабни бошқариш, яъни бозордаги фаолияти билан боғлиқ вазифалар.
2. Корхона ёки фирмани ўзининг фаолияти билан боғлиқ вазифалар.
3. Атроф-муҳит ва жамоатчилик билан боғлиқ вазифалар.


А.Н.Романов⁸ бошчилигида тайёрланган дарсликда маркетинг функциялари 4 гуруҳга бўлинган:

Аналитик функциялари:

1. Бозорни ўрганиш.
2. Истеъмолчиларни ўрганиш.
3. Фирма таркибини ўрганиш.
4. Товар ва уни таркибини ўрганиш.
5. Корхонанинг ички муҳитини ўрганиш.

Ишлаб чиқариш функциялари:

1. Янги товарлар ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишни ташкил этиш.



Расм 1.1.2. Маркетинг вазифаларини бошқариш функцияларини бўйича тузилиши.

2. Моддий таъминотни ташкил этиш.
3. Тайёр маҳсулотнинг сифати ва рақобатбардошлигини бошқариш.

Сотиш функцияси:

1. Товар ҳаракати тузишни ташкил этиш.
2. Сервисни ташкил этиш.
3. Талабни шакллантириш ва сотишни рағбатлантириш тизимини ташкил этиш.
4. Мақсадга йуналтирилган нарх сиёсатини олиб бориш.
5. Мақсадли товар сиёсатини олиб бориш.

Бошқариш ва назорат функциялари:

1. Корхонада стратегик ва тактик режалаштиришни ташкил этиш.
2. Маркетингни бошқариш жараёнини ахборот таъминоти.
3. Коммуникация тизимини ташкил этиш.
4. Назорат ва таҳлил.

Корхона маркетинг фаолиятини таркиби.

1. Маркетинг тадқиқотлари ташқи ва ички муҳитлар тадқиқоти: халқаро бозорлар, маҳаллий сотиш, капитал, меҳнат ва моддий ресурслар бозорлари тадқиқоти; саноат ишлаб чиқариш соҳалари; истеъмолчилар эҳтиёжлари, товарлар тақсимоти, реклама воситалари, товарлар ва улар дизайни, маркетинг-микс, рақиблар тадқиқоти; талаб ва сотиш истиқболини аниқлаш ва бошқалар.
2. Товар (хизмат) ишлаб чиқариш ва унинг ассортиментини режалаштириш:
Товар сиёсатини: ишлаб чиқариш ҳажми ва ассортиментини, сифат кўрсаткичлари ва рақобатбардошлигини, янги маҳсулотларни аниқлаш.
3. Нархлаштириш:
Баҳони шакллантириш стратегия ва тактикасини ҳар бир маҳсулотнинг бозорга етиб бориши ва сотилишигача бўлган ҳаражатлари асосида баҳосини таҳлил қилиш, бозорда талаб ўзгаришини баҳога таъсир этиши ва янги товар нархини ишлаб чиқиш.
4. Коммуникация ва логистика:
Реклама ва сотишни рағбатлантириш сиёсатини, товар ҳаракатини ташкил этиш, замонавий коммуникация воситаларидан фойдаланиш, харидорлар, сотувчилар ва воситачиларни рағбатлантириш, Паблик Рилейшзни ташкил этиш ва бошқалар.
5. Сотишни ташкил этиш:
Савдо сиёсатини ишлаб чиқиш, сотиш тармоқларини танлаш, товарни етказиб бериш, захираларни сақлаш, савдо ҳажми ва бюджетини сотишни, назоратни ва бошқаларини аниқлаш.
6. Маркетинг-менежмент:
Маркетингни бошқариш: бўлиниш таркибини аниқлаш, қарорлар қабул қилиш, аудит ўтказиш, маркетинг хизмати фаолиятини баҳолаш.

⁸ А.Н.Романов и др. Маркетинг, Н.Южети, 1996.

Амалиётда фаолият кўрсатаётган маркетинг бўлимлари қуйидаги шаклларда ташкил этилмоқда.

Корхонани маҳсулотлари нисбатан оз бўлса, бозорлари ҳам бир хил бўлганда, маркетинг бўлими бажарадиган функциялари бўйича ташкил этилади.

Кўп ассортиментли ва нисбатан бир хил бозорларда фаолият кўрсатаётган корхоналар маркетинг бўлимлари товарга йўналтирилган шаклда ташкил этилмоқда (Расм 1.1.3.).

Корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотлар турлари нисбатан кам ва бир хил бўлиб, бозорлари кўп ва географияси ҳар хил шароитда маркетинг бўлими фаолиятини бозорлар (регионлар) бўйича ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб қаралмоқда (Расм 1.1.4.).


Маркетинг хизматини регион ҳудудлар бўйича ташкил этиш орқали ҳар бир ҳудуд хусусиятлари ва уларнинг бозорга, истеъмолчилар хатти-ҳаракатига таъсири чуқурроқ ўрганилади ва таҳлил қилишга имконият яратилади.

Мазкур шаклда маркетинг фаолиятини ташкил этиш (Расм 1.1.4.) кўпроқ трансмиллий компаниялар томонидан амалга оширилади. Аммо бу усулнинг камчилиги ҳам бўлиб, баъзи вазифаларни бажаришда бўлимлар бир хил ишларни такрорлашлари мумкин.


Шунинг учун маркетинг фаолиятини сегмент (истеъмолчилар) бўйича ташкил этиш афзалроқдир (Расм 1.1.5.).

Мазкур шаклда маркетинг хизмати ташкил этиш барча бозордаги истеъмолчилар гуруҳларини бўлимдаги гуруҳларга тақсимлаб берилади ва улар махсус дастур асосида доимо ўша ҳаридорлар хатти-ҳаракати, имкониятлари, диди ва келажакда эҳтиёжларида қандай ўзгаришлар рўй бериш масалаларида ҳамда замонавий коммуникациялар орқали улар билан доимий узлуксиз икки томонлама алоқаларни ўрнатиш вазифаларини бажарадилар.


Маркетингни ташкил этиш жараёнида унинг вазифалари ва функцияларини бажарувчи бўлим фаолиятини корхонанинг бошқа бўлимлари иши билан мувофиқлаштириб бериш ҳам муҳим аҳамиятга эга, энг аввало маркетинг ва молия бўлимлари ишини яқинлаштириш, маркетинглоглар корхона бюджети, товарлар бўйича ҳаражатлар, таннарх, солиқлар ва фойда, унинг тақсимоли масалаларини яхши билиши билан бирга, маркетинг бюджетини ҳам ўзлари ишлаб чиқишлари ва унинг бажарилишини назорат қилишлари шарт. Маркетинглоглар ва корхона юристлари ўртасида ҳам қонунлар, низомлар, шартномалар бажарилишини ва товарни сотиш билан боғлиқ тартиб қоидаларга риоя этиш каби ҳолатларда ўзаро ҳамкорлик қилиш тавсия этилади. Шунга ўхшаш, маркетинг бўлими корхонанинг барча таркибий тузилмалари билан ўз режалари ва ишларини мувофиқлаштирган ҳолда фаолият кўрсатишлари тавсия этилади. Маркетинг бўйича менежер фаолияти қуйидаги расмда кенгроқ ифодаланган (Расм 1.1.6.).



Расм 1.1.3. Маркетинг хизматини товарлар бўйича ташкил этиш.



Расм 1.1.4. Маркетинг фаолиятини бозорлар (регионлар) бўйича ташкил этиш.



Расм 1.1.5. Маркетинг хизматини бозор сегмент (истеъмолчи) лари бўйича ташкил этиш.

Ҳозирги кунда бозор иқтисодиёти ривожланиши билан корхоналардаги бошқариш структуралари қайта қурилмоқда. Бошқариш структураларининг сотиш таҳлили қатор машина қуриш корхоналарида шуни кўрсатдики, кўп серияли ва оммавий ишлаб чиқариш типигаги корхоналар учун марказлаштирилган сотиш фаолиятининг бошқариш тизими маъқул, майда серияли ва яқка ҳолдаги корхоналар учун эса марказлаштирилмагани. Одатда буйруқ портфелини ишлаб чиқариш бўлимлари белгилайди, сотиш бўлимларига эса оператив сотиш функциялари қарайди. Сотишни бошқариш марказлаштирилган тизимида ҳамма сотиш функциялари корхонанинг сотиш бўлимида жамланган.


Сотиш бўлимининг структураси асосида функциялашнинг принципи жойлашган. Шунинг учун маркетинг гуруҳларини сотиш бўлимларида жойлаштириш мақсадга мувофиқ.

Маркетинг функцияларини таъминловчи ҳар қандай ташкилот бозорни тахсил қилиш, маркетинг тадбирларини режалаштириш, уларни амалга ошириш ва бошқариш юзасидан ўзининг муайян тизимига эга бўлиши керак. Ҳозирги замоннинг кенг тарқалган маркетинг фаолияти тури юқорида айтилганидек, функционал ташкилий тизимдир. Турли йўналишли маркетинг фаолияти бошида савдо-сотик менежерлари, реклама бўйича, маркетинг изланишлари бўйича, услубларга хизмат қилиш бўйича ва янги маҳсулотлар бўйича менежерлар туради. Маҳсулотини ўзининг мамлакатада сотувчи ва четга сотувчи компанияларда географик принципга асосланган ташкилий тизим қўлланилади. Маркетинг ва сотиш масалалари бўйича ишлайдиган мутахассисларга маълум давлатлар, минтакалар бириктирилган ва улар ўзининг харидорларини яхши ўрганиш ҳамда умумий сарфини камайтириши керак.

Баъзи компаниялар менежмент тоифасини янгиликлар билан комбинациялаштиради: сотиш маркалари, командаси ва тоифа командалари.

Маркетинг режаларини корхонада амалга оширишда кўзда тутилмаган ҳар-хил шароитлар вужудга келиши мумкинлигини эътиборга олган ҳолда, маркетинг бўлимини маркетинг тадбирларини назорат қилиб туриши керак.

Маркетинг назорати тўртта босқичга бўлинади (Расм 1.1.7.). аввалига раҳбарлик томонидан аниқ маркетинг масалаларини тавсифлайди, кейин бозорда уларнинг иш режалари бажарилишини миқдорий баҳолайди ва режадан четга чиқиш сабабларини таҳлил қилади, шунингдек ва охири раҳбарият белгиланган вазифаларни ва уларнинг бажарилиши орасидаги фарқнинг йўқотилишига аниқлик киритади. Алоҳида ҳолларда бунинг учун дастурни ўзгартириш ёки юқорида тавсифланган масалаларни қайта кўриб чиқиш мумкин.



Расм 1.1.6. Корхонани бошқарувида маркетинг бўйича менежер фаолияти.

Мақсаднинг
тавсифи

Бизлар нимага
эришмокчимиз?

Фаолият
натижалари
ишини улчаш

Амалда нима содир
булмокда?

Фаолият
натижалари
ишининг таҳлили

Сабаби
нимада?

Коррекциялаш
ишлари (тугрилаш,
теккислаш)

Нима
килмок зарур?

Расм 1.1.8. Маркетинг назорат
қилиш жараёни.

Маркетинг стратегиялари ва дастурлари тезда эскиради, шунинг учун компаниялар даврий равишда бозорда бўлган муносабатни оператив ва стратегик назорат қилиб туриши керак.

Тезкор (оператив) назорат ўз ичига кунлик бажариладиган иш билан йиллик режани таққослаш, керак бўлса аниқлик киритишни олади. Оператив назоратнинг мақсади – компания (корхона ёки фирма) томонидан эришилган маҳсулот сотиш даражаси, фойдали ва бошқа мақсадлар йиллик режаси билан белгиланади. Стратегик назорат вазифаси корхонанинг асосий стратегияси ва имкониятларини таққослашдан иборатдир.

Маркетинг тадбирларини амалга ошириш масъулиятли иш бўлганлиги сабабли, баъзи ҳолларда стратегияни амалга оширишга нисбатан уни ишлаб чиқиш анча осон. Шунинг учун маркетинг стратегияси эффектлигини баҳолаш унинг амалга ошириш имкониятларига боғлиқ. Бу эса ўз навбатида ҳар хил ҳолдаги маркетингни амалга оширишдаги ишлар мажмуасидан иборат.

Амалий чегара вақтга боғлиқ баъзи етакчи корхоналар узок муддатли режалар тузишмайди, бунда асосан уларнинг ишлаш услуби ва стратегияси ҳаракатчанлик фаолиятига боғлиқ бўлади. Юқоридагиларни амалга ошириш қуйидагиларга боғлиқ:

Биринчидан, тўла фаолиятни бажарувчилар ишини мувофиқлаштириш ҳамда амалга ошириш дастурини ташкил этиш.

Иккинчидан, корхона формал ташкилий структурасининг маркетинг стратегиясини амалга ошириш.

Учинчидан, корхона рағбатлантириш ва қарорлар тизимини қабул қилиш.

Тўртинчидан, маркетинг стратегиялари корхона умумий маданиятига мос келиши, у эса ўз навбатида маълум баҳога ва таъсирга ташкилий ходимлари томонидан келишилган, жамоа онги ва комиссия маҳоратига боғлиқ.

1.2. Ўзбекистонда иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш бўйича ҳуқуқий асосларни яратилиши.

Маълумки, мамлакатимизда хўжалик юритишнинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилган ва амалиётда изчил равишда қўлланмоқда. Улар жумласига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик кодекси, Меҳнат кодекси, Ер кодекси, “Хусусий корхона тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Банкротлик тўғрисида”ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги, “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги ва бошқа қонунлар киради.

Мамлакатимизда иқтисодиёт реал сектори корхоналарнинг капиталлашув даражасини янада ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий

соғломлаштириш ва бошқариш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш мақсадида кўплаб ижобий ишлар олиб борилмоқда. Бу борада ушбу масалалар юзасидан Қонунлар, махсус Президент Фармон ва Фармойишлари, Вазирлар Махкамасининг Қарорлари чиқарилган бўлиб, мамлакатимизда фаолият юритаётган корхона ва фирмаларни, кичик бизнес субъектларини иқтисодий ҳолатини яхшилаш, паст рентабелли, кам қувватли корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш, модернизация қилиш, уларга янги техника, технологияларни жалб қилиш, инновация ғояларини киритиш ва бу орқали аҳолининг бандлигини таъминлашга эришилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги Ф-4010-сонли «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармойиши, «Иқтисодий ночор корхоналарни аукцион ва танлов савдолари орқали тижорат банкларига сотиш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053-сонли «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2003 йил 24 январда қабул қилдинган ПФ-3202-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Корхоналар банкротлиги ва санацияси механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги 1999 йил 23 июлдаги ПФ-2342-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2012 йил 5 октябрдаги 10-сонли «Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органига хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хўжалик фаолияти тўғрисидаги материалларни такдим этиш тартиби тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни (айрим бандларида), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сонли «Статистика, солиқ молиявий ҳисоботларни, лицензияладиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб қоидаларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 мартдаги ПК-1293-сонли «Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-4483-сонли Фармони, Вазирлар Махкамасининг Қарорлари мамлакатимиздаги иқтисодий ночор корхоналарни қайтадан соғломлаштириш учун ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитларида иқтисодий ўсишни ва унинг асосида аҳоли фаровонлигини таъминлашда турли тармоқларда фаолият юритаётган хўжалик субъектларининг молиявий-иқтисодий барқарорлигига боғлиқ. Шунинг учун фаолият юритиб келаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-иқтисодий барқарорлиги масаласи ҳукуматимиз диққат эътиборидаги энг муҳим масалалардан бири сифатида майдонга чиқмоқда.

Албатта, иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг бош мақсади хўжалик субъектларининг иқтисодий самарадорлик мезонлари ва иқтисодий рағбатларга таянган ҳолда ишлашига, шунга таянган ҳолда эса миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигига эришишдир. Шу нуқтаи назардан самарали ишлашга эриша олмаётган корхоналарни аниқлаш, бундай субъектларнинг бошқа корхоналарга салбий таъсирини бартараф этиш масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда хўжалик юритувчи субъектлар барчасининг молиявий-иқтисодий аҳволини аниқлаб ва таҳлил этиб бориш вазифаси юклатилган алоҳида давлат ёки нодавлат институти мавжуд бўлмасида, қатор соҳаларда буни амалга оширувчи тузилмалар мавжуд. Масалан банк иши соҳасида тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини Марказий банк томонидан иқтисодий нормативларни белгилаш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш орқали кузатиб борилади. Бундан ташқари ахборот-рейтинг компаниялари мунтазам равишда тижорат банкларининг рейтинг кўрсаткичларини аниқлаб ва эълон қилиб борадилар.

Иқтисодиётнинг реал секторида асосан молиявий аҳволи ёмонлашган корхоналарга эътибор қаратиб келинмоқда. Чунончи, 1994 йил 5 майда “Банкротлик тўғрисида” Қонун қабул қилинди (2003 йил 24 апрелда янги таҳрири қабул қилинган). Мазкур Қонун талабларини бажариш учун эса корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолатини аниқлаш ва баҳо бериш лозим эди. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида 1995 йил 17 июлда «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунни амалга киритиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор қабул қилинди. 1996 йил 11 декабрда Республика Президентининг «Корхоналарнинг банкротлиги тўғрисидаги қонунни амалда қўллаш чора-тадбирлар ҳақида» Фармони эълон қилинди ва махсус орган – иқтисодий ночор корхоналар ишлари бўйича Кўмита тузилди. 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Корхоналар иқтисодий ночорлиги ишлари бўйича кўмита томонидан «Корхонанинг иқтисодий ночорлиги аломатларини аниқлаш мезонлари тизими» ишлаб чиқилди⁹. Ушбу меъёрий ҳужжатга кўра корхонанинг иқтисодий ночорлиги тўловга қобиллик коэффиценти, ўзининг ва қарз маблағлари нисбати коэффиценти, молиявий мустақиллик коэффиценти ва ўз оборот маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти кўра аниқланиши белгилаб қўйилди. Демак, “Банкротлик тўғрисида”ги Қонун ижроси тўғридан-тўғри молиявий-иқтисодий таҳлил ва назорат таомилларига асосланмоқда.

Молиявий барқарорлик таҳлилига тижорат банклари фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларида алоҳида эътибор қаратилган. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасида банклар ўз номидан ўзининг ва жалб этилган маблағларининг ҳисобидан қайтариш, тўловлилик ва муддатлилик шартлари асосида кредитлар бериши қайд этилган⁹. Мазкур шартларнинг амалда бажарилишига кўмаклашиш ва банк акциядорларининг манфаатлари ҳимояланишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан «Тижорат банкларининг кредит сиёсатига талаблар тўғрисидаги Низом (янги таҳрир)» ишлаб чиқилган (Марказий банк бошқаруви томонидан 2000 йил 22 февралда тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 5 мартда 905-сон билан рўйхатга олинган). Низомнинг 2.6 – пунктида кредит сиёсатида бўлажак қарздорларнинг кредит қобилиятини аниқлаш учун уларнинг молиявий аҳволини таҳлил қилишнинг таомиллари батафсил ёритиб берилиши лозимлиги кўрсатилган. Банк қарздорнинг кредит қобилияти мезонларини ва уларни баҳолаш методикасини аниқ белгилаб олиши лозим⁹.

Кредитлаш жараёнида мижознинг фаолияти молиявий-иқтисодий мониторингини тақозо этувчи талаблар Марказий банкнинг бошқа норматив ҳужжатларида ҳам мавжуд. Чунончи, «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларини, шунингдек кичик ва ўрта бизнес субъектларини миллий валютада кредитлаш тартиби» (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан 200 йил 7 мартда 907-сон билан рўйхатга олинган) мониторинг жараёнида мижознинг хўжалик-молиявий фаолияти, тузилган шартномалар (буюртмалар)га мувофиқ маҳсулот етказиб бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ишлаб чиқариш ҳажмлари унумсиз ҳаражатлари ва йўқотишлари, муомала ҳаражатлари, фойдаси, ўз айланма маблағлари мавжудлиги динамикаси, товар-моддий бойликлар ҳолати, айланма маблағлар айланувчанлиги таҳлил этиб борилишини талаб қилади. Банк қарздорнинг кредит йиғма жилди ҳужжатларини тартиблаштирган ҳолда кредит қобилиятининг доимий мониторингини амалга ошириши лозим¹.

Мамлакатимизда қабул қилинган қатор бошқа қонунлар ҳам бевосита хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг молиявий-иқтисодий натижалари ўрганиб чиқилишини назарда тутди. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 5-бўлимида мамлакатимизда мавжуд тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳақида сўз боради². Қонуннинг ушбу бўлимида давлат бошқарув органларининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш

⁹ Сборник законодательных Узбекистан актов по реформированию и либерализации банковской системы Узбекистана». – Т: «Ўзбекистон», 2000, 329-стр.

¹⁰Сборник законодательных Узбекистан актов по реформированию и либерализации банковской системы Узбекистана». – Т: «Ўзбекистон», 2000, 349-стр.

² Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун.Халқ сўзи, 4 январ 2001 йил.

соҳасида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги ваколатлари, тадбиркорликни ривожлантиришнинг давлат томонидан рағбатлантирилиши, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш фондлари, тезлаштирилган амортизация, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига энергия таъминоти манбаи исътемолидаги имтиёзлар, тадбиркорлик фаолияти учун кадрлар тайёрлашни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтилган. Жумладан, 41-моддада давлат бошқаруви органлари ўз ваколатлари доирасида тадбиркорлик фаолияти эркинликлари кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши ва тадбиркорлик фаолияти ривожланишидаги мавжуд муаммоларни ўрганишларини қайд этилган. Бу вазифанинг ижро этилиши тадбиркорлик субъектлари молиявий-хўжалик фаолиятининг жиддий равишда таҳлил этилишини тақозо қилади.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг қатор моддалари ҳам хўжалик фаолиятининг молиявий барқарорлиги ўрганиб чиқишини назарда тутди¹³. Чунончи, Қонуннинг 60-моддасида дивидендлар тўлашга қуйидаги ҳолларда (эълон қилишга) чекловлар белгиланган:

- жамият устав фонди тўла тўлаб берилгунга қадар;
- агар дивиденд тўланиши пайтида у ночорлик (банкротлик) белгиларига жавоб берса ёки дивидендлар тўланиши натижасида шундай белгилар вужудга келса;
- жамиятнинг соф активлари қиймати унинг устав фонди ва резерв фондлари суммасидан камроқ бўлса.

Мазкур чекловлар мавжудлиги эса молиявий-иқтисодий таҳлил ўтказиш асосида аниқланади.

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддасига кўра аудиторлик ташкилотининг касбий хизматларига хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятининг таҳлили ҳам киритилган. Шунингдек, қонуннинг 18-моддасида аудиторнинг ҳисоботида хўжалик юритувчи субъектнинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ва таклифлар бўлиши лозимлиги қайд этилган³.

Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолияти 90-сон миллий стандарти “Аудиторлик ташкилотининг касбга доир хизматлари”да касбга доир хизматлар рўйхатига молиявий ҳолат таҳлили, ликвидлик таҳлили, тўловга қобиллик таҳлили ва молия-хўжалик фаолиятининг таҳлили билан боғлиқ бошқа хизматлар киритилган⁴.

Юқоридаги келтирилган қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган “Таҳлилий тадбирлар” деб номланувчи аудиторлик миллий стандарти қабул қилинган. Ушбу стандарт

¹³ «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни.- Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 15-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 124-модда

⁴ Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари. “Таҳлилий тадбирлар” 13-сон. Аудиторлар Палатаси Наманган вилоят ҳудудий бўлими, 41-45 бетлар.

аудиторлик ташкилоти томонидан таҳлилий тадбирларни бажарилишини тартибга солади. Стандартнинг “Таҳлилий тадбирлар” деб номлануви бўлимида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-иқтисодий таҳлили қайси тартибда олиб борилиши белгиланган. Стандартда хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолатини унинг молиявий ҳисоботларининг амалдаги кўрсаткичларини, аудиторлик ташкилоти томонидан белгиланган прогноз кўрсаткичлари билан солиштириш, молиявий ҳисобот кўрсаткичларини тармоқнинг ўртача маълумотлари билан солиштириш, молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг вақт ўтиши давомидаги ўзгаришлари ва улар билан боғлиқ бўлган нисбий коэффицентлар таҳлили ва бошқа шу каби тадбирлар ўтказиш кўзда тутилган. Таъкидлаб ўтиш зарурки, стандарт бўйича аниқланиши лозим бўлган барча кўрсаткичларнинг талқини аудитор томонидан бажарилади. Бу баъзи бир ҳолларда хўжалик субъектнинг молиявий-иқтисодий ҳолати тўғрисида субъектив фикр билдириши эҳтимолини оширади. Демак, ушбу стандартда хўжалик субъектининг молиявий-иқтисодий ҳолатига баҳо беришда аниқ бир меъёрлар ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Аудиторлик фаолияти 31-сон миллий стандарти “Хўжалик юритувчи субъект фаолияти билан танишув” ҳам қатор таҳлилий ҳарактердаги ишларни назарда тутди. Унга кўра аудитор хўжалик юритувчи субъект фаолияти билан танишишда асосий фаолияти такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, молиявий менежмент, маркетинг ва шу кабиларга оид тадқиқотлар ва ишланмаларни кўриб чиқиши лозим бўлган асосий масалаларнинг намунавий рўйхатини белгилаб беради ва рўйхатнинг батафсил эмаслигини таъкидлайди. Шу билан бирга ҳар бир масалани ўрганиш борасида аудиторга аниқ тавсиялар берилмаган, яъни молиявий-иқтисодий таҳлилни аудитор ўз билим ва тажрибасидан келиб чиққан ҳолда амалга оширади.

Умуман олганда, аудиторлик текширувлари давомида корхона молия-хўжалик фаолиятининг чуқур ўрганиб чиқилади. Лекин бундай текширувлар хўжалик юритувчи субъектларнинг катта доираси учун мажбурий ҳарактерда эмас. Шунинг учун аслида солиқ текширувларига бундай субъектларнинг ҳақиқий молиявий аҳволидан манфаатлари улар билан боғланган шахсларнинг анчагина қисми хабардор бўла олмайди. Масалан, фермер хўжаликлари аудиторлик текширувидан ўтказилиши мажбурий бўлган хўжалик юритувчи субъектлар доирасига киритилмаган. Шунинг учун уларнинг молия-хўжалик фаолияти солиқ органлари томонидан биринчи навбатда давлат бюджетига солиқлар ва мажбурий тўловлар тўғри тўланиши нуктаи назаридан ва, иккинчи навбатда эса бухгалтерия ҳисобининг қонунчилик талабларига мувофиқ юритилиши нуктаи назаридан текширилади. Фаолиятнинг дастлабки икки йилида фермер хўжаликлари текширувдан ўтказилмайди. Демак, фермер хўжаликларининг молиявий хўжалик фаолияти ва молиявий ҳолати анчагина узоқ муддат баҳоланмай қолиши мумкин. Соҳани давлат томонидан тартибга солиш ва

давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосланган чораларини ишлаб чиқиш нуқтаи назаридан бундай ҳолатни ижобий деб бўлмайди.

“Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг қатор моддалари ижро этилиши хўжалик фаолиятининг молиявий-иқтисодий таҳлилини тақозо этади⁵. Жумладан, юқоридаги тилга олинган Қонун ҳужжатининг 29-моддасида: “Давлат фермер хўжаликларининг ҳуқуқларига риоя этилишини ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Давлат органлари фермер хўжаликларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қўмаклашишлари шарт” деб таъкидланади. Қонуннинг ижросини таъминлаш учун эса фермер хўжаликларининг молиявий-иқтисодий аҳволини узлуксиз тарзда ўрганиб бориш зарурияти юзага келади.

“Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддасида молиявий ҳисоботларга изохлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар ҳам молиявий ҳисобот таркибида келтирилишини белгилайди⁶. 1-сонли БҲМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот”нинг 14-пункти молиявий ҳисобот таркибида тақдим этиладиган қўшимча ахборот нимадан иборат бўлишини тавсифлаб беради: “Турли хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг кўп қирралилиги ҳисобга олинади, молиявий ҳисоботлар улардан фойдаланувчиларни иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган барча ахборот билан таъминлай олмайди, шу сабабли молиявий ҳисоботларга қўшимча равишда маъмурият томонидан тузиладиган молиявий шарҳ киритилади, унда хўжалик юритувчи субъект молиявий фаолияти ва молиявий ҳолатининг асосий белгилари тушунтириб берилади ва улар дуч келаётган ноаниқликлар баён қилинади. Бу шарҳда хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти натижаларига, фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш учун инвестиция сиёсатига, жумладан жорий даврда, хусусан келгуси даврларда дивиденд сиёсатига таъсир этувчи асосий омиллар очиб берилади ...”⁷.

Иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш жараёнига инвестицияларни шу жумладан, тижорат банкларининг маблағларини кенг жалб этиш мақсадида мамлакат миқёсида 2009 йил 1 январидан бошлаб янги ташкил этиладиган очик ва ёпик акцидорлик жамиятлари учун устав жамғармасининг энг кам миқдори жамият давлат томонидан рўйхатга олинган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг курси бўйича эквиваленти 400,0 минг АКШ доллорига тенг суммани ташкил этадиган суммага етказилди ёки хусусий мулкчилик шаклига ўтишни таъминланди.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш механизмини такомиллаштириш учун қуйидагиларни амалга оширилди:

⁵ “Фермер хўжалиги тўғрисида” Қонун. - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, №5–6, 86-модда; 2001 йил, №1–2, 23-модда, №5, 89-модда; 2004 йил, №1–2, 18-модда

⁶ “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” Қонун. - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 142-модда

⁷ Бухгалтерия ҳисобининг миллий андозалари. Тошкент, 2007.

- банкрот деб эълон қилинган ишлаб чиқариш корхоналарини аукцион ва танлов савдоларида тижорат банкларига мулк сифатида сотиш;

- банклар томонидан банкрот корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва қайта тиклаш, уларни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш ҳамда қайтадан жиҳозлашни таъминлаш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш;

- кейинчалик корхоналарни стратегик инвесторларга бозор кийматида сотиш.

Шунингдек, иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш бўйича Республика комиссияси тузилган.

Ушбу комиссиянинг асосий вазифалари ва ваколатлари қуйидагилардир:

- аукцион ва танлов савдоларида тижорат банкларига сотилиши лозим бўлган банкрот корхоналар рўйхатини аниқлаш;

- банклар томонидан корхонани қайта тиклаш, модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишни таъминлаш мажбуриятини қабул қилиш шарти билан тижорат банкларига банкрот корхоналарни сотиш бўйича аукцион ҳамда танлов савдоларининг шартлари ва натижаларини тасдиқлаш;

- банкрот корхоналарни тижорат банкларига сотиш бўйича аукцион савдолари ўтказилишини ташкил этиш, танлов савдоларида банкрот корхоналарни тижорат банкларига сотиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- тижорат банклари томонидан қабул қилинган инвестиция мажбуриятлари бажарилиши, ушбу корхоналарнинг молиявий фаолияти соғломлаштирилиши ва кейинчалик уларнинг стратегик инвесторларга сотилиши устидан мониторинг натижаларини кўриб чиқиш;

- тижорат банклари шартномада назарда тутилган муддатларда инвестициялар киритиш ва корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятини қайта тиклаш бўйича қабул қилинган мажбуриятларини бажармаган тақдирда ушбу банк билан олди-сотди шартномасини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишдан иборат.

Ушбу комиссиянинг ишчи органи – Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитасидир.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси иқтисодий ночор корхоналарни, кам қувватли ва паст рентабелли, банкротлик ҳолатидаги корхоналарни соғломлаштириш, банкротликка ўтказиш ва банкротликдан чиқариш бўйича қатор қарорларни қабул қилади ва уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни олиб боради. Шунингдек, ушбу давлат қўмитаси қуйидагиларни амалга оширади:

- банкротлик, иқтисодий ночор корхоналарни таркибий қайта ўзгартириш ва суд бошқарувчилари фаолияти устидан назорат қилиш соҳасида давлат томонидан тартибга солишни амалга ошириш соҳасида;

- устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг молиявий ҳолатини, шу жумладан, тўловга қодир бўлмаган, зарар куриб ишлайдиган ва иқтисодий ночор корхоналарни аниқлаш мақсадида маълумотлар базасини юритиш йули билан мониторинг ва таҳлил қилади, шунингдек, манфаатдор давлат органлари билан биргаликда уларни молиявий соғломлаштириш юзасидан комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

- давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг таклифлари асосида банкротлик таомилларини қўллаш ташаббуси билан чиқиш, устав фондида давлат улуши бўлган иқтисодий ночор корхоналарни таркибий қайта ўзгартириш ва ихтисослаштириш тўғрисида қарор қабул қилади;

- уставда давлат улуши бўлган корхоналарда банкротлик таомилларининг бориши устидан назоратни ташкил этади, шунингдек, судгача санация, суд санацияси ва ташқи бошқарув режаларини ишлайди;

- тижорат банкларига берилган (реализация қилинган) банкрот корхоналар бўйича ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция мажбуриятларини бажарилиши мониторингини олиб боради;

- иқтисодий ночор корхоналарда банкротлик ёки судгача санация таомилларини амалга оширишда кредиторларнинг манфаатлари ва акциядорлар (қатнашчилар) нинг мулкӣ ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди;

- устав фондида давлат улуши бўлган ва пул мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси олдида қарздор бўлган корхоналарнинг судгача санациясини ўтказиш, ўзайтириш ёки муддатидан олдин тўхтатиш тўғрисида, ёки шунингдек, судгача санация қилиш тўғрисида қарор қабул қилади;

- таркибий ўзгартириши керак бўлган иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли корхоналарнинг, шунингдек уларга нисбатан банкротлик таомиллари қўлланилган корхоналарнинг қурилиши тугалланмаган объектларини ҳамда асосий фондларини консервация қилиш ва сотиш масалаларини кўриб чиқади, бу ҳақидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади;

- суд бошқарувчиларини тайёрлаш тизимини ташкил этади, уларни аттестациядан ўтказиш ҳамда суд бошқарувчиларининг ягона реестрини юритади, суд бошқарувчилари аттестатини бериш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилади;

- давлат томонидан қўллаб-қувватланган корхоналарнинг судгача санациясини узайтириш ва муддатидан олдин тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилади;

- зарар кўриб ишлаётган, тўловга қодир бўлмаган ва иқтисодий ночор корхоналарни таркибий қайта ўзгартириш, ихчамлаштириш, молиявий соғломлаштириш ва судгача санацияни амалга ошириш даврида қонун ҳужжатларида назарда тутилган шаклларда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритади;

- давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг зарар кўриб ишлайдиган ва иқтисодий ночор корхоналарни таркибий қайта ўзгартириш, молиявий соғломлаштириш дастурларини амалга оширилиши тўғрисидаги ҳисоботларни эшитади;


- ташқи бошқарувчиларнинг, шунингдек, давлат томонидан қўллаб-қувватланган ёхуд мулкида давлат улуши бўлган санация қилинаётган корхоналар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда молиявий-иқтисодий таҳлилнинг мунтазам олиб борилишини зарур қилиб қўювчи меъёрий-ҳуқуқий асослар амалда мавжуд. Лекин шу билан бирга, бу борадаги мавжуд қонунчилик ҳужжатларининг ишлаш механизмларини шакллантирилиши борасидаги ишлар давом эттирилиши лозим. Фикримизча, молиявий таҳлилни амалга ошириш бўйича ҳам иқтисодиёт турли соҳаларининг хусусиятларини эътиборга олган стандартларнинг ишлаб чиқилиши зарурияти туғилмоқда.

1.3. Наманган шаҳридаги иқтисодий ночор корхоналарнинг умумий тавсифи.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 августдаги “2009-2012 йилларда Наманган вилоятида саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш тўғрисида”ги 232-сонли қарорининг 6-иловасига мувофиқ, истиқболли саноат корхоналарини техник жиҳатдан модернизация қилиш ва молиявий соғломлаштириш бўйича дастур тасдиқланган бўлиб, ушбу дастурга асосан 11 та корхонада молиявий соғломлаштириш режалари асосида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш, 8 та банкротлик таомиллари қўлланилган ва банк балансига ўтказилган корхоналар фаолиятини қайтадан тиклаш, 2 та фаолият кўрсатмаётган корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйиш белгиланган.

Дастурга киритилган ушбу 21 та корхоналарга 2009-2012 йиллар давомида 18,2 млн. АҚШ доллари ва 11,2 млрд. сўмлик инвестициялар киритилиши ҳамда ушбу корхоналар томонидан соғломлаштириш даври мобайнида 234,8 млрд. сўмлик ва 16,7 млн. АҚШ доллари миқдорида маҳсулот ишлаб чиқариш ва шу орқали 4573 та иш ўринлари яратиш ва қайта тиклаш режалаштирилган бўлиб, ҳозирга қадар 589,3 минг. АҚШ доллари ва 47,5 млрд. сўмлик инвестициялар киритилди ва 4521 нафар иш ўринлари яратилди ва қайта тикланди.





Жумладан,

- 2010 йилда 52 млрд. 627 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва 1641 та янги иш ўринлари яратиш ҳамда қайта тиклаш режалаштирилган бўлиб, 508,1 минг АҚШ доллари ва 14 млрд. 986 млн. сўмлик инвестициялар киритилди ва 39 млрд. 561 млн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва 1135 нафар иш ўринлари яратилди ва қайта тикланди.

Наманган шаҳридаги «**Карбонам**» МЧЖ томонидан тозаланган КМЦ ишлаб чиқариш ҳажмларни йилига 300 тоннага ва техник шпатлёвкалар ишлаб чиқариш ҳажмларини **йилига 150 тоннага етказиш** белгиланган бўлиб, ҳозирда тозаланган КМЦ ишлаб чиқариш 300 тоннага, Гумин-ишқорли реагент 125 тоннага, техник шпатлёвкалар ишлаб чиқариш 50 тоннага етказилиб, жами **ишлаб чиқариш ҳажми 4 574 млн. сўмга** етказилди.

Наманган шаҳридаги “**Водий ипаги**” МЧЖ ишга туширилиб, **3,7 млрд. сўм** маблағ ўзлаштирилди ва **897 та янги иш ўринлари яратилди**. 2009 йилда **62.7 тонна 1829,4 млн. сўмлик** маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, **2010 йилда 4 546,7 млн. сўмлик** маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Шу билан бирга корхонада ипак гилам тўқиш цехи ташкил этилиб, 40 нафар янги иш ўринлари яратилди.

Наманган шаҳридаги «**Наманган қоғози**» МЧЖда фаолиятни узлуксиз олиб бориш мақсадида 2010 йилда Россия давлатининг "Илим Групп" корхонаси билан 3 млн. 200 минг АҚШ доллар ёки 4000 тонна ёғоч целлюлозаси олиб келиш юзасидан шартнома имзоланган бўлиб, шундан 480 тонна целлюлоза учун маблағ белгиланган тартибда конвертация қилинган. 2011 йилга 2632 минг АҚШ доллари (2800 тн.) шартнома имзоланди. **2010 йилда 2 147 млн. сўмлик** маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Наманган шаҳридаги “**Муштарий интернейшнл**” ҚҚда ҳам 2010 йил 5 августдан ишлаб чиқаришни йўлга қўйилди. Корхона томонидан Мудофаа Вазирлигига махсус форма кийимларини тикиш учун тендер савдоларида қатнашиб 2010 йил 25 июлда Мудофаа Вазирлиги билан **305 млн. 616 минг сўмга шартнома тузилди**. Ҳозирда корхона томонидан **241 млн. сўмлик** маҳсулотлар тайёрланди.

Дастур ижроси билан боғлиқ муаммолар

ТИФ “Миллий банк” томонидан ўз балансидаги “**Нам текс**” МЧЖ 713 минг АҚШ доллари сотиб олишга (конвертация) буюртмаси берилган бўлсада банк томонидан конвертация масаласи ҳал этилмаган. Натижада корхона томонидан 400 тн пахта хом ашёси олинмасдан қолишига ва ишлаб чиқаришга белгиланган режа бажарилмаслигига сабаб бўлди.

ТИФ “Миллий банк” томонидан ўз балансидаги “**Водий ипаги**” МЧЖга 5 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш 1 млн. м2 ипак матолар ишлаб чиқариш лойихаси бўйича ханузгача таклифлар

киритилмаган. Шунингдек жамиятга ҳар йили 600 тн. пилла ва 540 тн. пилла қолдиқлари билан таъминлаш вазифаси белгиланган бўлсада 2010 йилнинг 11 ойида 101,9 тонна куруқ пилла хом-ашёси билан таъминланган ҳолас. Хом-ашё етишмаслиги юзасидан “Ўзбекенгилсаноат” ДАК ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига мурожаат этиб огохлантирилган. Лекин ҳозирга қадар муаммо ечилмасдан қолмоқда.

- 2011 йилда 81,2 минг АҚШ доллари ва 32 млрд. 588 млн. сўмлик инвестициялар киритилди ҳамда 66,6 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва 368 нафар янги иш ўринлари яратилди.

- 2012 йилда давомида 51,5 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, жами 3018 та иш ўринлари яратилди.

Наманган вилоятида аниқланган фаолият юритмаётган, кам қувватда ишлаётган корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш ва янги ишчи ўринларини яратиш бўйича 2010-2012 йилларга мўлжалланган Дастур ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 майдаги 02/1-52-сонли йиғилиш қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида “Наманган вилоятидаги иқтисодий ночор ва зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва кам қувватли корхоналар фаолиятини тиклаш ва кенгайтириш бўйича молиявий соғломлаштириш дастури” республика миқёсида ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Ушбу дастурга асосан,

- 34 та корхонада молиявий соғломлаштириш режалари асосида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш;

- 6 та корхонани 28.12.2008 йилдаги ПҚ 1024 талабларига асосан ягона солиқ тўловидан умумий солиқ тизимига ўтказиш;

- 1 та корхонада иқтисодий ночорлик аломатлари мавжудлиги сабабли банкролик таомилини қўллаш;

- 3 та корхона мулкдорлари томонидан ихтиёрий равишда маҳаллий ёки хорижий инвесторларга сотиш;

- 3 та корхонани банкротлик таомили жорий қилинганлиги сабабли салохиятли инвесторларга сотиш белгиланди.

- 7 та банк балансидаги корхоналарни фаолиятини йўлга қўйиш

Дастурга киритилган ушбу 47 та корхоналар томонидан 2010-2012 йиллар давомида 12,7 млн. АҚШ доллари ва 1,9 млн. Евро ва 12 млрд. 472 млн. сўмлик инвестициялар киритиш, ва ушбу давр мобайнида 257 млрд 188 млн. сўмлик (шундан 2010 йилда 73 млрд. 952 млн. сўмлик) маҳсулот ишлаб чиқариш ва 4385 та иш ўринлари (шундан 2010 йилда 662 та иш ўринлари) яратиш ва қайта тиклаш режалаштирилган.

Ушбу киритиладиган инвестицияларнинг 1,9 млн. Евро ва 120 минг АҚШ доллари ҳамда 5 млрд. 921 млн. сўмлик мақсадли банк кредитлари йўналтириш орқали амалга оширилиши режалаштирилган.

Соғломлаштириш дастурига киритилган 47 та корхоналарда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширишда 30 та корхоналарни Республика даражасида, 17 та корхоналарни вилоят миқёсида хал этилиши белгиланган.

Республика даражада амалга ошириладиган 30 та корхоналардан;

17 та корхоналар (Карбонам МЧЖ, Наманганмаш А.Ж, Узэлектротерм А.Ж, Намангансувтранс МЧЖ, Наманган шарбати МЧЖ, Уймехнати МЧЖ, Косонсой парранда А.Ж, Норин Матлубот улгуржи чакана савдо А.Ж, Кугай таъмирлаш МЧЖ, Барион А.Ж) бўйича молиявий соғломлаштириш режалари асосида иш ташкил қилиш;

Ушбу корхоналар томонидан 2010-2012 йиллар давомида 12,5 млн. АҚШ доллари ва 1,8 млн. Евро ва 6 млрд. 87 млн. сўмлик инвестициялар киритиш, ва ушбу давр мобайнида 142,7 млрд сўмлик (шундан 2010 йилда 39 млрд. 509 млн. сўмлик) маҳсулот ишлаб чиқариш ва 3571 та иш ўринлари (шундан 2010 йилда 486 та иш ўринлари) яратиш ва қайта тиклаш режалаштирилган.

7 та корхоналар янги мулкдорларга сотиш орқали фаолиятини тиклаш режалаштирилган бўлиб улардан;

- 1 та (29 АТП) корхонада иқтисодий ночорлик аломатлари мавжудлиги сабабли банкротлик таомилини қўллаш;

- 3 та (Технологилар Маркази МЧЖ, ССК-2, Тог гузали МЧЖ) корхона мулкдорлари томонидан ихтиёрий равишда маҳаллий ёки хорижий инвесторларга сотиш;

- 3 та (Наманганэкстрактёг А.Ж, 503 ХМКК, 12 АТП) корхонани банкротлик таомили жорий қилинганлиги сабабли салохиятли инвесторларга сотиш белгиланди.

6 та (Муштарий интернейшнл КК, Наманган Брауерей МЧЖ, собик Уйчи КК, собик Уйчиснльмаш А.Ж, Интеринвест текстиль КК, “Чуст ишлаб чиқариш ва савдо” МЧЖ) корхонани 28.12.2008 йилдаги ПҚ 1024 талабларига асосан ягона солиқ тўловидан умумий солиқ тизимида ўтказиш;

2010 йилда 2010-2012 йилларга молиявий соғломлаштириш тадбирлари Республика даражада амалга ошириладиган дастур кўрсаткичларининг 2010 йил 1 август ҳолатига бажарилиши

Вилоятда аниқланган фаолият юритмаётган, кам қувватда ишлаётган корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш ва янги ишчи ўринларини яратиш бўйича 2010 йил мобайнида 17 та корхонада 39 млрд. 509 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва 486 та янги иш ўринлари яратиш ҳамда қайта тиклаш режалаштирилган.

Дастурга киритилган мазкур корхоналар томонидан жами 11 млрд. 297 млн. сўмлик инвестициялар киритилди. Шундан 2010 йилда 6 518,3 млн. сўм инвестиция киритилди. 19 млрд. 862 млн. сўмлик махсулот ишлаб чиқарилди ва ўтган йилнинг август ойига нисбатан қушимча 1175 та янги иш ўринлари яратилди ва қайта тикланди.

Жумладан, 2010 йилда «Норин матлуботсавдо» АЖ 45 млн. сўм, «Косонсой Парранда» ОАЖ 373,1 млн. сўм, "NAM TEX" МЧЖ (Собик «Аснам текстиль» ҚК) 1 277 млн. сўм, «Наманган қоғози» МЧЖ 575,6 млн. сўм, «Кап Тех» МЧЖ 4492,6 млн. сўм, миқдорида инвестиция киритилди.

Истикболли корхоналарни янги мулкдорларга сотилиши юзасидан жами 7 та корхонадан 1 таси Янгиқўрғон туманидаги 29-АТП га нисбатан Янгиқўрғон туман солиқ инспекцияси томонидан банкротликка доир иш қўзғатиш бўйича вилоят хўжалик судига даво ариза киритилди.

Банкротлик таомили жорий қилинган 3 та корхонадан 2 таси (Наманганэкстрактёг А.Ж, 503 ХМКК)нинг мол-мулклари баҳолатилиб Ким ошди савдосига қўйилди ва 1 тасини (12 АТП) тегишли мол-мулклари тугатиш бошқаруви томонидан инвентаризациядан ўтказилди. Ҳозирда аниқланган мол-мулкларни баҳолатиш ҳамда молиявий-хўжалик фаолиятини аудит кўригидан ўтказиш ишлари якунига етмоқда.

3 та (Технологилар Маркази МЧЖ, ССК-2, Тог гузали МЧЖ) корхоналаридан 2 таси (ССК-2, Тог гузали МЧЖ) савдога қўйилган. 1 таси (Технологилар Маркази МЧЖ)да ҳозирда савдога қўйиш ишлари олиб борилмоқда.

Дастурда белгиланган 6 та корхонани 2008 йил 28 декабрдаги ПҚ-1024-сонли қарор талабларига асосан ягона солиқ тўловидан умумий солиқ тизимига ўтказиш юзасидан 4 та корхона (Муштарий интернейшнл КК, Наманган Брауерей МЧЖ, "Оромгоҳ текстиль" МЧЖ, "Чуст ишлаб чиқариш ва савдо" МЧЖ) солиқ идоралари томонидан умумий солиқ тўлаш тизимига ўтказилди. 2 та корхонадан "NAM EXPO TREAD" ХК корхонасининг охиригички чоракдаги реализация хажми ер ва мулк солиғининг белгиланган норматив қийматидан кўпроқ суммани ташкил қилганлиги учун умумбелгиланган солиқларни тулашга ўтказилмаган. Учқўрғон туманидаги "Интер инвест текстиль" МЧЖнинг мол-мулклари Тошкент шаҳридаги "Агропластимпекс" корхонасига ўтиб кетганлиги ва ҳозирги кунда ПҚ-630-сонли қарорга асосан ихтиёрий тугатиш жараёнида эканлиги учун умумбелгиланган солиқ тўлаш тизимига ўтказилмаган.

Ҳудудларда фаолият кўрсатмаётган, кам қувватли, иқтисодий ночор корхоналар, бўш турган объектларни тижорат банклари кўмагида молиявий қўллаб-қувватлаш ва шу орқали уларнинг фаолиятини тиклаш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ҳамда янги иш ўринларини яратиш бўйича 2013 йил учун молиявий соғломлаштириш дастурига 62 та корхона аниқланиб, ҳар бир тижорат банк томонидан ўзларининг мижозлари бўлган бу тоифадаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш, корхонада модернизация ишларини амалга ошириш, айланма маблағлари билан тўлдириш мақсадида кредитларни бериш

ҳисобига фаолиятни тиклаш бўйича лойихалар ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 декабрдаги 01-02-1-100-сонли ва иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш бўйича 2012 йил 11 декабрдан мақбулланган.

Бунга асосан:

Дастур лойихасига киритилган 62 та корхоналарга жами 34,7 млрд сум инвестиция киритиш режалаштирилган бўлиб, шундан 23,6 млрд сум банк кредитларини жалб қилиш ва 11,1 млрд сум корхона ўз маблаўлари ва таъсисчилари томонидан амалга ошириш белгиланди. Мазкур 62 лойихадан 29 таси Наманган шаҳрига, 8 таси Наманган туманига, Поп ва Тўрақурғон туманларига эса 5 тадан тўғри келди.

Дастурга асосан корхона қувватларини тиклаш ва янги ишлаб чиқаришларни ишга тушириш натижасида 2013 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) ҳажмларини 121,6млрд. сўмга етказиш ва қўшимча 831 та янги иш ўринлари яратиш ва қайта тиклаш режалаштирилган.

Дастурга асосан амалга ошириладиган лойихаларга жалб қилинадиган банк кредитларининг асосий қисми Асакабанк (9 та лойиха, 3,4 млрд.сўм-13%), Саноатқурилиш банк (6 та лойиха, 1,7 млрд. сўм-7,2%) ҳиссасига тўғри келди.

Дастурга киритилган 62 та корхоналардан 30 таси вилоятнинг саноат зоналарида жойлашган бўлиб, шундан 56 таси кам қувватли (саноат зонасида-27 таси), 6 таси (саноат зонасида-3 та) фаолиятсиз корхоналаридир.

Ишлаб чиқилган Дастурдаги лойихаларнинг 16 таси енгил саноат, 8 таси озиқ-овқат, 13 таси қурилиш матқриаллари саноати, 12 таси хизмат кўрсатиш ва 13 таси бошқа саноат соҳаларига тўғри келади.

Мазкур дастурдаги 62 та корхоналар томонидан 2013 йилда режа бўйича 23,6 млрд. сўм банк кредити ажратиш белгиланган бўлса, 01.04.2013 йил ҳолатига 25 та корхонага 13,1 млрд. сўм банк кредитлари ажратилди.

Шунингдек, Дастурдаги корхоналар томонидан 4,9 млрд. сўмдан ортиқ ўз маблағларидан инвестициялар киритилди.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 21,9 млрд. сўмни ташкил этди (режага нисбатан 100%). Мазкур корхоналарда 66 та янги иш ўринлари яратилди.

10 та корхоналарга банklar томонидан кредитни ажратилишини жорий йилнинг апрел ойида (кечиктириб) кўриб чиқилиши белгиланган.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 декабрдаги «Худудларда фаолият кўрсатмаётган, кам қувватли корхоналар ҳамда бўш турган ва қурилиши тугалланмаган объектларни аниқлаш, уларнинг негизида ишлаб-чиқаришни ташкил этиш орқали янги иш ўринларини яратиш тўғрисида»ги 01-02-100-сонли йиғилиш баёнига асосан Наманган вилояти ҳамда шаҳар ва барча туманлар миқёсида ишчи гуруҳлар тузилиб, вилоятдаги фаолият

кўрсатмаётган, кам қувватли корхоналар ҳамда бўш турган ва қурилиши тугалланмаган объектлар хатловдан ўтказилади.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 11 февралдаги «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фойдаланилмаётган захиралар ва ҳудудни ривожлантириш учун устувор тармоқларни ҳисобга олган ҳолда комплекс ривожлантириш бўйича Дастурлар ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш тизимини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги 36-сонли йиғилиш баённомасига асосан кўшимча хатлов ишлари олиб борилди.

Ўтказилган хатлов натижаларига кўра, вилоятда 982 та корхона ва объектлар аниқланиб, улардан 176 таси кам қувватда ишлаётган корхоналар, 65 таси фаолият кўрсатмаётган корхоналар, 556 таси бўш турган объектлар ва 185 та қурилиши тугалланмаган объектларни ташкил этиб, уларни соғломлаштириш, самарали фойдаланиш ва янги иш ўринларини яратиш бўйича Дастурлар ишлаб чиқилмоқда.

II боб. Наманган шаҳрида иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини соғломлаштириш таҳлили.

2.1. “Атлас” ва “Силк Роад” қўшма корхоналарини иқтисодий ночорликка тушуши сабаблари таҳлили.

«Атлас» акционерлик жамияти корхонасининг иқтисодий ночорликка тушиши сабаблари таҳлили.

Наманган вилоят Хўжалик Судининг 2006 йил 11 декабрдаги 16-0406-4856-сонли ҳал қилув қарори билан банкрот деб топилган Наманган шаҳри «Бобуршоҳ» кўчаси 149а уйда жойлашган «Атлас» акционерлик жамияти асосан ипак маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ипакни қайтадан айлантириш, миллий ипак матоларини ишлаб чиқариш билан шуғулланган.

«Атлас» акционерлик жамияти 2004 йил 1 январ ҳолатига умумий мулк киймати 4 млрд. 124 млн. 595 минг сумни ташкил этган бўлиб, устав жамғармаси 78 млн. 766 минг сумни ташкил қилган. 2004 йил 1 январ ҳолатига асосий фаолиятидан 1 млрд. 34 млн. 170 минг сум даромад олиб, ҳисобот даврини 750 минг сум соф фойда билан яқунлаган.

Жамиятнинг жами дебиторлик қарзлари 109 млн. сумни, шундан тўлаш муддати ўтгани 60 млн. 136 минг сумни ташкил этган. Жами мажбуриятлари 4 млрд. 26 млн. 515 минг сумни ташкил этиб, шундан узоқ муддатли қарзлар 1 млрд. 340 млн. 483 минг сумни, қисқа муддатли банк кредити ва қарзлар 452 млн. 309 минг сумни, солиқ ва мажбурий тўловлардан мўзлатилган узоқ муддатли қарзлари 267 млн. 417 минг сумни, жорий дебиторлик қарзлари 1 млрд. 693 минг сумни, шундан бюджетдан бўлган қарзлар 121 млн. 291 минг сумни, пенсия жамғармасидан 150 млн. 891 минг сумни, иш ҳақидан 58 млн. 181 минг

сумни ташкил қилган бўлиб, жамиятга нисбатан банкротлик таомили қўллаш ҳақидаги судга такдим қилинган ариза бўйича суднинг 2004 йил 30 ноябрдаги ажрими билан банкротликка доир иш кўзгатилиб, 2004 йил 30 декабрда кўзатув таомили жорий қилинган. 2004 йил 30 ноябрда 24 ой муддатга ташқи бошқарув таомили жорий қилинган. Ташқи бошқарув таомили жараёнида «Ташқи бошқарув режаси»да белгиланган мажбуриятларни бажара олмаган, бунинг асосий сабабларидан бири корхона тўла қувват билан ишламаган, айланма маблағларга эга бўлмаган, хом-ашё маҳсулоти билан етарли даражада таъминланмаган, ушбу ҳолатлар 2006 йил 6 декабрда ташқи бошқарув таомили тугаши муносабати билан ўтказилган жамият кредиторларининг якуний йиғилишида муҳокама қилинган, унда ташқи бошқарувчининг ҳисоботи тингланиб, танқидий баҳо берилган. Йиғилишда жамиятни банкрот деб топишга доир иш юритишни бошлаш, қарзлари бўйича инвестор билан тузилган иш жадвалини тасдиқлаш, тугатишга доир иш юритишни ишлаб чиқаришни тугатмаган ҳолда амалга оширишга қарор қабул қилишни суралган.

Ташқи бошқарувчи ҳисоботда ҳақиқатдан ҳам корхонада ўсиш суръатининг тиклаш имконияти бўлмаётганлиги, бунинг сабабларидан бири инвесторлар томонидан ўз мажбуриятларини лозим даражада бажарилмаганлигини, айланма маблағлари етарли эмаслигини, корхона тўла қувват билан ишлаш имкониятлари суств кечаётганлигини, хом-ашё маҳсулоти етарли эмаслигини, 2006 йил 6 декабрда ўтказилган кредиторлар йиғилиши қарори билан корхонани банкрот деб эълон қилишга қарор қабул қилинганлигини, юқоридаги ҳақиқий ҳолатлардан келиб чиқиб қарздор корхонада моддий, интеллектуал ва техник базасининг йўқлигини инобатга олиб, корхонани банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлашни сўраган.

Суднинг 2004 йил 30 ноябрдаги ажрими билан қарздор «Атлас» акционерлик жамиятига нисбатан 24 ой муддатга ташқи бошқарув таомили жорий қилинган.

«Ташқи бошқарув» режасига кўра корхона ташқи бошқарув жараёнида 867910 минг сумлик маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ундан 311114 минг сум фойда олиш режалаштирилган.

Ҳақиқатда эса жамият ушбу тадбирларни тўла амалга ошира олмаганлиги натижасида молиявий-иқтисодий аҳволи янада ёмонлашган.

Корхона ўзининг айланма маблағлари йўқлиги, ишчи хизматчилар сонининг кескин камайганлиги, хом-ашё базасига эга эмаслиги боис паст рентабелга тушиб колганлиги, бу билан кредиторлардан бўлган қарзини коплаш ва банкротлик ҳолатидан чиқиб кетиш чораларини амалга ошириш имкониятлари йўқлигини инобатга олиб, суд қарздор корхонани банкрот деб топади ва тугатишга доир иш юритишни бошлайди.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 4-моддасига кўра қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва мажбурий тўловлар бўйича ўз

мажбуриятларини бажаришга қодир эмаслиги унинг банкротлик аломатлари деб эътироф этилади.

51-моддасига кўра эса суд санациясини, ташқи бошқарувни жорий этиш, келишув битимини тасдиқлаш ёки банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш учун асослар бўлмаганда ушбу Қонуннинг 4-моддасида назарда тутилган банкротлик аломатлари аниқлашганда хўжалик суди томонидан юридик шахсни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Кўрсатиб утилган ҳолатлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Фукаролик Кодексининг 57-моддаси, «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 4, 51, 94, 108, 126-моддалари, Хўжалик Процессуал Кодексининг 95, 135, 138, 154-моддаларини қўллаб суд «Атлас» акционерлик жамиятини банкрот деб топади ва тугатишга доир иш бошлайди.

Қарздор корхонани тугатиш бошқарувчиси орқали белгиланган тартибда «Халк банки» Наманган шаҳар бўлимидаги(МФО 00711) 29804000900000711913-сонли ҳисоб рақамига 130600 сум давлат божи, ИАТ Пахта банк Наманган вилоят амалиёт бўлимидаги (МФО 00225, ИНН 201974174) 20204000500467685008-сонли ҳисоб рақамига 4000 сум суд почта харажатлари ундирилди.

2009 йил 29 июн куни суд банкрот жамият фаолияти тугаган, тугатишга доир иш юритиш тугалланган деб топди ва давлат реестридан чиқарди.

Бунга кўра банкрот жамият мулкларини қийматини аниқлаш мақсадида мол-мулклар инвентаризациядан ўтказилган. 2009 йил 1 апрелда Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки томонидан банкрот «Атлас» акционерлик жамияти 4 млрд. 751 млн. 262 минг 627,9 сумлик мол-мулклар қабул қилиб олганлигини, жамиятни меъёрий хужжатлар тўплами далолатнома асосида топширилганлигини, 16.12.2008 йил ҳолатига тасдиқланган 9 млрд. 489 млн. 827 минг 138 сумлик якуний кредиторлар талаблари реестри бўйича банкрот жамиятнинг умумий кредиторлик қарз топширилганлигини, Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки томонидан навбатсиз тўловлардан бўлган жами 258 млн. 187 минг 281 сум қарз тўлаб берилганлиги, тўловлар амалга оширилганлигини, банкрот деб топилган «Атлас» акционерлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги Фармойиши билан тасдиқланган «Иқтисодий ночор корхоналарни аукцион ва танлов савдолари орқали тижорат банкларига сотиш тўғрисида»ги тартибнинг 1 бўлим 6-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки балансига ўтказилганлиги сабабли банкрот жамият фаолияти тугаган, тугатишга доир иш юритиш тугалланган деб топилди ва давлат реестридан чиқарилди.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги ПФ-4010-сонли Фармойиши билан тасдиқланган «Иқтисодий ночор корхоналарни аукцион ва танлов савдолари орқали тижорат

банкларига сотиш тўғрисида»ги тартибнинг 1 бўлим 6-бандига асосан тижорат банкларига аукцион ва танлов савдоларида иштирок этиш билан биргаликда банкрот корхонанинг кредиторлар реестрида банк кредитидан бўлган қарздорлик 70 ва ундан юқори фоизга эга бўлган тақдирда хўжалик судининг қарори билан банкрот корхонанинг мол-мулкани тугатиш қийматида Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 134-моддасига мувофиқ кредиторлар реестридаги навбатдан ташқари тўловлар ва биринчи навбатдаги қолиб кетган иш ҳақини тўлаб бериш мажбуриятини қилгандан сўнг банк балансига қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлиши белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигида 2009 йил 31 мартдаги ЁТ-03-02-16-1050-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитасида 2009 йил 31 мартдаги 03-1-3627-сон билан рўйхатга олинган қўшма ҳужжатнинг 2-бандига тижорат банкларига сотилган банкрот корхона хўжалик суди қарорлари асосида банкнинг ўз балансига қабул қилиб олиниши банк томонидан қарздорнинг барча кредиторлик қарзларини қабул қилиб олганлигини тасдиқлайди деб кўрсатилган.

Суднинг 2009 йил 14 апрелдаги ажрими билан кредитор «Азия Текс Сервис» МЧЖнинг 165100000 сум кредиторлик ҳақи навбатсиз тўловлар реестрига киритиш белгиланган. Бу ажрим талабини бажариш мажбуриятини Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки зиммасига юклашни ва 165100000 сум кредиторлик ҳақини вилоят Хўжалик судининг депозит ҳисоб рақамига ўтказиб беришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 133, 134, 138, 142, 144-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги Ф-4010-сонли Фармойиши билан тасдиқланган тартиб, Хўжалик Процессуал Кодексининг 151-моддасига мувофиқ Наманган шаҳридаги «Атлас» акционерлик жамияти фаолияти тугатилган, банкротликка доир иш юритиш якунланган ва давлат реестридан чиқарилган.

«Силк Род» ёпик турдаги акционерлик жамияти корхонасининг иқтисодий ночорликка тушиши сабаби таҳлили.

«Силк Род» ёпик турдаги акционерлик жамияти корхонаси «Атлас» очик акционерлик жамияти негизида Ўзбек-Япон қўшма корхонаси шаклида ташкил этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 1996 йил 20 октябрда 002475-сонли рақам билан давлат рўйхатидан ўтган.

«Силк Род» ёпик турдаги акционерлик жамияти таъсисчиларининг қарорига асосан 2006 йил 30 октябрдаги 1-сонли баённома билан собик «Силк Род» Ўзбек-Япон қўшма корхонаси ёпик акционерлик жамиятини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 50-моддасига ва «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя

килиш тўғрисида»ги Қонунининг 10-моддасига асосан қайта ташкил этиш (қайта тузиш) йули билан тузилган.

Наманган шаҳар ҳокимининг 2006 йил 27 ноябрдаги 2006-сонли қарори билан корхона «Силк Род» ёпик акционерлик жамияти шаклида қайта ташкил қилинган.

Жамиятнинг почта адреси ва жойлашган манзили: Ўзбекистон Республикаси Наманган шаҳри Бобуршоҳ кўчаси 149а уй, почта индекси 716015.

Жамиятнинг фаолият юритишдан мақсад, Ўзбекистон Республикасида пиллакашлик корхоналарида пиллани қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўладиган пилла ва ипак чиқиндиларидан жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган газна ипак маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва жаҳон бозорига чиқариш, экспорт-импорт амалиётларини бажарилишини ва валюта тушумини таъминлашдан фойда олиш бўлган.

Жамият фаолиятининг турлари:

- ипак ва пилла чиқиндиларидан юқори сифатли газна ипак ишлаб чиқариш, ипак йигириш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш.

- амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ким ошди савдо ва агентлик операцияларини ташкил этиш.

- белгиланган тартибдаги улгуржи ва чакана савдо ҳамда воситачилик фаолияти билан шуғулланиш.

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш.

- чорвачилик фаолияти билан шуғулланиш.

Наманган вилоят Хўжалик Судининг 2007 йил 18 июлдаги 16-0704-3196-сонли ҳал қилув қарори билан Наманган шаҳридаги «Силк Род» ёпик акционерлик жамияти банкрот деб топилган.

«Силк Род» ёпик акционерлик жамиятининг Устав жамғармаси 76380 та аукциондан иборат бўлиб, ҳар бири 1000 сум қийматида 76380000 сумни ташкил этади.

Шу жумладан:

1. «Атлас» очик акционерлик жамияти улуши 49,0%, 37430000 сумдан иборат.

2. Дадамирзаева Сохиба Маматқодировна улуши 27,0%, 20614 та акция 20614000 сумдан иборат.

3. Мадарахимов А. Нуритдинович улуши 10,0%, 7638 та акция, 7638000 сумдан иборат.

4. Иргашев Абдувахоб Каримович улуши 9,0%, 6878 та акция, 6878000 сумдан иборат.

5. Убайдуллаев Абдурашид Яхъёевич улуши 5,0%, 3820 та акция, 3820000 сумдан иборат.

Корхона бўйича ишчилар сони 250 киши, шулардан АУП 18 киши.

Корхонанинг умумий майдони 7,2 гектар, шу жумладан ишлаб чиқариш майдони 7,2 гектар.

Асосий фаолият тури:

Пилла чиқиндиларини қайта ишлаш.

Молиявий кўрсаткичлари:

Умумий кредиторлик қарзи – 3994898,0 минг сум.

Шу жумладан:

Давлат бюджетидан асосий қарз – 18400,0 минг сум.

Ҳақиқатдан – 7000,0 минг сум.

ТИФ Миллий банк кредитидан (фоизи) – 3661023,9 минг сум

Бошқа кредиторлардан – 308474,1 минг сум

Дебиторлик қарз – 40405,0 минг сум

Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати – 570328,0 минг сум

Наманган вилояти Хўжалик Судининг 2007 йил 25 апрелдаги 16-0704-3196-сонли ажримига асосан Наманган шаҳридаги «Силк Рoad» ёпик акционерлик жамияти иқтисодий ночор бўлиб, тўлов қобилиятини йўқотганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкининг аризасига биноан банкротликка доир иш кўзғатилган ва «Кузатув» таомили қўлланилган.

Манзили: Наманган шаҳри Бобуршоҳ кўчаси 149а уй

Ҳисоб рақами: 20214000200674541001

Валюта ҳисоб рақами: 20214840600674541002

Банки: ТИФ Миллий банк Наманган вилоят бўлими

МФО: 00222

ИНН: 202033237

ОКОНХ: 17131

Қарздорликни келиб чиқиши сабаблари:

Мазкур корхона Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона бўлиб, 1996 йилда ташкил этилган «Силк Рoad» Ўзбек-Япон қўшма корхонаси учун янги технологиялар сотиб олишга ТИФ Миллий банки томонидан 5 млн АКШ доллори миқдорида кредит олинган. Ўтган 11 йил давомида кредит танасидан 2106 минг АКШ доллори миқдорида, 2521 минг АКШ доллори миқдорида фоиз тўлови тўлаб берилган.

«Силк Рoad» ёпик акционерлик жамиятининг молиявий аҳволи таҳлили куйидагича:

Корхонанинг 2007 йил якуни бўйича тузилган 1-шакл бухгалтерия баланси ҳамда 2-шакл молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботлари асосида молия хўжалик фаолияти таҳлил қилинганда жами кредиторлик қарзи 4287029 минг сум бўлиб, асосий кредиторлик қарзи ТИФ Миллий банкдан хорижий валюта 2894090 АКШ доллори (3588672 минг сум Ўзбекистон Миллий банкдан хорижий валютанинг 25.06.2007 йилдаги курси бўйича) миқдорида олинган кредит ҳисобига тўғри келади. Бунинг 300000 доллори кредит фоизини ташкил этган. Давлат бюджетидан 18400 минг сум, бошқа кредиторлардан 245 млн. сумни ташкил қилган.

2007 йил 1 июл ҳолатига умумий кредиторлик қарзи 3994898 минг сумни ташкил этади. Ёки корхонанинг йил бошига нисбатан кредиторлик қарзлари 292134 сумга камайган.

2007 йил 1 июл ҳолатига дебиторлик қарзи 40405 минг сумни ташкил этади.

«Силк Рoad» ёпик акционерлик жамиятининг 2006 йил якунлари бўйича 2-шакл «Молиявий натижалар тўғрисида»ги ҳисоботида асосан 12 ой давомида маҳсулот сотишдан соф тушум 378865 минг сумни ташкил этган бўлиб, ўтган 2006 йилда 2005 йилга нисбатан 39 минг АКШ доллори миқдорида кўп маҳсулот экспорт қилинган.

«Силк Рoad» ёпик акционерлик жамияти 2007 йилнинг биринчи чорагида айланма маблағлари ҳамда хом-ашё йўқлиги туфайли фаолият юритмаган. 2007 йилнинг 18 апрелида Япониянинг Мацуи фирмаси билан 279 минг АКШ доллорида ишлаб чиқариб, экспорт қилиш бўйича шартнома тузилган, шу йилнинг 26 апрелида юқоридаги маблағ корхона валюта ҳисоб рақамига келиб тушган. Шундан, жами 75500 минг суми кредиторлик қарзларини тўлаш учун йўналтирилган. 265000 минг сумга хом-ашё сотиб олинган ва корхона 2007 йилнинг апрел ойидан бошлаб 3 сменада иш ташкил этиб, 250 ишчи ўринларини қайта тиклаб маҳсулот ишлаб чиқаришни бошлади. 2007 йилнинг 29 июн куни Японияга 4,3 тонна газна ипак, 4,8 тонна парранда маҳсулоти, жами 123,2 минг АКШ доллори миқдорида маҳсулот экспорт қилишди. Яна, июл ойида 5,7 тонна ёки 156,6 минг АКШ доллори миқдорида газна ипак экспорт қилиш режалаштирилган. Япониянинг Мацуи фирмаси томонидан ҳамкорликни давом эттириш бўйича янги шартнома тузиш таклиф этилган.

Корхонанинг ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик 0,1 коэффицентни ташкил этади. Ушбу коэффицентнинг энг кам қиймати 0,1 коэффицентни ташкил этиб корхонанинг ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти ҳисобот даври охирида 0,1 қийматдан кам қийматга эга бўлса, у ҳолда корхона ушбу кўрсаткич бўйича иқтисодий ночор ҳисобланади.

Қарздор корхонанинг тўловга қобиллиги 1,43 коэффицентни ташкил этади. Ҳозирда ишлаб чиқаришни 3 сменада йулга қўйилганлиги, ишлаб чиқариш унумдорлиги ошиши, соф даромадни кўпайиши ҳисобига ҳисобот даври охиригача тўловчанлик қобилияти янада кутарилиши кутиларди.

Асосий воситаларнинг бошлангич қиймати	– 3878974 минг сум
Эскириш қиймати	– 3308646 минг сум
Қолдиқ қиймати	– 570328 минг сум
Тугалланмаган ишлаб чиқариш	– 115173 минг сум
Ишлаб чиқариш захиралари	– 26500 минг сум
Тайёр маҳсулот қолдиги	– 15939 минг сум
Дебиторлар	– 40405 минг сум
Кредиторлар жами	– 3995274584,6 минг
сум	

Шундан:

Бюджетдан – 3348 минг сум

Пенияси	– 2894090	АКШ
доллори		
Банк кредити	– 3661024	минг сум
(Ўзбекистондаги МБ 25.06.2007 йилдаги курси бўйича)		
Бошқа кредиторлардан	– 323526	минг сум
Иш ҳақидан	– 7000	минг сум
Зарар: 2006 йил якуни бўйича	– 225447	минг сум
Фойда: 2007 йил ярим йилликда	– 2207	минг сум

Уйлашимизча, иқтисодий ночорликка тушган «Силк Рoad» ёпик акционерлик жамияти корхонасини банкротлигини олдини олиш ёки тўхтатиш учун, иқтисодий ночорликдан олиб чиқиб кетиш учун қарздор корхона томонидан чет эл корхоналари билан маҳсулот етказиб бериш бўйича ҳамкорлик қилишни кенг йўлга қуйилаётганлигини, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати жаҳон талабларига мос келишини, корхонада ишлаб чиқаришни 3 сменада ташкил этилаётганлигини ҳамда ишчи хизматчиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини инобатга олган ҳолда, ТИФ Миллий банки томонидан валюта кредитлари фоизини тўхтатиб турилиши ёки фоиз тўловларини кейинги даврга суриш ҳисобига корхонада айланма маблағларни шакллантириб, қарздор корхона томонидан таклиф этилаётган қарзларни қайтариш жадвали бўйича кредиторлик қарзларни узилишига имконият яратиб бериш керак эди.

Бунинг учун корхона раҳбарияти ҳам корхонада ишлаб чиқарилаётган қувватда ишлаб чиқаришни ташкил этиб, ҳар ойда камида 8-10 тонна тайёр маҳсулотни чет элга экспорт қилиши лозим эди.

«Силк Рoad» ёпик акционерлик жамиятини суднинг 2007 йил 25 апрел кундаги ажримига асосан жамиятга нисбатан «кузатув» тамойили жорий қилинган ва кузатув даврида қарздорнинг молиявий-иқтисодий аҳволини таҳлил қилинган.

1996 йилда ташкил этилган «Силк Рoad» Ўзбек - Япон қўшма корхонаси янги технология сотиб олишга ТИФ Миллий банк томонидан 5000 минг АКШ доллори миқдорида кредит олган. Ўтган 11 йил давомида 2106 минг АКШ доллори миқдорида (кредит) фоиз тўлови тўлаб берилган. 2007 йилга келиб ТИФ Миллий банкдан 2894,1 минг АКШ доллори миқдорида кредит ҳақидан ва 300,0 минг АКШ доллори миқдорида фоиз тўловлари, жами 3194,1 минг АКШ доллори қарзи мавжудлигини, 2007 йил 1 июл ҳолатига умумий кредиторлик қарзи 3994898 минг сумни, яъни ТИФ Миллий банкдан 3661023,9 минг сум, давлат бюджетидан 18400,0 минг сум, бошқа кредиторлардан 245000,0 минг сумни, дебиторлик қарзи

**«Силк Роад» ёпик акционерлик жамиятининг
2007 йил 6 ойлик якунлари бўйича иқтисодий кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2007 йил 6 ойлик		2006 йил 6 ойлик	Фарқи	
		Режа	Факт		+/-	%
Ишлаб чиқарилган маҳсулот	Тонна	50,0	4,37	2,2	2,17	201,4
Ишлаб чиқарилган маҳсулот	Минг сумм	1625000	155525	50937	104588,0	305,3
Ишловчилар сони	Киши	400	185	153	32	120,9
Ички бозорда сотилгани	Минг сумм	0	6962	6559	403,0	106,1
Жами экспорт	Минг доллар	1400	123,22	2,4	120,82	50 баробағ
Олинга хом-ашё	Тонна	0	21,90	7,86	14,4	278,6
Ишлаб чиқаиш қувватидан фойдаланиш	%	50,0	8,74	3,1	5,64	271
Валюта тушуми	Минг доллар	1400	279,90	2,43	277,47	115 баробағ

40405,0 минг сумми ташкил этганлигини, жамият 2007 йил 1-чорагида айланма маблағлари ва хом-ашё йўқлиги туфайли фаолият юритилган. 2007 йил 18 апрелида Япониянинг «Мацуи» фирмаси билан 2790 минг АКШ долларида маҳсулот ишлаб чиқариб, экспорт қилиш бўйича шартнома тузилган.

Шу йилнинг 26 апрелида юқоридаги маблағ корхона ҳисоб рақамига келиб тўшади. Шундан жами 75500 сумми кредиторлик қарзларини тўлаш учун йўналтирилган, 205000,0 минг сумга хом-ашё сотиб олинган ва жамият 2007 йил 29 июн кунига Японияга 4,3 тонна газна ипак, 4,8 тонна таранди маҳсулоти, жами 123,2 минг АКШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилган. Шунингдек жорий йилнинг июн ойида 5,7 тонна 156,6 минг АКШ доллари миқдорида газна ипак экспорт қилишни режалаштиради. Япониянинг «Макуи» фирмаси томонидан

ҳамкорликни давом эттириш бўйича янги шартномалар тузилади, 2007 йил 2 июлда қарздор корхона кредиторларнинг биринчи йиғилиши ўтказилган, кредиторлар йиғилишида «Силк Рoad» ёпик акционерлик жамияти молиявий аҳволи муҳокама қилинади.

Юқоридаги қарздор корхона «Силк Рoad» ёпик акционерлик жамияти кузатув жараёнида кредиторлик ҳолатлари қондирилмаганлиги, кредиторлик қарзларини қайтариш имкониятлари йўқлиги сабабли 2007 йил 18 июлда 16-0704-3196-сонли хўжалик судининг қарори билан Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 4, 5, 10, 18, 22, 28, 50, 57, 75, 124, 126-моддалари, Хўжалик процессуал кодексининг 30, 95, 135, 138, 154-моддаларини қўллаб қарздор Наманган шаҳридаги «Силк Рoad» ёпик акционерлик жамиятини банкрот деб топади.

«Силк Рoad» ёпик акционерлик жамияти ўз мол-мулкларини тасарруфидан чиқариш, ўзга шахсларга бериш, пул маблағларини ҳисоб рақамидан чиқариш ва ўзга шахсларга тўлаши, ҳисоб рақами орқали пул-муомала операцияларини ўтказиш, солиқлар ва бошқа тўловларни амалга ошириш тўхтатиб қуйилди. Қарздорнинг барча қарз мажбуриятлари муддати ўтган деб ҳисобланиб, унга нисбатан янги талаблар тақдим этиш тақиқланди.

Қарздор жамият қарзларининг барча турлари бўйича устамалар ва фоизлар ҳисобланиши тўхтатилиб, уларни мулкларини ҳисобидан қарзларини ундириш бўйича барча чекловлар бекор қилинди.

2009 йил 10 июлдаги хўжалик судида 16-0704-3196-сонли иши билан банкрот жамиятни давлат реестридан чиқарилди.

30 июн 2009 йилда Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки томонидан банкрот «Силк Рoad» ёпик турдаги акционерлик жамияти 1 млрд. 201 млн. 446 минг 467 сумлик мол-мулклар қабул қилиб олган. Жамиятни меъёрий ҳужжатлар тўплами далолатнома асосида топширилган. 6 декабр 2008 йил ҳолатига тасдиқланган 5 млрд. 378 млн. 562 минг 394 сумлик якуний кредиторлар талаблари реестри бўйича банкрот жамиятнинг умумий кредиторлик қарз топширилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки томонидан навбатсиз тўловлардан бўлган жами 219 млн. 872 минг 800 сум қарзлар ўтказиб берилган, тўловлар амалга оширилган, банкрот деб топилган «Силк Рoad» ёпик акционерлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги Фармойиши билан тасдиқланган «Иқтисодий ночор корхоналарни аукцион ва танлов савдолари орқали тижорат банкларига ўтказиш тўғрисида»ги Тартибининг 1-бўлим 6-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки балансига ўтказилганлиги сабабли банкрот жамият фаолияти тугаган, тугатишга доир иш юритиш тугалланган деб топиш ва давлат реестридан чиқариш лозим деб ҳисобланган.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги ПФ-4010-сонли Фармойиши билан тасдиқланган «Иқтисодий ночор корхоналарни аукцион ва танлов савдолари орқали тижорат банкларига ўтказиш тўғрисида»ги Тартибининг 1-бўлим 6-бандига асосан тижорат банкларига аукцион ва танлов савдолари иштирок этиш билан биргаликда, банкрот корхонанинг кредиторлар реестрида банк кредитидан бўлган қарздорлик 70 ва ундан юқори фоизга эга бўлган тақдирда хўжалик судининг қарори билан банкрот корхонанинг мол-мулкани тугатиш қийматида Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 134-моддасига мувофиқ кредиторлар реестридаги навбатдан ташқари тўловлар ва биринчи навбатдаги қолиб кетган иш ҳақини тўлаб бериш мажбуриятини олгандан сўнг банк балансига қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлиши белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигида 2009 йил 31 мартдаги ЁТ-03-02-16-1050-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитасида 2009 йил 31 мартдаги 03-1-3627-сон билан рўйхатга олинган қўшма ҳужжатнинг 2-бандида тижорат банкларига сотилган банкрот корхона хўжалик суди қарорлари асосида банкнинг ўз балансига қабул қилиб олиниши банк томонидан қарздорнинг барча кредиторлик қарзларини қабул қилиб олганлигини тасдиқлайди деб қўрсатилган.

Шунингдек, суднинг 2008 йил 9 декабрдаги ажрими билан банкрот жамият кредиторлар талаблари реестрининг навбатсиз тўловларига киритилган кредитор «Masui Co LTD» компаниясининг 254 млн. 833 минг 870 сум кредиторлик ҳақини вилоят хўжалик судининг депозит ҳисоб рақамига ўтказиб беришини Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки зиммасига юкланган.

Кўрсатиб утилганларга кўра, Суд Ўзбекистон Республикаси «банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 133, 134, 138, 142, 144-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги Ф-4010-сонли Фармойиши билан тасдиқланган тартиб, хўжалик процессуал кодексининг 151, 154-моддаларига мувофиқ Наманган шаҳридаги «Силк Род» ёпик акционерлик жамияти фаолияти тугатилди, банкротликка доир иш якунланди ва давлат реестридан чиқарилди.

Тугатиш жараёнида тўланмай қолган қолип кетган олдинги 9 млн. 576 минг 200 сум иш ҳақларини ҳамда Япония давлатининг «Taiyo-Unyu Co LTD» компаниясининг 134 млн. 685 минг 495 сум кредиторлик ҳақини вилоят хўжалик судининг депозит ҳисоб рақамига ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкига тугатиш жараёнида ҳосил бўлган меъёрий ҳужжатларни ва ҳисоботларни тугатиш бошқаруви томонидан Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкига топширишда яъни 01.06.2009 йилдан 01.07.2009 йилгача бўлган даврдаги

тугатиш бошқаруви ходимларига 2 млн. 155 минг 715 сум маблағ тўлаб бериш юклатилди.

Суднинг 09.12.2008 йилдаги ва 29.06.2009 йилдаги ажримларига асосан кредитор «Masui Co LTD» компаниясининг 254 млн. 833 минг 870 сум кредиторлик ҳақини вилоят хўжалик судининг депозит ҳисоб рақамига ўтказиш вазифаси юклатилди.

«Водий ипаги» масъулияти чекланган жамияти

«Водий ипаги» масъулияти чекланган жамияти 2009 йилда собиқ «Атлас» акционерлик жамияти ва «Силк Роад» қўшма корхонаси ўрнида ташкил топди. Республика ТИФ Миллий банк томонидан 3750,0 минг сум молиялаштирилди.

2010 йил режаларини бажаришда жамият 22,2 тонна табиий ипак, 27,0 тонна газна ипаги ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш 51,2 % ни ташкил этди. Бунга сабаб дастгоҳларни эскирганлиги, хом-ашёни етарли эмаслигидир.

2010 йил пилла ҳосилидан Наманган вилояти ва Республиканинг бошқа вилоят пиллаҳоналари билан 235 тонна пилла хом-ашёси олиш учун шартномалар имзоланган, агар шартнома тўла бажарилган тақдирда корхона 2010 йил бизнес режасида кўзда тутилган кўрсаткичларни бажариш учун қўшимча 170,0 тонна пилла хом-ашёси, 200,0 тонна пилла чиқиндисиди (турлари бўйича) керак бўлди.

Эхтиёж бўйича 1 йилга 600 тонна пилла хом-ашёси ва 500,0 тонна пилла чиқиндилари (турлари бўйича) билан таъминланса, 2010 йил бизнес режада кўзда тутилган кўрсаткичларни бажарилиб, 2011 йил пилла ҳосилигача корхона хом-ашё билан тўла таъминланишини режалаштирилган.

2010 йил бизнес режасида кўзда тутилган кўрсаткичларни бажариш учун тақсимот бўйича 404,0 тонна пилла хом-ашёси, пилла чиқиндиларидан (турлари бўйича) 200,0 тонна керак бўлди.

Жамиятда 2010 йил 1-чорагида қўл меҳнатига асосланган табиий ипакдан тайёрланадиган гилам тикиш цехи ташкил этилиб, 60 нафар гилам тикувчилар меҳнат қилдилар. 2010 йил охирига бориб 70 дона гилам тайёрланди. 2011 йилда гилам тикиш цехида 110 та гилам тайёрланиб, 80 нафар ходимлар иш билан таъминланган, кутилган тикув корхонасида тўхтаб турган дастгоҳлар таъмирланиб, хон-атлас ҳамда адрас матолари тикиш йўлга қуйилди. 2010 йил давомида 100,0 млн хон-атлас ва адрас матолари тикиб чиқарилди. 2011 йилда 400,0 млн хон-атлас ва адрас матолари тукиб чиқариш йўлга қуйилади. Шу билан биргаликда 2010 йил 4-чорагида йилига 5220,0 тонна пахта ипи ишлаб чиқариш қувватига мўлжалланган йигирув корхонасини ишга тушириш ишлари олиб борилди.

2.2. “Аснам текстил”, “HAIN TEX” ва “Наманган ободончилиги” корхоналарнинг банкротлик омиллари.

“Аснам текстил” қўшма корхонасининг банкротлик омиллари.

Наманган вилоят хўжалик судининг 2008 йил 5 декабр кунида қабул қилинган Ўзбекистон – Туркия «Аснам текстиль» қўшма корхонасини банкрот деб эълон қилиш ҳақидаги 16-0506-3228-сонли ҳал қилув қарори ва хўжалик судининг 2009 йил 22 сентябр кунида қабул қилинган «Аснам текстиль» МЧЖ шаклидаги қўшма корхонанинг фаолияти тугатилган банкротликка доир иш якунланган деб ҳисобланиб, давлат реестридан чиқариш ҳақидаги 16-0506-3228-сонли ажримига асосан ушбу корхона 2009 йилнинг 30 сентябр куни давлат реестридан чиқарилди ҳамда фаолияти тугатилганлиги маълум қилинди.

Корхона мулкларини қийматини аниқлаш мақсадида мол-мулклар инвентаризациядан «Наманганкенсаудитекфарм» ЁАЖ томонидан корхонада аудит куриги ўтказилган бўлиб, мол-мулклар «Наманган баҳолаш ва консалтинг маркази» МЧЖ томонидан қайтадан 3 хил усулда бозор, инвестицион ва тугатиш қийматларида баҳолатилган, суднинг 10.03.2009 йилдаги ажрими билан тугатиш муддати 3 ойга, 10.06.2009 йилга қадар узайтирилган бўлиб, «Аснам текстиль» МЧЖ шаклидаги қўшма корхонаси «Ас Шах» қўшма корхонасини низом жамғармасига қушган 40 млн 974,1 минг сум улуши қўшма корхона суднинг 09.01.2009 йилдаги 16-0804-2033-сонли ажрим билан тугатилганлиги ва Адлия бошқармасида 25.10.2009 йилда давлат реестридан чиқарилганлиги сабабли қўшма корхонанинг 40 млн. 974,1 минг сумлик (баланс) таъсис улуши ҳисобдан чиқарилиши, шунингдек 10.06.2009 йилдаги ажрим билан тугатиш муддати 31.08.2009 йилга қадар узайтирилганлиги, 2009 йил 28 январда «Ок олтин» қўшма корхонаси ҳамда «Коском» компанияси билан ижара шартномаси тузилган бўлиб, улардан корхонани ижарага бериш ҳисобига дебитор қарздорликлар копланган (улардан).

Вилоят Миллий Хавфсизлик хизмати томонидан ўтказилган текшириш натижасида моддий зарарлар копланиб, пул маблағлари тўловларга йўналтирилган. Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банк томонидан навбатсиз тўловлар ва қолиб кетган иш ҳақлари тўлаб борилганлигини, жами корхонанинг ягона тугатиш ҳисоб рақамига 3 млрд. 107 млн. 711,7 минг сум маблағлар келиб тушган бўлиб, шунингдек , Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.11.2008 йилдаги Ф-4010-сонли Фармойиши билан тасдиқланган «Иқтисодий ночор корхоналарни аукцион ва танлов савдолари орқали тижорат банкларига сотиш тўғрисида»ги тартибнинг 2 бўлим 6-бандига асосан тижорат банкларига аукцион ва танлов савдоларига иштирок этиш билан биргаликда, банкрот корхонанинг кредиторлар реестрида банк кредитидан бўлган қарздорлик

70 ва ундан юқори фоизга эга бўлган тақдирда хўжалик судининг қарори билан банкрот корхонанинг мол-мулкани тугатиш қийматида 2 млрд.801 млн. 325 минг 548 сумда Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 134-моддасига мувофиқ кредиторлар реестридаги навбатдан ташқари тўловлар ва биринчи навбатдаги қолиб кетган иш ҳақи тўлови берилгандан сўнг банк балансига қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлиши кўрсатилганлиги сабабли банкрот корхона кредиторларнинг 2009 йил 26 мартдаги йиғилишида корхонани Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки балансига ўтказишга қарор қилинганлиги ва бу ҳақда суднинг 2009 йил апрелда ажрими чиқарилган, 30.04.2009 йилда Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки томонидан банкрот «Аснам текстиль» МЧЖ шаклидаги қўшма корхонасини тугатиш бошқарувида текшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида 2 млрд. 734 млн. 104 минг 644 сумлик моддий мулклар қабул қилиб олганлиги, шунингдек банкрот қўшма корхонага тегишли меъёрий ҳужжатлар тўплами далолатнома асосида топширилган, банкрот корхонанинг якуний кредиторлар талаблари реестри бўйича жами 18 млрд. 39 млн. 380 минг 900 сумлик кредиторлик қарзлар топширилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.11.2008 йилдаги Ф-4010-сонли фармойишига асосан Республика комиссиясининг 14.01.2009 йилдаги 2-йиғилишида белгиланган вазифалар тугатиш бошқарувчиси томонидан бажарилган, яъни ишчи ходимдарни қолиб кетган иш ҳақи ва алимент тўловларига, 2 ёшгача болалар тарбияси пособиясига, ишдан бўшатиш ҳодимлар тоғон пулига, ишлаб чиқаришда ногирон бўлганларга нафақалар учун жами 335 млн. 918 минг 600 сум тўлов берилганлиги, шунингдек, кредиторлар талаблари реестридаги бошқа навбатсиз тўловлар ҳам амалга оширилиб, жами 3 млрд. 176 млн. 263 минг сум қарзлардан 3 млрд. 78 млн. 721 минг сум тўлаб берилганлиги сабабли банк ўз мажбуриятини бажарганлигини баён этиб, банкрот деб топилган «Аснам текстиль» МЧЖ шаклидаги қўшма корхонасини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.11.2008 йилдаги Фармойиши билан тасдиқланган «Иқтисодий очор корхоналарни аукцион ва танлов савдолари орқали тижорат банкларига сотиш тўғрисида»ги тартибнинг 2 бўлим 6-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки балансига ўтказилган бўлиб, банкрот қўшма корхонада тугатиш ишлари якунланиб, шунингдек, кредиторлар талаблари реестрининг навбатсиз тўловларда турган кредитор «Ўзенгилсаноат» ДАКга тўланиши керак бўлган 60 млн. 586 минг 800 сум тўловни коплаши Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки зиммасига юклашни баён этиб, «Аснам текстиль» МЧЖ шаклидаги қўшма корхонасини тугатиш иши юзасидан ажрим қабул қилинди.

Суд Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги қонунининг 22-модда 2 қисми, 134, 142, 144-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги Ф-4010-сонли Фармойиши билан тасдиқланган тартиб, хўжалик процессуал кодексининг 151, 154-моддаларига мувофиқ Наманган шаҳридаги «Аснамтекстиль» МЧЖ шаклидаги қўшма корхонасининг фаолияти тугатилиб, банкротликка доир иш якунланган ва давлат реестридан “Hain Tex” МЧЖ хорижий корхонасининг банкротлиги олинди.

“HAIN TEX” МЧЖ шаклидаги қўшма корхонасининг банкротлик омиллари.

“Hain Tex” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 28 сентябрдаги «Наманган текстил» АЖ комплекси мулкларидан унумли фойдаланишни таъминлаш тўғрисидаги 206-сонли қарори билан «Наманган текстил» АЖ мулклари комплекси учун 20 йил давомида 32 млн 240 минг АҚШ доллари миқдорида тўловни амалга ошириш ҳамда 6 йил давомида ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва ишлаб чиқариш қувватларини ошириш учун тўғридан-тўғри 34 млн АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш шарти билан ташкил этилган. Ушбу қарорнинг биринчи иловасига асосан мулклар учун тўловларни амалга ошириш куриб чиқилганда (2007-2012 йиллар) 6 йил давомида 7.0 млн АҚШ доллари тўлаш ўрнига 3,48 млн АҚШ доллари миқдорида ёки 49,71 % миқдорида тўлов амалга оширилиб мажбурият солган 50% га бажарилмаган. Юқоридаги қарорнинг 2-иловасига асосан 6 йил давомида ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва ишлаб чиқариш қувватларини ошириш учун тўғридан тўғри 34 млн АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш куриб чиқилганда (2008-2012 йиллар) 5 йил давомида 23,0 млн АҚШ доллари ўрнига 13,1 млн АҚШ доллари миқдорида 56,95 % миқдорида амалга оширилган бўлиб, корхона томонидан олинган мажбурият 33 % га бажарилмаган корхонанинг икки йил давомида умумий мажбуриятлари 76,525648000 сумга ва кўрган зарари 28703503600 сум, жами йўқотиш 105229151600 сумни ташкил қилган ҳолда активлари 50610577000 сумни ёки кўрсаткичлар фарқи 54618574600 сумни ташкил этади. Жами мажбурият ва зарар 88млрд 596млн 217 минг сумни ташкил қилгани кўрсаткичлар фарқи 40млрд 822 млн 374 минг сумни ташкил этгани корхона банкрот ҳолатда эканлигини кўрсатади. 2012 йил давомида корхона қарзлари ортиб борди. Солиқдан бўлган қарзи жорий йилнинг 1 январига 268 млн сумни ташкил этган.

Корхона бухгалтерияси тақдим қилган 2012 йил 7 май ҳолатига тузилган ҳисоботи бўйича дастлабки маълумотларга кўра :

Дебиторлик: 156808000 сум

Умумий кредиторлик : 76520720400 сум қарзлари:

Шундан узоқ муддати 58918470150 сум кредиторлик қарзлар:

«Hain Tex» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонаси кредиторларнинг 2012 йилдаги кузатув якуни бўйича умумий йиғилиши баёнига кўра «Hain Tex» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонасини банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишини бошлаш тўғрисида хўжалик судига мурожаат этиш қарорига келган.

Корхона бухгалтерига такдим қилган 2012 йил 1 май ҳолатига тузилган ҳисобот бўйича дастлабки маълумотларга кўра дебиторлик 156808000 сум, корхонанинг умумий кредиторлик қарзлари 76520720400 сум, шундан узоқ муддатли кредиторлик қарзлари 58918470150 сумни ташкил этган «Hain Tex» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонаси кредиторларининг 2012 йил 24 майдаги кузатув якуни бўйича умумий йиғилиш баёнига кўра, йиғилишда кредиторларнинг қарз суммаси 809514 млн сум ёки 89,32 % ни ташкил этган.

Кредиторлар йиғилишда 100% овоз билан корхонани банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш қарорига келишган. Қарздор корхонанинг тўловлардан бўлган энг кам бўлган ойлик иш ҳақининг 500 (беш юз) баробардан кўп бўлган қарзларини 3 ойдан кўп бўлган муддатда тўлашга имкони бўлган.

Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида» ги Қонунининг 7-моддасида қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўловлар мажбурияти юзага келган кундан эътиборан 3 ой давомида қарздо томонидан бажарилмаган бўлса, унинг банкротлик омонатлари деб эътироф этилиши кўрсатилган. Қонуннинг 5-моддасига кўра банкротлик тўғрисидаги иш банкротлик аломатлари мавжуд бўлган тақдирда агар қарздор юридик шахсга нисбатан жами талаблар энг кам иш ҳақки миқдорининг камида беш юз каррасини ташкил этадиган бўлса, қарздор якка тартибдаги тадбиркорга нисбатан энг кам иш ҳақки миқдорининг камида уттиз каррасини ташкил этадиган бўлса хўжалик суди томонидан қўзатилиши мумкин.

Мазкур ҳолда қарздор «Hain Tex» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонасининг кредиторлик қарзини тўлаш муддати уч ойдан ўтганлиги ҳамда жами талаблар энг кам иш ҳақки миқдорининг беш юз каррасидан ортиқни ташкил этганлиги сабабли аризани қаноатлантириб корхонани Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида» ги қонуннинг талабларига қарздорни банкротлигини эътироф этиш лозим бўлади. Суд Ўзбекистон Республикаси хўжалик процесуал кодексини 95-моддасига асосан ариза қарздорни айби билан судга келганлиги сабабли тўланган давлат божини қарздор зиммасига юклашни лозим деб топади.

Юқоридагиларга асосан Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида» ги қонуннинг 4, 5, 18, 39, 51, 58, 124, 125, 126-моддаларини,

фуқоролик кодексини 52-моддасига ҳўжалик процеуал кодексининг 91, 95, 130, 136, 138, 154-моддаларига кўра қарздор «Hain Tex» масўулияти чекланган жамияти шаклидаги кўшма қорхонасини банкрот деб эълон қилиниб тугатишга доир иш очилди.

«Hain Tex» масўулияти чекланган жамияти томонидан давлат солиқ мажбурияти ўз вақтида тугалланган бўлиб, натижада жамиятнинг бугунги кунда 300,5 млн сум асосий ва ўз вақтида тўланмаган солиқ ва мажбуриятлар бўйича 98 млн сумм пеня қарздорлик қолиб кетган.

Кўшимча қиймат солиғи 159,604,641.54 сум

Республика йўл жамғармасига 5,759,283.40 сум

Ягона ижтимоий тўловга 9,275,030.76 сум

Пенсия жамғармасига мажбурий ажратма 6,674,768.20 сум

Сув солиғига 142,118.29 сум

Ер солиғига 117,802,576.74 сум

Таълим жағрамасига 2,085,864.83 сум

Сарфга 153,409.83 сум

ТИФ миллий банк Наманган вилоят бўлими томонидан Адлия Вазирлигида 2003 йил 4 октябрда 1281 сон билан рўйхатга олинган «Юридик ва жиноий шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб борилиши тўғрисида»ги тартиб талабларига асосан тақдим этилган маълумотларга кўра «Hain Tex» масўулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий қорхонаси (ИНН206941766) Корея давлатининг «Hain Tex» масўулияти чекланган жамияти «Hain Tex Сс. LTD» қорхонаси билан 2011 йил 25 апрелда тузилган № НТЕ 11/10 –сонли экспорт шартномаси бажарилишида 53782,2 АҚШ долларида муддати ўтган қарздорлик юзага келганини аниқланди.

Бу билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 245 сонли қарори 4 банди талаблари бузилганлиги аниқланган.

Ушбу ҳолатлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июлдаги «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириши ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 2445-сонли қарорининг 4-бандига асосан 27.09.2011 йили ва 05.03.2012 йилдаги «камерал назорат текширув материалларини кўриб чиқиш тўғрисида» ги баённомаларга асосан ДСИ бошлиғининг 2011 йил 27 сентябр кунги солиққа оид қонунбузарликни бартараф этиш тўғрисидаги қарори билан 10% миқдорда 9393,6 минг сум, 2012 йил 7 март кунга қарори билан 20% миқдорда 18787,2 минг сум молиявий жарималар қўлланилган.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июлдаги «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 245- сонли қарорини 4 банди талабларига асосан валюта тушуми белгиланган муддатдан 180 кунгача

кечиқганда тушмаган валюта маблағлари суммасига нисбатан қўшимча равишда 10% эквивалентда валюта тушуми белгиланган муддатдан 180 кундан 365 кунгача муддатга кечиқганда тушмаган валюта маблағлари суммасига нисбатан қўшимча равишда 20% эквивалентда, валюта тушуми белгиланган муддатга кечиқганда тушмаган валюта маблағлари суммасига нисбатан қўшимча равишда 70% эквивалентда молиявий жарима қўлланилиши белгиланган.

**«Наманган ободончилиги» масъулияти чекланган жамиятининг
банкротликка учраши омиллари.**

«Наманган ободончилиги» МЧЖ Наманган шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларинини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2003 йил 29- декабр куни №00108 сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Наманган вилоят статистика бошқармаси томонидан корхона ягона давлат реестрига киритилганлиги тўғрисида № 119-сонли Гувоҳнома берилган. Мазкур гувоҳнома бўйича:

Ташкилий ҳуқуқий шакли (ТХШ)	1153
Мулкчилик шакли (МШ)	142
Почта манзили (МХОБТ)	1714401
Юридик шахс коди (КТУТ)	05936433
Тармоқ коди (ХХТУТ)	61129 ҳос рақамлар

берилган.

Жамиятга Наманган шаҳар Давлат солиқ инспекциясидан солиқ тўловчи сифатида рўйхатга олиниб, унга 201234612-сонли идентификацион рақами берилган.

Жамият Тошкент шаҳар ТИФ «Миллий банк» Бектемир бўлимида банк амалиётларини амалга ошириб келган.

Жамиятни 15.11.2003 йилдаги умумий йиғилишида тасдиқланган Низоми бўйича қайд қилинган фаолият турларидан автомобил йўлларини куриш, таъмирлаш ва реконструкция қилиш фаолияти билан шуғулланган. Жамиятни фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган машина – механизмларга. Ишлаб чиқариш базасига ва малакали мутахассисларга ҳамда 0,675 гектар умумий ер майдони бўлган.

«Наманган ободончилиги» МЧЖнинг 29.12.2003 йилда вилоят нотариал идораси томонидан тасдиқланган таъсис шартномаси бўйича жамиятнинг бошланғич Низом фонди 2,458,176 сўмдан иборат бўлиб, 46 та ишчи ва ходимлар улуши 25,0 фоиз 614,048сўм.«Наманганавтойўлтаъминот» ОАЖ 18,35 фоиз 450,368 сўмни ташкил этади.

Иштирокчилар ўртасидаги таъсис улуши бир неча бор ўзгарган бўлишига қарамай ўзгартиришлар киритилмаган.

Шуъба корхона Низоми бўйича манзилгоҳи: Наманган шаҳар, Косонсой кўча 21 кўрсатилган.

Жамият икки йилдан буён фаолият юритмаган, ҳозирда 2 ходим раҳбар ва моддий жавобгар шахс жамият ҳисобида турган.

«Наманган ободончилиги» МЧЖ нинг 2011 йил 1- январдан 31- декабргача бўлган давр молия- хўжалик фаолиятини «SAMIMIY HULOSA» МЧЖ аудиторлик текширувидан ўтказиб, 2011 йил 1-январдан 31-декабргача бўлган молиявий ҳисоботларига биноан, активлар қиймати 1.274.112.581 сўмни ташкил этади.

Асосий воситлар:

Бошланғич қиймати	87.312.399 сўм;
Эскириш	42.217.320 сўм;
Қолдиқ қиймати	45.095.079 сўмни ташкил этади;
Товар моддий заҳиралар	869.719.355 сўм;
Ишлаб чиқариш заҳиралари	124.121.493 сўм;
Тугалланмаган ишлаб чиқариш	745.597.862 сўм;
Келгуси давр харажатлари	-
Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларнинг қарзи	-
Ходимларга берилган бунақлар	-
Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга берилган бунақлар	342.137.565 сўм;
Дебиторлари	358.196.854 сўм.

2012 йил 1-январ ҳолатига баланс ҳисоботларига асосан жами мажбуриятлари (жами кредиторлик қарзлар) 1.274.112.581 сўм бўлиб, шундан мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарзлар 898.240.671 сўм, бюджетга тўловлар бўйича 372.010.504 сўм, таъсисчиларга бўлган қарзлар 1.410.693 сўм, иш ҳақи бўйича қарзлар 191.116.937 сўм, бошқа кредиторлик қарзлар 25.098.516 сўмни ташкил этади.

Дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлар таҳлил қилинганда умумий 239.375.766 сўм, дебиторлардан 133.415.921 сўмига 2008-2011йилларда ВХС га даъво ариза киритилган ва ижро варақа олиниб, ижро департаментларига юборилган бўлсада ҳозирги кунга қадар бир сўм ҳам ундирилмаган.

Дебиторлик қарзларнинг 105.959.845 сўмига ундириш чоралари кўрилмаган ҳамда 102.761.799 сўм дебиторлар давлат реестридан чиққанлиги маълум бўлди. Шунингдек умумий 1.085.773.179 сўм кредиторлик қарздорликларни 70 фоизи муддати ўтган.

2013 йил 04 апрелда 16-1302-3030 сонли суд ажримга асосан банкротликка доир иш қўзғатилган ва «Кузатув» таомили қўлланилган.

Қарздор «Наманган ободончилиги» МЧЖ ни 2013 йил 20 март ҳолатига бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалардан асосий қарзи 206 493,6 минг сўмни, устама қарзи 130 755,2 минг сўмни жами 337 248,8 минг сўмни ташкил қилиб, охирги тўлов 27.06.2012 йилда амалга

оширган, қарздор тўлов мажбуриятини бажармаётганлиги, тўлов қобилиятини йўқотганлиги, Наманган вилоят хўжалик судининг 29.11.2010 йилдаги 16-1006/12009-сонли 201 679 800 сўм солиқ қарзларини ундириш ҳақидаги суд ижро варақалари бўйича қарздорнинг мол-мулклари хатланиб, ижро ҳаракатлари давом этаётганлиги ҳақида Наманган шаҳар суд ижрочилари бўлими 15.03.2013 йилдаги №СИ-2-сонли маълумотномани тақдим қилганлиги, қарздор мажбуриятларини бажаришга қодир эмаслиги маълум бўлган.

Қарздор уч ой ёки ундан ортиқроқ муддатда қарзини тўлай олиш имкониятига эга эмас.

Бундан ташқари, қарздор 2013 йил 21 май ҳолатига бошқа субъектлардан қуйидаги қарзларга эга: Наманган КХСИТФДК – 100 446,0 минг сўм, «Бунёдкор-3» МЧЖ -35 629,0 минг сўм, «Авазбек-2000» МЧЖ 54 490,0 минг сўм, «ХТ Х. Насриддинов» 7 534,0 минг сўм, «Наманган йўл соз» МЧЖ дан 21067,0 минг сўм, «Кўкаламзорлаштириш» МЧЖ дан 6 165,0 минг сўм, «2523-автожамланма» ХДУК дан 13 103,0 минг сўм, «Намангансувтранс» ОАЖ дан 30 671,0 минг сўм, «Муслим қурилиш таъмир» МЧЖ 54 117,0 минг сўм, «Ризо» ИЧФ дан 16 106,0 минг сўм, «Наманган техника» МЧЖ дан 147 900,0 минг сўм, «Косонсой туман ЙХПТФК» дан 16 744,0 минг сўм, ХТ «Хайдаров Малик»дан 10 382,0 минг сўм, «Намангансувтранс» МЧЖ дан 3 544,0 минг сўм, «Сифат сертификат сервис» МЧЖ дан 2 852,0 минг сўм, «Зийнат Сабр Содиқ» МЧЖ дан 19 979,0 минг сўм, ходимлар иш ҳақидан 40 800,0 минг сўм.

Шундай қилиб, қарздорнинг умумий кредиторлик қарзи 911 621,5 минг сўмни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасига асосан, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўловлар мажбурияти юзага келган кундан эътиборан уч ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, унинг банкротлик аломатлари деб эътироф этилади.

Мазкур Қонуннинг 5-моддасига асосан, банкротлик тўғрисидаги иш банкротлик аломатлари мавжуд бўлган тақдирда, агар қарздор юридик шахсга нисбатан жами талаблар энг кам иш ҳақи миқдорининг камида беш юз каррасини ташкил этадиган бўлса, хўжалик томонидан қўзғатилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасига асосан, хўжалик суди кредиторларнинг биринчи йиғилиши қарори асосида, агар ушбу моддада бошқача қоида белгиланган бўлмаса, қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади. Ушбу модданинг 5-қисмига асосан хўжалик суди

томонидан қарздор банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган пайдан эътиборан кузатув тугатилади.

Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги қонуннинг 4,5,75,124,126-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 95, 135-138-моддаларига мувофиқ суд Наманган шаҳар Давлат солиқ инспекциясининг «Наманган ободончилиги» МЧЖ ни банкрот деб топиш ҳақидаги аризаси қаноатланганини ва «Наманган ободончилиги» МЧЖни банкрот деб топилганини қарор қилди.

«Наманган ободончилиги» МЧЖни молиявий аҳволининг таҳлили:

1. Корхонанинг тўлов қобилияти коэффиценти корхонанинг қисқа муддатли мажбуриятларини тўлашга қодирлиги таҳлил қилинганда:

$$KK = \frac{\text{жорий оборот активлари}}{\text{жорий мажбуриятлар}} = \frac{A_2}{P_2 - ДО},$$

A₂ — юриб турган (оборотдаги) актив (ишлаб чиқариш запаслари, тайёр маҳсулот, пул жамғармалари, дебитор қарздорлик ва б.), корхона баланси активаининг 2 бўлим 390 сатри;

P₂ — мажбурият, корхона баланси пассивининг 2 бўлими 770 сатри;

ДО — узоқ муддатли мажбуриятлар, корхона баланси пассивининг 1 бўлими 490 сатри.

$$KK = \frac{1\,229\,017\,498}{1\,487\,877\,321} = 0,82 \text{ корхона кўрсаткичга эга}$$

Кўрсаткич 1,25 қийматдан паст бўлса корхона тўловга қобилиятсиз деб ҳисобланади.

2. Ўз оборот маблағлари билан таъминланганлиги коэффиценти таҳлил қилинганда коэффицент қуйидаги формула бўйича ҳисобланади :

$$K_{MT} = \frac{(P_1 + Дзк_2) - A_1}{A_2},$$

A1 — узоқ муддатли активлар (асосий восита, номатериал активлар, пул қўйилмалари ва б.) корхона баланси активи 1- бўлим, 130 сатри;

П1 — шахсий маблағлар жамғармалари (устав капитали, захира капитали, қўшилган капитал, тақсимланмаган даромад ва б.) корхона баланси пассиви 1 бўлим 480 сатри;

Дзк2 — узоқ муддатли активларни харидига йўналтирилган, узоқ муддатли займлар ва кредитлар, корхона баланси пассиви 1 бўлими 570 ва 580 сатри;

$$K_{MT} = \frac{(213\,764\,740 + 0) - 45095083}{1\,229\,017\,498} = \frac{168\,669\,657}{1\,229\,017\,498} = 0,14$$

0,2 қийматдан паст бўлса корхона ўз оборот маблағлари билан таъминланмиган ҳисобланади.

3. Корхонанинг харажатлари рентабеллиги коэффиценти таҳлил қилинганда:

$$K_{xp} = \frac{Пудн}{P}$$

Пудн — Солиқ ҳисоблангандан олдинг даромад, форум № 2, корхона молиявий ҳисоботининг 5 устун 240 сатри ёки – минус белгиси билан 6 устун 240 сатри;

P — жами расхонлар, корхона молиявий натижа ҳисоботининг 020 сатр 6 устун + 040 сатр 6 устун + 170 сатр 6 устун + 230 сатр 6 устун.

$$K_{xp} = \frac{273\,378\,957}{407\,957\,313} = 0,67$$

Корхона харажатлари рентабеллиги 0 қийматдан паст ҳисобланиб зарар билан ишлаган деб ҳисобланади.

4. Корхона даромадлари рентабеллиги таҳлил қилинганда:

$$K_{pa} = \frac{Пудн}{ИсБ}$$

ИсБ — корхона балансининг жами ёки пассиви ўртача миқдори. Бу кўрсаткич ўрта арифметик ёки ўртахронологик йўл билан ҳисобланади.

$$K_{pa} = \frac{273\,378\,957}{1\,274\,112\,581} = 0,21$$

Корхона даромадлари рентабеллиги 0,05 қийматга эга бўлса паст рентабеллик ҳисобланади.

5. Қисқа муддатли заем маблағлари ва ўзининг маблағлари муносабати коэффиценти таҳлил қилинганда

$$K_n = \frac{P_1}{P_2 - ДО} = \frac{213\,764\,740}{1\,487\,877\,321 - 0} = 0,14$$

Корхона ўз қисқс муддатли заем маблағларига нисбатан коэффиценти ҳисобот даври охирига келиб 1 дан қийматга эга бўлса таввакалчилик борлигин билдиради.

6. Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффиценти

$$K_{kf} = \frac{Q_{\text{факт}}}{Q_{\text{лойиха}} - (Q_{\text{ижара}} + Q_{\text{консерв}})} =$$

$Q_{\text{факт}}$ — Ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг солиштириладиган қиймат ифодасидаги фактик ҳажми.

$Q_{\text{лойиха}}$ — белгиланган вақт даврида и/ч маҳсулот (кўрсатилган хизмат) нинг солиштириладиган қиймат ҳажмининг максимал ҳажми.

$Q_{\text{ижара}}$ — ижарага берилган қувватларга тўғри келадиган маҳсулот ҳажмлари.

$Q_{\text{консерв}}$ — консервацияланган қувватларга тўғри келадиган ҳажмлар.

Корхона ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффиценти ҳисобот даврида 0,5 дан ёки ўртача тармоқдагидан кам бўлса у ҳолда корхона ишлаб чиқариш қувватлардан фойдаланиши паст.

7. Асосий воситаларни эскириш коэффиценти таҳлил қилинганда

$$K_{\text{эс}} = \frac{\text{Э}}{\text{А}} = \frac{42\,217\,321}{87\,312\,404} = 0,48$$

Э – Асосий воситаларни эскирганлиги корхона балансининг 011 – сатри.

А – Асосий воситалар бошланғич қиймати корхона балансининг 010 – сатри

Корхона асосий воситаларини эскирганлигини аниқлаш учун коэффициент 0,5 миқдордан юқори бўлса у ҳолда эскирганлик даражаси юқори бўлади.

2.3. Иқтисодий ночор корхоналарни банкротликка ўтказиш ва ундан чиқариш жараёнлари.

Банкротлик бозор иқтисодиётининг муҳим иқтисодий дастакларидан бири ҳисобланиб, мамлакат иқтисодиётини самарасиз корхоналардан тозалаш, шунингдек, ялпи талаб ва таклиф мувозанатини таъминлашга бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади.

Маълумки, банкротлик институти бозордаги талаб ва таклиф, рақобат ва баҳо механизмлари орқали хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида эркин рақобат муҳитини тартибга солиб туради.

Президентимиз ҳам рақобатнинг бозор иқтисодиётидаги аҳамиятини кўрсатиб: «Рақобат бўлмаса, бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди. Рақобат - бозорнинг асосий шарти, айтиш мумкинки, унинг қонунидир»¹-деб таъкидлаган эди. Демак, бозор муносабатлари шароитида фаолият юритаётган ҳар бир хўжалик юритувчи субъект рақобатга тортилади. Рақобат жараёнида барча корхона енгиб чиқиши ёки доимий равишда фойда билан ишлаши кафолатланмагани туфайли, ушбу «курашда» уларнинг айримлари банкротга учрайди ёки бошқа рақобатбардош корхоналарга кўшилиб кетади.

Шу тариқа, иқтисодиётда айнан банкротлик механизми орқали айланма маблағлар иқтисодий жиҳатдан самарасиз тармоқдан самарали тармоққа оқиб ўтади ва миллий иқтисодиёт тизимидаги бозорларда мувозанат таъминланади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгунга қадар, яъни бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усули амал қилган даврда иқтисодий адабиётларда банкротлик капиталистик тузумга асосланган мамлакатларнинг иқтисодиётига хос бўлган салбий иқтисодий ҳолат сифатида ёритиб келинган. В. Ф. Гарбузов таҳрири остида чоп этилган «Молия-кредит» луғатида «Банкротлик - бу капиталистик корхона, фирма, банк ва бошқа

ташкilotларнинг ўз мажбуриятларини бажара олмай қолишидир», деб таъриф берилган.

Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида республикамизда банкротлик тушунчасига берилган таърифларнинг моҳияти ўзгара бошлади. Жумладан, Ўзбекистон миллий энциклопедиясида «Банкротлик» - (итал. **Бапкгоя** - синган курси), синиш - фуқаро, корхона, фирма ёки банкнинг маблағи етишмаслигидан ўз мажбуриятлари бўйича қарзларни тўлашга қурби етмаслиги, қарздорнинг мажбуриятлари мол-мулкидан ошиб кетганлиги сабабли товар (ишлар, хизматлар) учун ҳақ тўлаш юзасидан кредиторларнинг талабларини қондиришга қодир эмаслиги, шунингдек, бюджетга ва бошқа фондларга мажбурий тўловларни таъминлашга қодир эмаслиги тушунилади», деб қайд этилган .

Банкротлик институтининг вужудга келиши мамлакатимизнинг мустақилликка эришиш даври билан бевосита боғлиқ бўлиб, ўтган давр ичида ушбу институтнинг фаолияти ва банкротлик жараёнлари доимий равишда такомиллашиб бормокда. Масалан, 1994 йилда қабул қилинган «Банкротлик тўғрисида» қонунда банкротлик ҳолатининг қисқача тартиби баён этилган бўлиб, унда қатор ноаниқлик ва тушунмовчиликларга йўл қўйилган эди. Атиги 35 та моддадан иборат ушбу қонун ўша даврнинг талабларига жавоб берар эди.



Ваҳоланки, «Банкротлик тўғрисида»ги қонуннинг 1998 йилдаги таҳрири 133 та моддани, 2003 йилдаги янги таҳрири эса 192 моддани ўз ичига олиб, жаҳон амалиёти ва орттирилган тажрибалар асосида қайта ишлаб чиқилди ва бойитилди.

Банкротлик институти мамлакатда иқтисодий мувозанатни таъминлашга ижобий таъсир этиши билан бирга, айрим салбий ижтимоий-иқтисодий оқибатларнинг вужудга келишига ҳам сабаб бўлади, яъни:

корхоналарнинг банкротга учраши товарлар ҳажмининг камайишига, ишсизлик даражасининг ошишига, тўлов интизомига риоя қилинмаганлиги оқибатида дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг вужудга келишига

сабаб бўлади. Бу эса ўз навбатида, миллий иқтисодиётда ялпи таклифнинг қисқаришига, ялпи талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатнинг бузилишига ва миллий иқтисодиётдаги номутоносибликка олиб келиши мумкин;

- ишлаб чиқариш муносабатлари бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлган корхоналардан биттасининг банкротга учраши, қолганларига ҳам занжирсимон тарзда боғланиб кетиши ҳам бошқа корхоналарни иқтисодий жиҳатдан танг ҳолатга тушишига ва бошқа турли салбий оқибатларга олиб келади;

- банкрот ҳолатидаги корхона давлат бюджети олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажара олмаслиги натижасида бюджет даромадларининг режадаги миқдори шакллантирилмайди ва бу, ўз навбатида, мамлакатда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда қатор муаммоларнинг вужудга келишига сабаб бўлади,

Бозор иқтисодиёти шароитида банкротлик институтининг ижобий жиҳатларини кўпроқ намоён этиш учун қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш зарур, яъни:

- корхоналарга нисбатан банкротликни эълон қилишда унинг иқтисодий асосини чуқур ўрганиш ҳамда сунъий банкротликка йўл қўймаслик бўйича таъсирчан иқтисодий ва ҳуқуқий чораларни кўриш;

- миллий иқтисодиётнинг стратегик ривожланиши учун қисқа ва узок муддатли меморандум ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;

- иқтисодиётни бошқаришда бозор механизмларининг тўлиқ ишлашини таъминлаш, хусусан корхоналар ўртасида эркин рақобат муносабатларига кенг йўл очиб бериш ва банкротлик жараёнининг табиий ҳолда амал қилиши учун шароит яратиш;

- асосий воситалари маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскирган иқтисодий ночор корхоналар муаммоларини бевосита хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш орқали ҳал этиш учун қўшимча имкониятлар яратиш ва унинг кўламини кенгайтириш лозим.

Чет давлатлардаги кўп йиллик корхоналарнинг оёққа туриши ва тараққиётига оид тажрибалардан келиб чиқадики, фирмани молиявий кризиси ва банкротлигининг сабаблари – бу талабни қисқариши, ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши, уни издан чиқиши ва маълум бошқарув тизимининг йўқлигидир.

Тараққиёт топган турғун иқтисодий ва сиёсий тизимга эга давлатларда банкротликка 1/3 қисмига ташқи омиллар ва 2/3 қисмига ички омиллар сабабчи бўлар экан.

Бизнес амалиётида банкротликни олдиндан айтиб бериш учун

Е. Альмашнинг «Z-ҳисоби» ишлатилади.

$$Z\text{-ҳисоби} = \frac{(1,2 \text{ ОК} + 1,4 \times \text{ДТ} + 3,3 \times \text{АФД} + \text{СХ})}{\text{А} + 0,6 \times \text{ОАБК} / \text{П}}$$

Бу ерда: ДТ – даромадни қайта тақсимлаш;
 СХ – сотиш харажатлари;
 А – барча активлар;
 ОАБК – оддий ва имтиёзли акцияларнинг бозор қиймати
 П – барча пассивлар.

Z-ҳисоб	Банкротлик эҳтимоли
1,8 ва ундан кам	Жуда юқори
1,81 дан 2,7 гача	Юқори
2,8 дан 2,9 гача	Мумкин
3,0 ва юқори	Жуда паст

Хўжалик юритувчи субъектнинг банкрот бўлиш имконини баҳолашда куйидаги кўрсаткичлар нисбатини таҳлил қилиш зарур:

- барча активларга оборот капиталини нисбати;
- қарзларни акционерлик капиталга нисбати;
- барча пассивларни барча активларга нисбати;
- асосий капитални акционерлик капиталига нисбати;
- соф фойдани барча активларга, операциялардан келиб тўшадиган нақд пулларни барча пассивларга нисбати;
- соф фойда плюс кредит бўйича фоизни кредит бўйича фоизларга нисбати.

Кичик шаклдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий қашшоқлиги ва банкрот бўлиши тадбиркорлар, раҳбарлар, фирманинг менежерлари томонидан йўл қўйиладиган бир қатор камчиликларга боғлиқ.

Умумий хатолар ва камчиликлар ичидан иш бошловчи тадбиркорларнинг, кичик фирма раҳбарларининг, етук ёшдаги корхона менежерларининг ўзига хос хатоларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Иш бошловчи тадбиркорларни ва етук фирмаларнинг менежментларини хато ва камчиликларини туркумлаш шуни кўрсатадики, бизнесни ташкил этишда имкониятларни, ресурсларни ва таваккалликларни ҳаётий циклини барча босқичларида пухта таҳлил қилиш керак бўлади.

«Банкротлик» ҳақидаги қонун давлат ҳудудида хўжалик юритувчи субъектлари билан биргаликда уларнинг мулк шаклидан қатъий назар юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкӣ муносабатларига таъсир кўрсатади.

Банкротлик институтининг мақсади ўз хўжалик фаолиятини давом эттираётган субъектларини ва уларнинг кредиторлари орасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солишдан иборатдир. Бу каби фаолиятни мумкин эмаслиги ёки йўқлигига, асос бўлмаганда кредиторларни талабини имкон

борича қондириш, юридик шахс банкротни йўқотиш, жисмоний шахсни қарзлардан озод қилишдир.

Қарздорга (банкротга) нисбатан хўжалик суди томонидан қуйидаги чоралар қўрилиши мумкин: судгача санация, ташқи бошқарув, тугатиш, келишув битими.

Бу ерда санация деганда таркибни қайта тузиш тартиби, мулк ҳуқуқини ўзгариши, қарздорни мулк томонидан, ёки ваколат берилган идора, ёки бошқа шахслар томонидан ушбу қарздорни ва унинг меҳнат жамоасини сақлаб қолиш ниятида молиявий қўллаб-қувватлаш тушунилади. Агар хўжалик суди қарздорни мулки банкротлик иши бўйича олиб бориладиган ишлар ҳаражатиға етмаслигини аниқласа, унда суд қарздорни банкрот деб эълон қилади ва банкротлик ишини тугади деб ҳисоблайди.

Банкротликни эълон қилгандан кейин хўжалик суди томонидан тайинланган суд бошқарувчи кредиторларни ва қарздорни ҳуқук манфаатларини ҳимоя қилади ва банкротлик тўғрисидаги ишни ниҳоясига етказишга қўмаклашади.

У қарздорни мулкини бошқаради, унинг сақланишини ташкил этади, кредиторлар талабини банкрот бўлган мулки ҳисобига қондиради, қарздорга юридик шахсга нисбатан уларни хўжалик фаолиятини ташкил қилади.

Қарздорни хўжалик фаолиятини ташкил қилишда суд бошқарувчи шартнома тузиш ва бошқа ҳуқуқларга фақат кредиторлар розилиги билан эга бўлади. Кредиторларни умумий мажлисини қарори чиқмагунча бошқарувчига юридик шахсни тугатиш ман этилади. Юридик шахсни тугатилиши банкротлик ишини тугатилганидан кечикмай амалга оширилади.

Агар банкротлик келишув битими тузиш билан тугаса ёки банкротлик ишини хўжалик суди тўхтатса, ёки қарздорда ўз фаолиятини давом эттириш учун барча шикоятлардан сўнг етарли мулки қолса унда юридик шахс тугатилмайди.

Келишув битим – бу қарздор ва кредиторлар орасидаги қарзларни тўлаш тўғрисидаги келишув бўлиб, унда қарзларни камайтириш ёки уларни тўлаш муддати узайтириш ва бошқа томонларни келишуви билан амалга ошириладиган шартномалар кўзда тутилади.

Келишув битимии тузилган деб қуйидаги ҳолатларда ҳисобланади:

1. Қарздор қарзларни ярмидан оз қисмини тўлашни таклиф этганда унга рози бўлиб 2/3 дан кам бўлмаган кредиторлар йиғилиши ўрнида бўлган қатнашчилари овоз берса, агар уларнинг талаблари 2/3 дан кам бўлмаган имтиёзсиз қиймат талабларини ташкил қилса.

2. Қарздор қарзларини ярмидан кам қисмини тўлашни таклиф қилса, агар бунга барча қатнашмаётган кредиторларнинг 3/4 қисмидан кам бўлмаса.

Келишув битимии барча имтиёзсиз кредиторлар учун, уларни овоз беришда қатнашганлигидан қатъий назар тўғри деб топилади. Уни таъсир қилиш муҳлати кредиторларнинг умумий мажлисида қарздорнинг таклифи

асосида белгиланади. Хўжалик суди суд бошқарувчининг ёки кредиторнинг таклифи билан келишув битимини қуйидаги ҳолларда тугатади, агар:

- қарздор атайин ёки сохта банкротликни амалга оширса;
- қарздор келишув битимида кўзда тутилган мажбуриятларни бажармаса;
- келишув битимининг таъсир қилиш муддатининг ярмидан кам бўлмаган қисми ўтгандан кейин қарздор келишув битимини шартини бажара олмаса.

Агар келишув битими тугатилса, унда банкротлик ишини кўриш яна тикланади.

Агар корхона банкрот деб топилса, корхонани суд бошқарувчи раҳбар меҳнат шартномаларининг шартини бажаришни давом эттиради ёки уларни қонуний ҳужжатларга асосан бекор қилади.

Иш берувчилар банкрот деб топилганда уларнинг ишчиларга тўланмаган маош компенсация сифатида қарздор мол-мулки ҳисобидан тўланади, бунда тўланадиган пул миқдори икки ойлик ўртача маошдан ортиқ бўлмаслиги зарур.

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар молиявий ресурсларини бошқариш ва тартибга солиш жараёнига тўлов тизимининг издан чиқиши ҳамда корхонларнинг тўловга лаёқатсизлиги бевосита таъсир кўрсатади. Шу муносабат билан ҳозирги шароитда корхоналар тўловга лаёқатсизлигининг асосий сабабларини комплекс ҳолда ўрганиш, долзарб аҳамият касб этади.

Ушбу расмда кўринишича, корхоналар тўловга лаёқатсизлиги ишлаб чиқариш, бозор муҳити, тўлов ҳисоб-китоб тизими соҳасидаги камчиликлар ва омиллар билан боғлиқдир. Корхона молиявий менежери ҳар қайси омил таъсирининг динамикасини ҳисобга олмоғи, ишлаб чиқариш соҳасидаги камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриши лозим.

Бозор шароитида корхона фаолиятига таъсир этувчи омиллардан яна бири инфляция жараёнидир. Пул инфляцияси бозор муносабатлари шаклланишида ва ҳатто ривожланган давлатларда ҳам бошқарилиши, тартибга солиниши ва бартараф этилиши ўта мураккаб бўлган объектив жараёндир. Мазкур жараёнида корхона ўз фаолиятини инфляция жараёни суръатларига мослай олиши лозим, акс ҳолда у сотиб олувчи сифатида ҳам пул маблағларини ишлатувчи сифатида ҳам рақобатда синиши мумкин.

Молиявий ресурсларни тўлдиришнинг навбатдаги манбаси бўлиб амортизация фонди ҳисобланади. Амортизация сиёсати корхонага кўшимча молиявий ресурсларни оширишга ёрдам беради. Агар жамғарилган амортизация фонди айланма сармоя сифатида фойдаланилса, эскирган сармоя қиймати бўйича қопланиб, аслида эса қопланмаслиги ҳам мумкин. Бу шундан далолат бериб турибдики, молиялаш муаммоси нафақат молиялаш манбаларини қидириб топишдан, балки иқтисодиётнинг реал секторига тўғридан-тўғри инвестициялар молиявий манбаларидан мақсадсиз фойдаланиш амалиётига барҳам беришдан иборат.



Асосий фондларни янгилаш манбаларининг мавжуд эмаслиги кредитлар бўйича фоизларнинг юқори ставкалари билан мураккаблашади, шунинг учун ушбу турдаги молиявий ресурслар ҳисобидан янги жиҳозни харид қилиш кўп ҳолларда иқтисодий жиҳатдан фойдасиз бўлиб чиқади.

Шу муносабат билан аксарият саноат корхоналарида молиявий дастак қарз маблағларидан фойдаланган ҳолда фойдани ва ўз рентабеллигини ошириш имконияти)дан фойдаланиш имконияти қисқарган. Молиявий дастак самараси кредит учун тўловга қараганда кўпроқ миқдордаги фойдани олиш мақсадида қарз маблағларини жалб қилиш натижасида намоён бўлади. Умуман олганда, молиявий дастакка қарз маблағларининг корхона даромадлилигига ҳар қандай таъсири, шу жумладан салбий таъсири ҳам қиради. Шунинг учун ушбу молиявий омилдан фойдаланиш фақат мамлакат банк тизимидаги вазият барқарорлашган шароитда фойдали бўлиши мумкин.

Саноат корхоналари учун катта миқдордаги молиявий ресурслар ўз қимматли қўғозларини молиявий бозорга жойлаштириш орқали олиниши мумкин. Жойлаштириш узоқ муддатли ҳам, қисқа муддатли ҳам бўлиши

мумкин. Узоқ муддатли молиялаш деганда бошқа корхоналар (АЖ, қўшма ва шўъба корхоналар)нинг устав фондида улушлар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни ҳарид қилиш, қарз бериш, яъни муддати бир йилдан ортиқ бўлган ҳар хил молиявий қўйилмалар назарда тутилади. Қисқа муддатли қўйилмалар шакллари бўлиб эса куйидагилар ҳисобланади: қисқа муддатли ғазначилик мажбуриятлари, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар, қарзлар, тижорат кредитлари.

Қимматли қоғозлар эмиссияси кредит шаклига қараганда катта миқдордаги молиявий ресурсларни жалб қилиш имконини беради. Қимматли қоғозларни чиқариш ва уларнинг муомалада бўлиши вақтинча бўш турган пул маблағларини корхона айланмасига жалб қилиш имкониятини сезиларли даражада кенгайтиради. Қимматли қоғозларни сотишдан олинган маблағлар, кредит ресурсларидан фарқли ўлароқ, анча арзон ва улардан инвестициялар (корхонани таш-кил этиш, қайта тиклаш ёки кенгайтиришдаги капитал қўйилмалар) учун фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Молиявий омил сифатида инвестицион лойиҳаларни жорий этишни ҳам келтириш мумкин. Лойиҳавий молиялашни инвестиция лойиҳасининг менежменти билан боғлиқ чора-тадбирлар мажмуи сифатида тавсифлаш мумкин. Ҳозирги шароитда лойиҳавий молиялаш технологиясидан фойдаланишда шуни ҳисобга олиш лозимки, аксарият саноат корхоналари пассивида катта миқдордаги кредиторлик қарзларининг мавжудлиги ва ўз эҳтиёжларини молиялаш учун маблағларнинг етишмаслиги каби салбий ҳолатлар билан ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги 1994 йил 5 майда қабул қилинган қонуннинг 1998 йил 28 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонуни билан тасдиқланган таҳририга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқланган.

Мамлакатимиздаги иқтисодий ночор корхоналарни банкротликка ўтказиш ва ундан чиқариш жараёнлари қонун қоидалари ва шарт-шароитлари айнан Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги қонун билан тартибга солинади.

2003 йил 24 апрелда №475 – II- сонли Ўзбекистон Республикаси қонунининг амалга киритиш тартиби ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуннинг амалга киритиш тартиби ҳақида.

Ўзбекстон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги қонуни 12 боб, 192 моддадан иборат бўлиб, ушбу қонуннинг мақсади «Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг банкротлиги соҳасидаги муносабатларини тартибга солишдан иборат»

«Банкротлик» тўғрисида»ги қонун бюджетдан таъминланадиган ташкилотларга нисбатан тадбиқ этилмайди. Агар Ўзбекистон Республикасининг Ҳалқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг

банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Банкротлик (иктисодий ночорлик) - бу хўжалик суди томонидан эътироф этилган, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини тўла ҳажмда бажаришга қодир эмаслигидир.

Қарздор- пул мажбуриятлари бўйича кредиторларнинг талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир бўлмаган юридик шах ёки якка тартибдаги тадбиркор.

Банкротлик аломатлари Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги қонуннинг 4 моддасида қуйидагича таъриф берилган.

«Қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир эмаслиги агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўловлар мажбурияти юзага келган кундан эътиборан 3 ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, унинг банкротлик аломатлари деб эътироф этилади.

Банкротлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш хўжалик суди томонидан амалга оширилади. Банкротлик тўғрисидаги иш банкротлик аломатлари мавжуд бўлган тақдирда агар қарздор юридик шахсга нисбатан жами талаблар энг кам иш ҳаққи миқдорини камида беш юз каррасини ташкил этадиган бўлса, қарздор якка тартибдаги тадбиркорга нисбатан эса энг кам иш ҳаққи миқдорини камида уттиз каррасини ташкил этадиган бўлса, хўжалик суди томонидан кўзатилиши мумкин, ушбу қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Пул мажбуриятларини бажарилганлиги натижасида қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳуқуқига қарздор, кредитор ва прокурор эга бўлади. Мажбурий тўловлар мажбуриятини бажарилмаганлиги натижасида қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судини мурожаат этиш ҳуқуқига қарздор, прокурор давлат солиқ хизмати органлари ва бошқа ваколатли органлар эга.

Қарздор, агар белгиланган муддатда пул мажбуриятларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслигидан далолат берувчи ҳолатлар мавжуд бўлса, ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат этишга ҳақли.

Қарздор юридик шахс қарздор муассисларнинг (иштирокчиларнинг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг қарори ёхуд қарздор мол-мулкининг эгаси томонидан вақил қилинган фаннинг қарори асосида ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза, агар ушбу қонунда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, хўжалик судига мурожаат этад.

Хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги иш юритиш учун қабул қилиб олган пайтдан эътиборан кредиторлар қарздори ўз

талабларини қоидаларини мақсадида якка тартибда мурожаат этишга ҳақли эмас.

Қарздорга нисбатан содир этиладиган ҳаражатларнинг ҳаммасини барча кредиторлар номидан йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси амалга оширади.

Кредиторлар, мажбурий тўловларга доир талаблар қисми бўйича эса давлат солиқ хизмати органлари ва бошқа ваколатли органлар кредиторлар йиғилишининг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган иштирокчилардир. Кредиторлар йиғилишида маслаҳат овози ҳуқуқи билан қарздор ходимларининг вақили, суд бошқарувчиси, қарздор муассасаларининг (иштирокчиларнинг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг вақили иштирок этади.

Кредиторлар йиғилишининг мутлоқ ваколатига қуйидаги қарорларни қабул қилиш киради:

- келишув битими тузиш тўғрисидаги қарор;
- кредиторлар қўмитаси аъзоларини сайлаш, унинг миқдорий таркибини белгилаш ва бундай қўмита аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида қарор;
- суд санациясини ёки ташқи бошқарувни жорий этиш ва уларнинг муддатини узайтириш тўғрисида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш ҳақидаги қарор;
- қарздорни банкрот деб топиш ҳақида тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақидаги қарор;
- суд санацияси режасини тасдиқлаш ҳамда қарзларни узиш жадвалини маъқуллаш тўғрисидаги қарор;
- ташқи бошқарув режасини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор.

Кредиторлар йиғилиши, агар унда қарздорнинг пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлари умумий суммасининг камида 2/3 қисми миқдорида талаблар билдирилаётган овоз бериш ҳуқуқи бор кредиторлар ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Кредиторлар йиғилишида баённома юритилади.

Кредиторлар йиғилиши баённомасига қуйидагилар илова қилиниши керак:

- кредиторлар йиғилиши ўтказилаётган санадаги ҳолатга кўра кредиторларнинг талаблари реестри;
- кредиторларнинг вакиллари ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- кредиторлар йиғилиши иштирокидаги танишиб чиқиш ва тасдиқлаш учун тақдим этилган материаллар;

- кредиторлар йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жой ҳақидаги кредиторлар ва ваколатли органлар тегишли равишда хабардор этилганлиги далиллари;

- овоз бериш бюллетенлари;

- суд бошқарувчисининг ихтиёрига кўра ёки кредиторлар йиғилиши қарорига биноан бошқа ҳужжатлар.

«Кредиторлар йиғилиши баённомаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар кредиторлар йиғилиши ўтказилган санадан эътиборан 2 кундан кечиктирилмай хўжалик судига топширилиши керак»¹.

Кредиторлар йиғилиши қуйидаги қарорларни барча кредитоларнинг кўпчилик овози билан қабул қилади:

- келишув битими тузиш тўғрисидаги қарор;

- суд санациясини ёки ташқи бошқарувни жорий этиш ва уларнинг муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома билан билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақидаги қарор;

- қарздорни банкрот деб топиш ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақидаги қарор;

- суд бошқарувчисининг тайинланиши, алмаштирилиши ёки вазифасидан озод қилиниши тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақидаги қарор.

Ҳар бир кредитор кредиторлар йиғилиши ўтказиладиган санадаги ҳолатга кўра умумий кредиторлик қарзидagi ўз улушига мутаносиб овозлар сонига эга бўлади.

Банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган шахслар кредиторлар йиғилишининг қарори устидан хўжалик судига шикоят беришга ҳақли.

Банкротлик аломатлари аниқланган тақдирда давлат солиқ хизмати органлари, давлат статистика органлари банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи ва унинг ҳудудий бошқармаларига устав фондида давлат улуши бўлган корхоналар ҳақида маълумотлар тақдим этишлари шунингдек банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг сўровига биноан корхоналарнинг иқтисодий қодирлиги тўғрисидаги бошқа маълумотларни тақдим этишлари шарт.

Қарздор юридик шахснинг банкротлиги тўғрисидаги иш кўриладиганда қуйидаги таъйинлар қўлланилади:

- кузатув;

- суд санацияси;

- келишув битими;

- ташқи бошқарув;

- тугатишга доир иш юритиш.

¹Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 3 октябрдаги ЎРҚ 300-сонли қонуни таҳририда – ЎРҚХТ, 2011й.,40-сон, 411-модда.

Қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг банкротлиги тўғрисидаги иш кўрилатганда қуйидаги таомиллар қўлланилади:

- келишув битими;
- тугатишга доир иш юритиш.

Суддан ташқари бажариладиган таомиллар судгача санация қилиш ёки қарздорни ихтиёрий равишда тугатиш (фаолятини тугатиш) бўлиши мумкин.

Банкротлик тўғрисидаги иш хўжалик судига мурожаат этиш ҳуқуқига эга бўлган шахснинг (органнинг) аризаси асосида қарздор жойлашган ердаги (яшаш жойидаги) хўжалик суди томонидан кўзғатилади.

Қарздорнинг банкротлик тўғрисидаги ишлар Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексида назарда тутилган қоидалар бўйича, Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги қонунида белгиланган ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

Банкротлик тўғрисидаги ишда қуйидагилар иштирок этувчи шахслар деб ҳисобланади:

- қарздор;
- суд бошқарувчиси;
- кредиторлар, улар томонидан қарздорга белгиланган тартибда талаблар тақдим этилган пайтдан эътиборан;
- банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи;
- банкротлик тўғрисидаги иш прокурорнинг аризаси асосида кўрилатган ҳолларда, прокурор.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда банкротлик тўғрисидаги ишда қарздорнинг ходимлари вакили, қарздорнинг муассислари (иштирокчилари) вакили ёки қарздорнинг мол-мулки эгаси, қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг вакили, кредиторлар йиғилиши (кредиторлар қумитаси) вакили ва бошқа шахслар иштирок этишлари мумкин.

Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш ва банкротлик тўғрисидаги ишни кўзғатиш ёки аризани қабул қилишни рад этиш ёхуд қайтариш тўғрисидаги масалани судья ариза тушган пайтдан эътиборан беш кундан кечиктирмай ҳал этади.

Молиявий ресурсларни тўлдиришнинг навбатдаги манбаси бўлиб амортизация фонди ҳисобланади. Амортизация сиёсати корхонага кўшимча молиявий ресурсларни оширишга ёрдам беради. Агар жамғарилган амортизация фонди айланма сармоя сифатида фойдаланилса, эскирган сармоя қиймати бўйича қопланиб, аслида эса қопланмаслиги ҳам мумкин. Бу шундан далолат бериб турибдики, молиялаш муаммоси нафақат молиялаш манбаларини қидириб топишдан, балки иқтисодиётнинг реал секторига тўғридан-тўғри инвестициялар молиявий манбаларидан мақсадсиз фойдаланиш амалиётига барҳам беришдан иборат.

Асосий фондларни янгилаш манбаларининг мавжуд эмаслиги кредитлар бўйича фоизларнинг юқори ставкалари билан мураккаблашади, шунинг учун ушбу турдаги молиявий ресурслар ҳисобидан янги жиҳозни харид қилиш кўп ҳолларда иқтисодий жиҳатдан фойдасиз бўлиб чиқади.

Шу муносабат билан аксарият саноат корхоналарида молиявий дастак қарз маблағларидан фойдаланган ҳолда фойдани ва ўз рентабеллигини ошириш имконияти)дан фойдаланиш имконияти қисқарган. Молиявий дастак самараси кредит учун тўловга қараганда кўпроқ миқдордаги фойдани олиш мақсадида қарз маблағла-рини жалб қилиш натижасида намоён бўлади. Умуман олганда, молиявий дастакка қарз маблағларининг корхона даромадлилигига ҳар қандай таъсири, шу жумладан салбий таъсири ҳам киради. Шунинг учун ушбу молиявий омилдан фойдаланиш фақат мамлакат банк тизимидаги вазият барқарорлашган шароитда фойдали бўлиши мумкин.

Саноат корхоналари учун катта миқдордаги молиявий ресурслар ўз қимматли қоғозларини молиявий бозорга жойлаштириш орқали олиниши мумкин. Жойлаштириш узоқ муддатли ҳам, қисқа муддатли ҳам бўлиши мумкин. Узоқ муддатли молиялаш деганда бошқа корхоналар (АЖ, қўшма ва шўъба корхоналар)нинг устав фондига улушлар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни харид қилиш, қарз бериш, яъни муддати бир йилдан ортиқ бўлган ҳар хил молиявий қўйилмалар назарда тутилади. Қисқа муддатли қўйилмалар шакллари бўлиб эса қуйидагилар ҳисобланади: қисқа муддатли ғазначилик мажбуриятлари, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар, қарзлар, тижорат кредитлари.

Қимматли қоғозлар эмиссияси кредит шаклига қараганда катта миқдордаги молиявий ресурсларни жалб қилиш имконини беради. Қимматли қоғозларни чиқариш ва уларнинг муомалада бўлиши вақтинча бўш турган пул маблағларини корхона айланмасига жалб қилиш имкониятини сезиларли даражада кенгайтиради. Қимматли қоғозларни сотишдан олинган маблағлар, кредит ресурсларидан фарқли ўлароқ, анча арзон ва улардан инвестициялар (корхонани таш-кил этиш, қайта тиклаш ёки кенгайтиришдаги капитал қўйилмалар) учун фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Молиявий омил сифатида инвестицион лойиҳаларни жорий этишни ҳам келтириш мумкин. Лойиҳавий молиялашни инвестиция лойиҳасининг менежменти билан боғлиқ чора-тадбирлар мажмуи сифатида тавсифлаш мумкин. Ҳозирги шароитда лойиҳавий молиялаш технологиясидан фойдаланишда шуни ҳисобга олиш лозимки, аксарият саноат корхоналари пассивида катта миқдордаги кредиторлик қарзларининг мавжудлиги ва ўз эҳтиёжларини молиялаш учун маблағларнинг етишмаслиги каби салбий ҳолатлар билан ажралиб туради.

Иқтисодий ночор корхоналарни банкротлигини олдини олиш ёки банкротликдан чиқариш мақсадида, шунингдек иқтисодий ночор

корхоналарни тугатиш жараёнини тезлаштириш, вақтинча иқтисодий кийинчиликка дуч келган, бироқ молия-хўжалик фаолиятини соғломлаштириш учун ҳақиқий имкониятга эга бўлган корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳукумат комиссияси тузилган.

Кузатув жараёнида қарздор, қарздор муассислари (иштирокчилари) ёки қарздор мол-мулкнинг эгаси, шунингдек учинчи шахс суд санациясини жорий этиш тўғрисидаги илтимоснома билан кредиторларнинг биринчи йиғилишига ёхуд суд санациясини жорий этиш ҳақидаги илтимоснома билан бевосита хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

Қарздорнинг суд санациясини жорий этиш ҳақидаги илтимосномасига суд санациясининг таклиф қилинаётган муддати ва қарзини узиш жадвали курсатилган ҳолда қарздорнинг суд санациясини режаси илова қилиниши керак.

Суд санациясини жорий этиш ҳақида хўжалик судига мурожаат этиш тўғрисидаги илтимоснома билан кредиторлар йиғилишига мурожаат қилган шахслар мазкур илтимосномани ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни кредиторларга, бу ҳужжатлар билан танишиш имкониятини бериш мақсадида кредиторлар йиғилиши ўтказиладиган санага камида икки ҳафта қолганда муваккат бошқарувига тақдим қилишлари шарт.

Суд санацияси хўжалик суди томонидан кредиторлар йиғилишининг қарори асосида жорий этилади.

Хўжалик судининг суд санациясини жорий этиш тўғрисидаги ажримда суд санациясининг муддати курсатилиши, унда хўжалик суди томонидан тасдиқланган қарзни узиш жадвали, мажбуриятларини бажариш таъминотини берган шахслар ҳақидаги, бундай таъминотнинг миқдори ва шакллари, санация қилувчи бошқарувчини тайинлаш ва унга тулнадиган ҳақ миқдори ҳақидаги маълумотлар бўлиши керак бўлади,

Суд санацияси қупи билан 24 (йигирма тўрт) ойлик муддатга жорий этилади, бу муддат мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахслар кредиторларнинг талабларини қондириши учун хўжалик суди томонидан қупи билан 6 (олти) ойга узайтирилиши мумкин.

Суд санацияси ўтказиляётганда қарздорнинг бошқарув органлари уз ваколатларини ушбу бобда белгиланган чекловлар билан амалга оширадилар.

Суд санацияси жорий этилган пайтда:

-кредиторларнинг талабларини таъминлаш юзасидан илгари қабул қилинган чоралар бекор қилинади;

-қарздорнинг мол-мулкни хатлаш ва қарздорга нисбатан унинг узига тегишли мол-мулкни тасарруф этиш борасида ваколатларини бошқача тарзда чекловлар фақат банкротлик таомили доирасида жорий этилиши мумкин;

-суд санацияси пайтида юзага келган қуп мажбуриятларини ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятни бажарганлик ёки лозим даражада

бажармаганлик учун неустойка (жарима, пеня) ва бошка иқтисодий (молиявий) санкциялар туланиши лозим буладиган фоизлар қўлланилмайди.

Қарзни узиш жадвалига мувофиқ кондирилиши лозим бўлган пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар буйича кредиторнинг талаблари суммасига Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 307-моддасида назарда тутилган тартибда ва миқдорда фоизлар ҳисобланади. Бу фоизлар судсанациясинижорий этиш ҳақида хўжалик суди ажрим чиқарган пайтдан эътиборан ва кредиторнинг талабини қаноатлантириш пайтигача, агар бундай қаноатлантириш рўй бермаса, қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритиш ни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилиш пайтигача кредиторнинг талаблари суммасига қўшиб ёзилиши лозим.

Кредиторлар йиғилишининг, мажбуриятларининг бажариш таъминотини берган шахсларнинг ёки санкция қилувчи бошқарувчининг қарздорнинг раҳбари суд санацияси режасини бажарилганлиги ёхуд лозим даражада бажармаганлиги ҳақидаги ёки қарздорнинг раҳбари қарздорнинг, кредиторларнинг мажбуриятларини бузадиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этганлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган илтимосномасига биноан хўжалик суди қарздорнинг раҳбарини вазифасини бажаришдан четлаштиришга ҳақли. Бундай ҳолларда хўжалик суди қарздорнинг раҳбари вазифасини ижро этишни санкция қилувчи бошқарувчининг зиммасига юклашга ҳақли. Хўжалик суди қарздорнинг раҳбарини вазифасини бажаришдан четлаштириш тўғрисида ажрим чиқаради, бу ажрим устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

Қарздорнинг муассислари (иштирокчилари) ёки қарздор мол-мулкнинг эгаси кредиторлар йиғилишининг ёхуд кредиторлар қўмитасининг розилигисиз қарздорни қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, булиш, ажратиш чиқариш, узгартириш) ва тугатиш ҳақида қарор қабул қилишга, қарздор эса қуйидаги битимларни тузишга ҳақли эмас;

-кучмас мол-мулкни ижарага бериш, мазкур мол-мулкни хўжалик ширкатлари ҳамда маъсулияти чекланган жамиятларнинг устав фондига (устав капиталига) улуш сифатида қўйиш ёки бундай мол-мулкни бошқача тарзда тасарруф этиш билан боғлиқ битимлар;

-қарздорнинг баланс қиймати қарздор активлари баланс қийматининг ун фоиздан ортигини ташкил этувчи мол-мулкни тасарруф этиш билан боғлиқ битимлар;

-заёмлар (кредитлар) олиш ва бериш, кафиллик ва кафолатлар бериш, талаб қилиш ҳуқуқларидан ўзганинг фойдасига ўз кечиш, қарзни бошқа шахсга ўтказиш, шунингдек қарздорнинг мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасини тузиш билан боғлиқ битимлар;

-агар муайян битимларни тузишдан санация қилувчи бошқарувчи ёки кредиторлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда манфаатдор буладиган бўлса, айнан анна шундай битимлар;

Санация килувчи бошқарувчи ва кредиторлар қарздорнинг битимларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Санация килувчи бошқарувчининг қарздор кредиторлар йиғилиши ёки мажбуриятларини бажариш таъминотини берган шахслар томонидан хўжалик судига такдим этилади.

Суд санациясининг белгиланган муддати тугашига камида ун беш кун қолганида қарздорнинг раҳбари ўтказилган суд санацияси натижалари тўғрисида хўжалик судига ҳисобот тқдим этиши шарт. Мазкур ҳисоботга қарздорнинг суннги санадаги ҳолатга кўра бухгалтерия баланси, қарздорнинг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисобот, қаноатлантирилган талаблар миқдори ва мазкур қаноатлантиришни тасдиқловчи ҳужжатлар курсатилган ҳолда кредиторларнинг талаблари реестри, санация килувчи бошқарувчининг қарздор раҳбари ҳисоботи буйича ҳулосаси, талаблари қаноатлантирилмаган кредиторларнинг шикоятлари илова қилиниши лозим. Қарздор раҳбарининг ўтказилган суд санацияси натижалари тўғрисидаги ҳисоботи ва кредиторларнинг шикоятлари хўжалик суди томонидан мажлисда қуриб чиқилади.

Санация килувчи бошқарувчи талаблари қарзни узиш жадвалига киритилган барча кредиторларни қарздор раҳбарининг ўтказилган суд санацияси натижалари ҳақидаги ҳисоботини қуриб чиқувчи суд мажлисининг санаси, вақти ва жойи тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хабардор қилиш шарт.

Қарздор раҳбарининг ўтказилган суд санацияси натижалари ҳақидаги ҳисоботини, шунингдек кредиторларнинг шикоятларини кўриб чиқиш яқунлари асосида хўжалик суди:

-агар узилмаган қарз қолмаганлиги аниқланган, кредиторларнинг шикоятлари эса асоссиз деб топилган бўлса, қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлайди ва банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тўхтатиш тўғрисида ажрим чиқаради;

-Агар узилмаган қарз борлиги аниқланган ва кредиторларнинг шикоятлари асосли деб топилган бўлса, қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлашни рад этади.

Хўжалик суди қарздорни раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлашни рад этган тақдирда ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисида ажрим ёки қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор чиқаради.

Агар қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашнинг ҳақиқий имконияти аниқланган бўлса, ташқи бошқарув кредиторлар йиғилишининг илтимосномаси, мол-мулкида давлат улуши бўлган корхоналар буйича эсаа банкротлик тўғрисидаги ишлар буйича давлат органининг аризасиасосида хўжалик суди томонидан жорий этилади.

Хўжалик судининг ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисидаги ажрим ижро этилиши керак ва бу ажрим устидан қонун ҳужжатларида белгиланган муддатда шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

Ташқи бошқарув 12 (ун икки) ойдан 24 (йигирма тўрт) ойгача муддатга жорий этилади. Суд санкцияси ва ташқи бошқарувининг жаъми муддати 36 (уттиз олти) ойдан ошмаслиги лозим.

Ташқи бошқарув учун белгиланган муддат кредиторлар йиғилишининг илтимосномасига, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг қарорига ёки ташқи бошқарувчининг аризасига биноан хўжалик суди томонидан қисқартирилиши ёки узайтирилиши мумкин.

Ташқи бошқарув жорий этилган пайтдан эътиборан;

-қарздорнинг раҳбари уз вазифасини бажаришдан четлаштирилади, қарздорнинг ишларини бошқариш ташқи бошқарувчи зиммасига юклатилади. Ташқи бошқарувчи қарздорнинг раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиниши ёки мазкур раҳбарни бошқа ишга ўтказиш тўғрисида буйруқ чиқариш шарт;

-қарздорнинг бошқарув органлари ваколатлари тугатилади. қарздорнинг раҳбари ва қарздорнинг бошқарув органлари ваколатлари ташқи бошқарувига ўтади, ушбу қонунга мувофиқ («Банкротлик тўғрисида»ги қонун) бошқа шахсларга (органларга) ўтадиган ваколатлар бундан мустасно. Қарздорнинг бошқарув органлари ташқи бошқарувчи тайинланган пайтдан эътиборан уч иш куни ичида қарздорнинг бухгалтерия ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлари, муҳрлари ва штамплари, моддий ва бошқа қимматликлари ташқи бошқарувчига топширилиши шарт;

-кредиторларнинг талабларини таъминлаш юзасидан илгари қўйилган чора-тадбирлар бекор қилинади;

-қарздорнинг мол-мулкни хатлаш ва қарздорга нисбатан унинг ўзига тегишли мол-мулкни тасарруф этиш борасидаги ваколатларини бошқача тарзда чекловлар фақат банкротлик таомили доирасида қўлланиши мумкин;

-қарздорнинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлари юзасидан кредиторлар талабларининг қондирилиши нисбатан мораторий жорий этилади.

Ташқи бошқарув тугаганидан кейин пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлар бўйича кредиторларга қарздор тўлаши шарт бўлган неустойка (жарима, пеня), шунингдек етказилган зарар суммалари ташқи бошқарувни жорий этиш пайтидаги мавжуд миқдорларда тўлаш учун тақдим этилиши мумкин.

Кредиторларнинг талабларини қондиришга нисбатан мораторий ташқи бошқарув жорий этилгунга қадар бажарилиши муддати келган пул мажбуриятларига ва (ёки) мажбурий тўловларга тадбиқ этилади, қарздорга нисбатан кузатув ва санация жорий этилганидан кейин юзага келган пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бундан мустасно.

Ташқи бошқарувни жорий қилиш ҳақида ҳўжалик судига илтимоснома билан мурожаат этиш тўғрисида қарор қабул қилган кредиторлар йиғилиши ташқи бошқарувчиликка номзодни маъқуллайди.

Ташқи бошқарувчиликка номзод кредиторлар йиғилишига ҳар қандай кредитор томонидан ёки банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи томонидан таклиф этилиши мумкин.

Қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш чора-тадбирлари.

Ташқи бошқарув режасида қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш юзасидан қуйидаги чора-тадбирлар назарда тутилади:

- Ишлаб чиқаришни қайта ихтисослаштириш;
- Норентабел ишлаб чиқаришни ёпиш;
- Дебиторлик қарзларини ундириш;
- Қарздорнинг талабидан ўзганинг фойдасига воз кечиш;
- Учинчи шахсларнинг қарздорнинг мажбуриятларини бажариши;
- Қарздорнинг қўшимча акцияларини жойлаштириш;
- Қарздорнинг корхонасини (бизнесини) мулкый мажмуа сифатида сотиш;
- Қарздорнинг активларини ўрнини алмаштириш.

Хулоса қилиб айтганда, бозор муносабатлари шароитида банкротликнинг вужудга келиш сабаблари ва унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари серқирра бўлиб, уларни тартибга солишда банкротлик механизми-нинг оқилона шакл ва меъёрларининг амалиётга жорий этилиши мамлакатда иқтисо-дий мувозанатни таъминлабгина қолмай, балки жамиятнинг тараққий этишига ва аҳолининг турмуш даражасини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

III боб. Вилоятдаги иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини маркетинг стратегиялари асосида соғломлаштириш.

3.1. Саноат корхоналарида самарали фаолиятни йўлга қўйиш йўналишлари.

Бозор иқтисодиёти шароитида режалаштитриш асосан фирма ва компания фаолиятини ўз ичига олади, умуммиллий (давлат), соҳалар ва регионлар даражасида эса уларни истиқбол кўрсаткичларини аниқлашда қўлланилади.

Режалаштириш мақсади-тадбиркорлик фаолиятини олиб боришда хавф-хатарни камайтириш ва уни аниқ бизнес режа асосида юритишни йўлга қўйиш. Режалаштириш вазифалари бўлиб: атроф-муҳит

омилларини ва бозор конъюктурасини ўрганиш, ички муҳитни таҳлил қилиш, фирма келажаги истиқболларини таҳлил қилиш, бўлажак хавф-хатарни ўрганиш, ривожланиш концепциясини ва стратегиясини иқтисодий асослаш, бизнес режасини тузиш, ишлаб чиқаришни шакллантириш ва моддий ресурс таъминотини аниқлаш, молиявий натижаларни ҳисоб китоби, молиявий ресурслар манбаларини аниқлаш, харажатлар ва натижаларни назорат қилиш, тадбирларни ишлаб чиқиш.

Маркетинг стратегияси – фирманинг мақсадли бозордаги маркетинг фаолиятини ифодаловчи бош дастури бўлиб, унинг узоқ муддатга мўлжалланган маркетинг комплекси (маркетинг МИКС) ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали кўзланган мақсадига эришиш жараёнларини ўз ичига олади. Бозордаги ҳар бир сегмент учун алоҳида товар, баҳо, тарқатиш, сотиш ва коммуникация сиёсатларини аниқланади. Маркетинг стратегиясида фирма қайси маҳсулот (хизмат) билан, қайси бозорга, қачон кириши кераклиги белгиланади. Шунинг учун маркетинг стратегияси, фирманинг ўз имкониятларидан фойдаланиб, атроф муҳит (бозор, макроомиллар ва бошқалар) шароитида мақсадига эришиш йўллари аниқлайди.

Саноат корхоналарида самарали фаолиятни йўлга қўйиш, кўзланган мақсад- фойдага эришиш учун, саноат корхонасида бозор талабларига мос ва хос ишлаб чиқаришни ёки хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш, бозорда катта улушга мавқега эга бўлиш учун ҳар бир саноат корхонаси мавжуд шароит, имкониятлар, мақсад ва ресурслар манбаларини ҳисобга оладиган индивидуал ишлаш услубига эга бўлиши лозим.

Саноат корхоналари ўзларини узоққа мўлжалланган стратегияларини ишлаб чиқишда юқорида кўрсатилаган ҳолатларни ҳисобга олишлари керак. Бу эса ўз навбатида тез-тез ўзгариб турадиган бозор шароитида олдинни, келажакни кўра билишни тامينлайди.

Саноат корхонасида стратегияни режалаштиришда маркетинг муҳим роль ўйнайди, чунки у стратегияни режалаштириш учун қарқинчан маълумотлар билан тامينлайди. Ўз навбатида эса стратегик режалаштириш ташкилот маркетингида катта роль ўйнайди, мисол учун маркетинг хизмати стратегик режалаштиришни ишлаб чиқарадиган бўлимлари билан фирманинг стратегик мақсади учун биргаликда иш олиб боради. Маълум сабабларга кўра ҳозирги вақтда саноат корхоналари комплекс стратегик режалаштиришни ишлаб чиқиш имкониятига эга эмаслар, шунинг учун улар бизнес режани ишлаб чиқиш билан чегараланмоқдалар.

Ривожланган давлатлар йирик саноат компанияларининг тажрибасига кўра, корхонанинг ташкил топиш босқичларидаёқ унинг ўзига хос хусусиятлари асосий фаолият йўналишига қараб миссия ва стратегик мақсадни ишлаб чиқиш лозим. У нафақат миллий бозорда,

балки жаҳон бозорида ҳам реал муваффақият воситаларини ўзида жамлаштириши лозим.

Саноат корхонасида истиқболини ривожлантириш, келажакни олдиндан кўра билиш стратегик режалаштиришга боғлиқ бўлиб, стратегик режалаштириш ташкилотнинг глобал, узоққа мўлжалланган мақсадларини ва уни амалга ошириш механизмини ўзида мужассамлаштиради.

Вақтга боғлиқ ҳолда, стратегик режа узоқ муддатли (йиллик) ёки қисқа муддатли (саноат корхонасининг жорий фаолияти билан боғлиқ ҳолда) бўлади.

Саноат корхонасининг қисқа муддатли режаси жорий шароитни, корхонанинг мақсадини, унинг келаси йилги стратегиясини, бюджет ва бошқариш усуллариини ўз ичига олади.

Узоқ муддатли саноат корхонаси режасида корхонага келгуси бир неча йилдан кейин таъсир қилиши мумкин бўлган ички ва ташқи омилларни баҳолаш ётади.

Узоқ муддатли режаси асосида узоқ муддатли мақсад, зарур ресурслар ва режани амалга ошириш учун керак бўладиган маркетинг стратегиясини ишлаб чиқаради.

Саноат корхоналарида узоқ муддатли режасини албатта вақти-вақти билан янгидан кўриб турилиши керак.

Корхоналарни истиқболини белгилаш учун ушбу саноат корхоналари ўзгарувчан муҳитдан ўзларига тегишли, нафли жиҳатдан фойдаланиш учун стратегияларини ишлаб чиқишлари лозим. Бунда бир томондан, корхонанинг имкониятлари ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда жараёни жойлаштириш бўлса, бошқа томондан бозор конъюктурасининг ўзгаришидан келиб чиққан ҳолда жараёни жойлаштиришдир.

Саноат корхоналарини истиқболини аниқлаш, улар фаолиятини самарали йўлга қўйиш учун ушбу корхоналарнинг кучли ва кучсиз томонларини таҳлил қилиш зарур.

Саноат корхоналари танлаган стратегияларимаркетинг режаларидан келиб чиққан ҳолда ўз ичига қуйидагиларни олиши керак: миссия, стратегик императивлар (асосий мақсадлар), стратегик аудит: SWOT – таҳлил, бизнес режа таҳлили, мақсадни ва стратегияни йўлга қўйиш (келтирилган стратегияларни шакллантириш).

Миссия асосида саноат корхонасининг асосий мақсадлари аниқланади. Саноат корхонасининг янги маҳсулотларни қандай эгаллашига қараб унинг асосий мақсадларидан фарқли ўлароқ миссия ўзгараверади.

Самарали фаолият олиб боришнинг муҳим йўлларида бири стратегик маркетинг аудитини ўтказишдир. Маркетинг аудити ички ва ташқи аудитдан иборат.

Стратегик аудитнинг натижасида кўплаб ҳар хил босқичдаги муҳим ва ишончли маълумотлар тўпланади.

Тўпланган маълумотларни қайта ишлаб чиқиш SWOT – таҳлил чегарасида олиб борилади.

Саноат корхоналарида SWOT – таҳлилни муваффақиятнинг калити бўлиб ҳисобланган омилларни, яъни рақобатчиларга нисбатан корхонанинг кучли ва кучсиз томонларини, қулайликлари ва тадқиқларини ўрганиш билан олиб борилади.

Умуман олганда, саноат корхоналарида самарали фаолият олиб бориш учун энг аввало, ушбу саноат корхонасини бизнес режаси билан бир каторда маркетинг режасини, стратегик ва тактик режасини тузиб олиш лозим. Аввало мақсадни тўғри танлаш ва қўйиш, корхона эгаллаши мумкин бўлган бозорни ўрганиш, сегментни танлаш ва уларни жалб қилиш йўллари, стратегиясини аниқлаш, маркетинг стратегияларидан унумли фойдаланиш, рақиблар фаолиятини ўрганиш, уларнинг жорий қилган стратегияларидан корхонага мос келадиган, керакли ва фойдали стратегияларидан фойдаланиш, бенчмаркинг сиёсатини қўллаш, рақобат муҳитини ўрганиш, маркетинг муҳитини жорий қилиш, маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, мақсадли сегментни танлаш, товар стратегиясини олиб бориш, яъни товар ассортименти, товар номенклатураси, фойдалилиги, дизайни, ўрамаси, баҳо ва нарх стратегиясини тўғри олиб бориш (Паст нарх – “Ёриб кириш стратегияси”, юқори нарх - “Қаймоғини олиш стратегияси”), товар ҳаракати, яъни логистикасини олдиндан аниқлаб олиш, маркетинг коммуникацияларидан, интернет, телевидения, радио, газета ва журналлардан фойдаланиш, товар рекламасини ва корхона брендини тўғри танлаш, маркетинг маданиятидан фойдаланиш, харидорларга қўшимча хизматлар кўрсатиш орқали самарали фаолият олиб бориш, кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Энг аввало ишлаб чиқараётган маҳсулот (хизмат)ни ким учун, қанча миқдорда ва қачон ишлаб чиқаришни аниқлаб олиш керак. Буни эса корхонанинг маркетинг фаолияти аниқлаб беради.

2005 йилнинг 14 апрелида Адлия Вазирлигида рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари Қўмитаси “Корхонларнинг молиявий – иқтисодий аҳволи мониторинги ва таҳлил қилиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги 1469-сон низомига асосан корхоналарнинг бошқа инқирозий ҳолатлари аниқланади.

Паст рентабелли корхона ва ташкилотлар – юқорида бериб ўтилган “Корхоналарнинг молиявий – иқтисодий аҳволи мониторинги ва таҳлил қилиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги” Низомига асосан харажатларнинг рентабеллик коэффициенти 0.05 дан паст қийматга эга бўлган корхона ва ташкилотлар (монополист корхоналардан ташқари);

Тўлов қобилиятига эга бўлмаган корхона ва ташкилотлар - “Корхоналарнинг молиявий – иқтисодий аҳволи мониторинги ва таҳлил қилиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги” Низомига асосан тўловга қобиллик коэффиценти ҳисобот даври сўнгида 1,25 дан паст қийматга эга бўлса, корхона тўлов қобилиятига эга бўлмаган корхона ва ташкилотлар;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари Қўмитасининг 1997 йилдан бошлаб олиб борган таҳлиллари натижаларидан келиб чиқиб корхона ва ташкилотларнинг инқирозга тушишининг асосий сабабларини қуйидагича гуруҳларга бўлиш мумкин:

- Корхона ва ташкилотларда бошқарув ёки бошқарув босқичларнинг тўғри йўлга қўйилмаганлиги корхоналар иқтисодий ночор бўлишига ва ўз фаолиятларини зарар билан яқунлашига сабаб бўлмоқда.

Иқтисодий ночор ва ўз фаолиятларини зарар билан тугаллаган корхоналарнинг бу ҳолатларга тушиш сабабларини ўрганганимизда, қарийб 80% ида бевосита бошқарувнинг тўғри йўлга қўйилмаганлиги кўрилди. Яъни бозор талабини ўрганмасдан (маркетингга умуман эътибор бермасдан) фақат ишлаб чиқаришга эътиборни кўчайтирганлар, бунинг натижасида ишлаб чиқарган маҳсулотларини ёки зарарга сотишган ёки умуман сотаолишмаган;

Ҳозирги кунда жуда кўп корхоналарда асосий масалалардан бири корхоналар ўз бозорларини йўқотиб бормоқда. Чунки бизнинг жуда кўп корхоналар раҳбариятининг ва бошқарув аппаратининг тушунчалари эскича сақланиб қолишидир.

Хўжалик юритувчи субъектларининг «фойда» ёки «даромад» каби молиявий натижаларга эга бўлиши, уларнинг иқтисодий фаолиятидаги энг асосий кўрсаткич ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичнинг ижобий бўлиши, биринчидан, корхонанинг кенгайтирилган ишлаб чиқаришни таъминловчи асосий молиявий манбаи бўлса, иккинчидан, ишчи ва хизматчиларнинг ижтимоий-маданий тадбирларини молиялаштиришда марказий ўринни эгаллайди ва ниҳоят, учинчидан, республика ва маҳаллий бюджетлар даромадларининг молиявий манбалар билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Корхоналар молиявий натижасининг ҳажмига (кўп ёки оз) қараб юқорида зикр этилган кўрсаткичларни ўз вақтида ва тўлиқлигича молиялаштириш имконияти вужудга кела бошлайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида даромад (фойда) олиш динамикаси корхонанинг фаолияти ва тадбиркорлигига боғлиқ бўлган бошқа бир нечта бевосита ва билвосита омиллар таъсир кўрсатади. Уларнинг қўлами хилма-хил бўлганлиги учун фақатгина асосийларини изохлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, даромад (фойда) иқтисодий самарасини оширишда корхонага боғлиқ бўлган омиллар таркибига қуйидагилар киради:

- хўжалик юритишда бошқарув масаласини ташқил этиш;
- мулкчилик шакли;

- корхона раҳбарининг илмий салоҳияти, малакавий тажрибаси;
- реализация қилинаётган товарларнинг рақобатбардошлиги;
- ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш ҳамда уларнинг унумдорлигини таъминлаш;

- ички ишлаб чиқариш ҳолати, режалаштириш ва тижорат ҳисоб-китобларининг самарадорлиги ва баҳолар.

Корхона фойда динамикасига қисман таъсир кўрсатадиган омиллар қаторига:

- нарх сиёсати;

- иш ва хизматчилар иш ҳақининг ўзгариши киради.

Ушбу кўрсаткичлар корхонада тўғри ва оқилона ташкил этилса, даромад (фойда) олиш ёки юксак молиявий натижага эришиш гарови бўлади. Иқтисодий эркинлаштириш ва тузилмавий ўзгаришлар шароитида корхона фаолияти ёки хатти-ҳаракатидан қатъи назар, даромад (фойда) динамикасини оширишда корхона ўз таъсирини ўтказа олмайдиган омиллар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг таркибига қуйидагилар киради:

- бозор конъюнктураси;

- истеъмол қилаётган хом ашёнинг нарх-навоси;

- асосий воситаларга белгиланаётган амортизация меъёри.

Хусусан, саноат корхоналари молиявий барқарорлигига назарий ёндашувлар асосида қаралганда корхонанинг ҳисоб-китоб кўрсаткичлари ва коэффициентларининг таҳлили корхона активларининг таркиби, улардан фойдаланиш сифати ва молиялаш усуллари ўрганишга қаратилган бўлиб, бу компаниянинг тўлов қобилиятини, нобарқарор муҳитда унинг ликвидлилиги ва барқарорлигини баҳолаш имконини беради. Таҳлил натижаларига таяниб, сармоядорлар, кредиторлар ва компания раҳбарияти иқтисодий вазиятнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаши, самарали диагностик тадбирларни ишлаб чиқилиши мумкин.

Ҳисоб-китоб коэффициентлари тизимини шакллантириш ва уларнинг мазмунини аниқлаш корхонанинг молиявий ресурслари, уларни олиш манбалари, таркибидаги ва фойдаланишдаги ўзгаришлар билан боғлиқ. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда молия ресурсларининг таркиби корхонанинг ўзининг ва қарз маблағларининг ўзаро нисбатида намоён этилган бўлиб, улар ўз навбатида акциялар эмиссия қилиш, асосий фаолиятдан олинадиган пул маблағлари, шу жумладан соф фойда, амортизация ҳамда мо-лия бозоридан олинадиган кредитлар ҳисобидан шаклланади. Шундай қилиб, молиявий ресурслар иқтисодий нуқтаи назардан ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлашнинг асосий манбалари ва воситалари сифатида иштирок этади. Корхонанинг иқтисодий фаолиятидаги омиллар ҳақида гап кетганда шуни таъкидлаш лозимки, улар ишлаб чиқариш фаолиятининг асосий ресурслари сифатида ҳам, унинг натижасига таъсир кўрсатувчи ҳаракатлантирувчи кучлар сифатида ҳам иштирок этади. Бошқача айтганда, ўзининг иқтисодий мазмунига кўра

асосий манбалар, таъминот воситалари, омиллар ва молиявий ресурслар бир-бирига ўхшаш ролларни ўйнайди, шу сабабли молиявий омиллар тизимини молиявий ресурслар ва улар манбаларининг йиғиндиси сифатида кўриб чиқамиз.

Молиявий омиллар, биринчи галда, ишлаб чиқариш функциясини бажаради. Бу молиявий ресурсларни доимий равишда кўпайтиришдан иборат бўлиб, корхонанинг соф фойдасини кўпайтиришга, унинг рентабеллигини оширишга кўмаклашади. Шунингдек ўз сармояси таркибида тизимни ҳосил қилувчи омил сифатида устав сармояси, қўшимча ва захира сармоя, тақсимланмаган фойда ва бошқа захиралар ҳисобга олинади. Ҳозирги шароитда устав сармояси молиявий ресурсларнинг бутун йиғиндиси таркибида ҳам, ўз маблағлари таркибида ҳам кичик салмоққа эга. Бундан ташқари, янгидан ташқил этилган акциядорлик жамиятларининг акциялари одатда унчалик жозибали бўлмайди.

Қўшимча сармоя устав сармоясидан кейин корхона ўз маблағларининг иккинчи йирик пўл фонди ҳисобланиб, у асосий фондларни қайта баҳолаш натижасида ҳамда эмиссия даромади ва беғараз олинган мол-мулк ҳисобидан шаклланади.

Асосий фондларни қайта баҳолаш натижаси сифатида қўшимча сармоя иқтисодиётдаги инфляция жараёнларини акс эттиради. Эмиссия даромади жойлаштирилган акциялар (қўйилган сармоя) бозор нархининг уларнинг номинал нархидан (уларни сотиш ҳаражатлари чегирма қилинган ҳолда) ортишини кўрсатади. Устав сармояси ва эмиссия даромадининг суммаси қўйилган сармоянинг бутун суммасини акс эттиради.

Демак, қўшимча сармоя, агар у эмиссия даромади нуқтаи назаридан кўриб чиқилса, саноат корхоналар молиявий аҳволини яхшилаш манбаси ҳисобланади.

Молия ресурсларининг навбатдаги манбаси — бу жадал ривожланаётган корхона маблағларининг асосий манбаси ҳисобланган фойда. Балансда у «ҳисобот йилининг фойдаси» ва «ўтган йилларнинг ишлатилмаган фойдаси» сифатида, шунингдек фойда ҳисобидан ташқил этилган фондлар ва захиралар сифатида қатнашади. Айниқса, саноат корхоналарининг инқироздан чиқишида, ривожланиш асосан ўз ресурслари ҳисобидан таъминланган шароитда фойданинг жамғармалар манбаси сифатидаги роли ортади. Жамғармаларни шакллантириш, тегишли фондларни ташқил этиш ва тўлдириш фойдани тақсимлашнинг мақсадли функцияси ҳисобланади (1-расм).

1-РАСМ

Саноат корхонаси молиявий барқарорлигини аниқлаш омиллари



Бундай шароитда инкироздан чиқишнинг энг қулай шакли куйидагича: бош корхонадан балансга юк бўлиб турган кераксиз активларни сотиш орқали барча қарзлардан тозаланган янги корхона (масалан, ижтимоий соҳа корхоналари, кўчмас мулк объектлари ва ҳ. к.) тузилади ва унга барча зарур активлар ўтказилади. Банкларнинг (товар ва пул) кредитлари ва сармоядорларнинг (пул ёки натурал ифодадаги) бадаллари ҳам шу ерда жамланади. Мазкур корхонада ташқи кредиторлар ва сармоядорларни жалб қилган ҳолда инвестиция лойиҳалари амалга оширилади.

Юқорида келтирилган таҳлиллар куйидаги асосий хулосаларни чиқариш имконини беради:

* Молиявий омиллар — бу молиявий ресурслар ва улар манбаларининг йиғиндиси бўлиб, уларни самарали ташкил қилиш фойдани, рентабелликни, сармоянинг ва умуман корхонанинг қийматини ошириш йўли билан барқарорликка таъсир кўрсатади.

* Ҳозирги шароитда саноат корхоналари молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омиллар тизими корхона мақсадлари ва вазифаларини амалга оширишга кўмаклашган ҳолда молиявий ресурсларни такрор ишлаб чиқариш ва кўпайтиришга ёрдам бериши керак.

* Молиявий омилларнинг самарали тизimini ташкил этиш (2-расм) саноат корхоналарининг сармоя таркибини мақбуллаштириш, ўз молиявий ресурсларини, инвестиция омилларини ривожлантириш ёрдамида даромадлар ва жамғармаларни тақсимлаш ҳамда қайта тақсимлаш лаёқатини назарда тутати.



Тўловга қодир бўлмаган, зарар кўриб ишловчи ва паст рентабелли хўжалик юритувчи субъектларни молиявий соғломлаштиришда банкротлик механизмининг қўлланилиши вилоят иқтисодиётининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этди.

Ушбу механизм ёрдамида мулкдорларда мулкка эгалик ҳиссини уйғотиш, самарасиз бўлган мулкдорларни алмаштириш, корхоналарни тугатиш, ижтимоий муҳим аҳамият касб этадиган ва даромад келтирадиган корхоналарни сақлаб қолиш, мулкчилик муносабатлари барқарорлигини таъминлаш ҳамда меҳнат ресурсларини иш билан бандлигини кафолатлаш назарда тутилган.

2012 йил давомида вилоятда иқтисодий ночор корхоналар билан ишлаш соҳасида асосий йўналиш қуйидагилардан иборат бўлди:

- фаолият кўрсатмаётган ёки кам қувватларда ишлаётган корхоналар бўйича зарурий чора-тадбирларни амалга ошириш, яъни ушбу корхоналарнинг таъсисчилари томонидан уларнинг бизнес-режа асосида ишлатиш, мулкдорлари томонидан сотишга розилик берилган корхоналарни янги инвесторларга сотиш, истикболсиз корхоналарга

нисбатан банкротлик таомилларини қўллаш орқали молиявий соғломлаштириш;

- иқтисодий ночор ва зарар кўриб ишловчи корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятини мунтазам мониторинг қилиб бориш;

- инвестиция мажбуриятлари эвазига корхона ва объектларни янги инвесторларга бепул бериш;

- банкрот деб топилган корхоналарда тугатиш жараёнларини самарали олиб бориш ҳамда давлат ва кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда йирик банкрот корхоналарни тижорат банкларига сотиш.

Хулоса қилиб айтганда, бозор муносабатлари шароитида банкротликнинг вужудга келиш сабаблари ва унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари серқирра бўлиб, уларни тартибга солишда банкротлик механизмининг оқилона шакл ва меъёрларининг амалиётга жорий этилиши мамлакатда иқтисодий мувозанатни таъминлабгина қолмай, балки жамиятнинг тараққий этишига ва аҳолининг турмуш даражасини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Бугунги кунда иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг ҳали якунига етмаганлиги, кўпгина корхоналарнинг иқтисодий ҳолатининг қониқарсизлиги, корхоналар тараққиётини башоратлашда ахборот базасининг етарли эмаслиги, юқори малакали мутахассисларнинг камлигидадир. Юқоридаги санаб ўтилган муаммоларнинг мавжудлиги иқтисодиётимизнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган аграр тармоқда етакчи кучга айланган фермер хўжаликларининг ривожланиши ва истиқболлини белгилашга сезиларли салбий таъсир қилади. Шунини таъкидлаб ўтиш зарурки, фермер хўжалигининг ташкил топиши ва ривожланиши бир қатор иқтисодий, ташкилий, техник ҳамда молиявий муаммоларнинг қай тарзда ҳал этилишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бозор муносабатлари шароитида хўжалик юритиш моддий ёки молиявий ресурслардан фойдаланиш орқали амалга оширилади. Шу сабабли молиявий маблағларнинг етишмаслиги ёки оқилона тарзда ишлатилмаслиги хўжаликдаги муаммоларни ҳал этилишини мураккаблаштиради.

Бугунги кунда республикамизнинг иқтисодиёти учун корхоналари фаолиятини доимий тартибда давлат томонидан тартибга солиб турилиши мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этилишидаги ўрнини тасаввур этиш қийин эмас. Албатта, бу жараён хўжаликларни иқтисодий эркинликларини чекламаган ҳолда ва ички ишларига аралашмаган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Корхоналар иқтисодий диагностикасини олиб боришни доимий тарзда ташкил этилиши орқали қуйидаги муаммоларни ҳал этилишига эришиш мумкин:

- миллий иқтисодиётда ўтказилган иқтисодий ислохотларнинг натижаларини аниқлаш;

- корхона ва хўжаликлар ривожланишида муҳим бўлган омилларни аниқлаш;

- корхоналар фаолиятини самарадорлиги ошириш учун хизмат қилувчи заҳиралар ва имкониятларни очиб бериш ва ишга солиш;

- корхоналарнинг йиллик рейтингини аниқлашга суянган ҳолда юқори рейтингга эга бўлганларининг тажрибасини ўрганиш ва оммалаштириш.

Корхоналарнинг иқтисодий диагностикаси қуйидаги схема асосида ташкил этилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз (3.2-чизма).

Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига асосланиши барча хўжалик юритувчи субъектларга иқтисодий эркинликлар берилиши билан бир қаторда улар зиммасидаги масъулиятни янада оширади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек: «Фермерларга кенг йўл очиб бериш керак, айти вақтда уларга нисбатан талабни ҳам сусайтирмаслик лозим»¹. Хўжалик субъектлари фаолияти натижалари энди фақатгина давлат бошқаруви органларинигина эмас, балки мулк эгалари, кредиторлар, банк, суғурта муассасалари ҳамда инвесторлар манфаатлари билан узвий боғланиб кетади. Натижада ҳар бир манфаатдор томоннинг хўжаликнинг иқтисодий кўрсаткичлари ҳақидаги маълумотларга эҳтиёжи ортиб боради. Шу билан бирга иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар хўжалик субъектига тегишли бўлган ҳар қандай маълумот, жумладан бухгалтерия ҳисоби маълумотлари, аниқроқ қилиб айтилганда бошқарув ҳисоби маълумотлари ҳам махфий ҳисобланиб, улардан фақатгина хўжаликнинг бошқарув органи эркин фойдаланиши мумкинлигини кўзда тутаяди.

¹ Каримов И. А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир. Тошкент, Ўзбекистон, 2007, 28-бет.


3.1-чизма

Макродаражада корхоналар иқтисодий ҳолатини ўрганиш



3.2-чизма

Корхоналарнинг иқтисодий диагностикаси



ХУЛОСА.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишга асосланган ҳозирги сиёсати корхоналар, фирмалар ва ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил қилиш, уларнинг ички ва ташқи иқтисодий муносабатларини бозор талабаларига мослаштариш заруриятини келтириб чиқаради.

Иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида тартибга солишнинг бугунги босқичида тўғридан-тўғри товар ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариш, сотиш стратегиясини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Бунда корхонанинг фаолияти бозорни ўрганиш, тадқиқ қилиш, ишлаб чиқарган маҳсулотининг рекламасини уюштириш, товарни истеъмолчи кўлига етиб боргунга қадар бўлган барча босқичларда қатнашишидан иборат бўлади.

Маркетингни ташкил этиш – маркетинг фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган барча моддий, молиявий, меъёрий ва бошқа ресурсларнинг мажмуи бўлиб, уни амалга ошириш жараёнида барча ходимлар фаолиятини бир мақсадга йўналтириш, уюштириш ва мувофиқлаштиришдир. Бунда иқтисодий, техникавий ва бошқа қонунлардан онгли равишда фойдаланилади. Бу фаолият маркетинглардан ниҳоятда катта билим, шижоат ва туганмас меҳнат талаб қилувчи мураккаб тизимдир. Унинг мураккаблиги доимий ривожланиб, ўзгариб боришда, жуда кўп майда муайян бўлаклар (элементлар) қисмчалардан тузилганлигидандир.

Маркетингни тўғри ташкил этишнинг аҳамияти жуда каттадир. Маркетинг хизматини рационал ташкил этиш ва унинг бўлинмалари ўртасида функцияларини аниқлаб тақсимлаш молиявий, меҳнат ва моддий захираларидан самарали фойдаланиш имконини беради ва фирма лаёқатини оширишга, катта таъсир кўрсатади. Маркетингни ташкил этишга қатор талаблар қўйилади. Булардан бири маркетинг тизимини аниқ яратишдир, бунинг учун функциялар турли хизматлар орасида тақсимланганлиги каби, улар ичидаги структура бўлинмалари орасида ҳам тўғри тақсимланиши керак.

Бозор шароитида ҳаридорга бўлган эътибор катта аҳамиятга эга бўлиб, маркетинг устунларидан бири ҳисобланади. Ҳаридорларнинг эҳтиёжини қондириш – маркетинг ва бозор иқтисодётининг ўзагидир. Маркетинг бир томондан, бозорни, талаб, дидлар ва эҳтиёжларни мукамал ва ҳар тарафлама ўрганишни, ишлаб чиқаришни шу талабларга йўналтиришни; маҳсулотларни аниқ истеъмолга мўлжалланган ҳолда ишлаб чиқаришни; бошқа томондан, бозорга мавжуд талабни, эҳтиёжларни ва истеъмолчилар афзалликларининг шаклланишига фаол таъсир этишни кўзда тутди.

Ҳар қандай фирма иқтисодиётда самарали ҳаракат қилиши учун ўз маркетинг стратегиясини танлаб олиши лозим. Бунда корхонанинг имконияти бозор талабига мувофиқлаштириб, маркетинг стратегияси бозорни тадқиқ қилиш ва истиқболни белгилаш, товар ва истеъмолчиларни ўрганиш асосида ишлаб чиқилади.

Фирма томонидан, энг аввал қабул қилинадиган стратегик қарорлардан бири – рақобатли кўраш олиб бормоқчи бўлган бозорни танлаб олишдир.

Асосий бозорни танлаш бозор эҳтиёжлари ва хулқ атвор ёки асос-далилий тавсифлари ўхшаш бўлган истеъмолчилардан ташкил топган таркибий қисмларга ажратишни кўзда тутди. Бу таркибий қисмлар фирма учун қулай маркетинг имкониятларини вужудга келтиради.

Бу ўринда сегментлаш жараёни фирма учун стратегик аҳамиятга эгадир, чунки унинг натижасида фирманинг фаолият кўрсатиш соҳаси ва танланган бозорларда муваффақиятга эришишнинг ҳал қилувчи омиллари аниқланади.

Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган ислохотларни амалга оширишда, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари, шунингдек, инқирозга қарши дастурлар доирасида қабул қилинган қатор ҳукумат қарорлари топшириқларини бажарилишига асосий эътибор қаратилганлиги натижасида 2012 йил якуни билан вилоят иқтисодиётининг барча соҳаларида барқарор ўсиш суръатлари таъминланди. Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаларини яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб қувватлаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида 2012 йил якуни билан ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ўсиш суръати 2011 йилга нисбатан 12,4 фоизга, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 14,9 фоизга, қишлоқ хўжалиги 6,5 фоиз, капитал қўйилмалар 3,9 фоиз, қурилиш ишлари 31,3 фоиз, чакана савдо айланмаси 20,0 фоиз ва пуллик хизматлар ҳажмини 16,1 фоизга ўсишига эришилди.

Шуни таъкидлаш муҳимки, маркетинг тадқиқотлари маркетинг асосини ҳамда унинг моҳиятини очиб берувчи ҳолат, талабдир. Маркетингни моҳияти – товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш албатта истеъмолчига, талаб ишлар чиқариш имкониятларини доимо бозор талабига мўлжаллашдан иборат.

Корхоналарни ночорликка ва банкротликка тушишини олдини олиш учун прогнозлаш ва режалаштиришда қуйидаги усуллардан кенг фойдаланиш мумкин:

1. Статистик тажриба усули (тахмин, омилларни ўрганиш ва ҳ.к.лар).
2. Ўртача силжиш кўрсаткичлари орқали (К) кўп омилли регрессион моделлар.
3. Математик моделлаштириш экстрополяция усули.
4. Норматив усуллар.

Иқтисодий ислохотлар чуқурлашиб бораётган ҳозирги мураккаб шароитда корхоналарни иқтисодий ночорликдан чиқариш ва банкротлигини олдини олиш, уларни молиявий барқарорлигини таъминлаш ва ривожлантириш мамлакат иқтисодиёти ривожининг муҳим масалаларидан биридир. Ушбу долзарб масалани ечими бўйича амалга оширилган битирув малакавий ишида иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштиришда маркетинг стратегиясидан фойдаланишнинг назарий асосларини таҳлил

килиш билан бирга иқтисодий ночор корхоналар фаолияти ҳар томонлама ўрганилди, таҳлил қилинди ва такомиллаштириш йўналишлари аниқланди. Жумладан, корхоналарни ривожлантириш ва банкротлигини олдини олиш, иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Ҳозирги бозор шароитига ўтиш шароитида иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш, уларни фаолиятларини самарадорлигини ошириш учун улардаги стратегик маркетинг фаолиятини такомиллаштириш талаб этилади. Стратегик маркетинг ва бошқарув масаласини ҳар томонлама кўриб чиқиш мақсадида, аввало, корхоналар ичидаги ва ташқарисидаги асосий муаммоларни ҳисобга олиш лозим бўлади. Ҳар қандай корхона муваффақиятга эришиш учун ўзининг ички ўзгарувчиларини ва унга таъсир этувчи ташқи таъсир омилларини ҳисобга олиши бугунги шароитда муҳим аҳамият касб этади.

2. Иқтисодий ислохотларни чуқурлашуви шароитида корхоналар ўз фаолиятларида, бизнесни бошқариш масалалари бобида, фақатгини фойдага эришиш мақсадлари билангини чекланиб қолишлари мумкин эмас. Бу нарса уларнинг самарадорлигини ортишига имкон бермайди ва иқтисодий ночорликка олиб келади. Шу сабабдан корхона ва ташкилотларининг узок муддатли маркетинг ва сотиш стратегияларини ишлаб чиқишда корхонанинг жамият олдидagi бурчлари ҳисобга олиниши таклиф қилинади. Корхоналар ижтимоий масъулиятни қабул қилишлари лозим.

3. Иқтисодий ночор корхоналар фаолиятларида стратегик режалаштириш катта аҳамиятга эгадир. Амалиёт шундан далолат бериб турибдики, узок муддатли стратегик режаларга корпоратив фуқоролик тамойилларини жорий этиш бизнесдаги фаолиятнинг барча йўналишлари бўйича шу бизнес раванқининг мақсад ва кўрсаткичларини аниқ равшан белгилаб олишга имкон беради.

4. Корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сотилиши соҳасидаги стратегик бошқарувни самарали амалга оширилиши учун мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш мақсадида, корхоналарнинг маркетинг бўлими томонидан, ҳар кварталга сотилиши кутилаётган маҳсулот турлари ва миқдорлари бўйича режа тузилиши лозим.

5. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳозирги шароитида корхонада сотилиши режалаштирилаётган маҳсулотларнинг таннархини камайтириш ва сифатини яхшилаш борасида доимий равишда тадбирларни тузиш ва уларни бажарилишига эришиш лозим. Яъни керакли, сифати юқори даражадаги хом ашёни арзон нархда сотиб олишга шартномаларни олдиндан тузиш, ходимларни мотивациясини йўлга қўйиш.

6. Иқтисодий ночор корхоналарининг иқтисодий мустақил ҳамда молиявий барқарор фаолият кўрсатишларида уларни оқилона бошқариш, ҳисоб-китоб юритилишини, бозор иқтисодиёти талабларига мослаш, молиявий менежиент ишларини тўғри йўлга қўйиш, бор моддий, молиявий ва меҳнат бойликларидан самарали фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишни ташкил этиш, натижада юқори фойда олиб, давлат

бюджети олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажариш резервларини ташкил этиш энг долзарб вазифалардан саналади. Шундан келиб чиққан ҳолда корхона барқарор молиявий кўрсаткичларга эришиш, ҳамда давлат бюджети олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажариш лозим.

7. Корхоналарнинг иқтисодий ночорликка тушмаслигининг энг муҳим шарти ҳисоб китобларнинг пухталигига, пул оқимларининг оқилона бошқарилишига, молиявий масалаларидаги қарорларнинг тўғри ва ўз вақтида қабул қилинишига ҳамда молиявий таҳлилнинг сифатли ташкил этилишига узвий боғлиқдир. Айниқса, бозорни тўғри ўрганишда, ҳамкорларнинг молиявий ишончлилигини билиб олишида, ўзаро ҳисоб-китоб ишларида чалкашиб кетмаслик ва бойликлардан ўринли фойдалана олишда комплекс иқтисодий таҳлилнинг натижаларига асосланиб, бошқарув қарорларини белгилаш фойда олишнинг зарурий шарти эканлигини корхонанинг устувор йўналишлари сифатида қараб мавжуд бошқарув механизмига жорий қилиш таклиф қилинади.

8. Иқтисод қилишнинг қаттиқ тартибини жорий этиш, жумладан, технологик жараёнларини рационализациялаш, ишлаб чиқаришда материаллар, электр ва энергия сарфини ҳамда бошқа сарф харажатларни камайтириш ҳисобига ишлаб чиқариш харажатларини ва маҳсулот таннарини кескин камайтириш.

9. Корхоналарда янги фаолиятини бошлаганда бизнес режаси билан бирга, корхонанинг маркетинг стратегиясини, яъни стратегик ва тактик режасини тузиш муҳимдир. Чунки кўплаб иқтисодий ночорликка учраган корхоналарда корхонанинг маркетинг стратегияларини аниқлаб олишга ва бизнес режасига киритишга юзаки эътибор қаратилади. Фақатгина охириги ҳолатларда банкротликка учрамаслик учун, яъни «Дўппи тор келганда» маркетинг стратегияларига ва бозорни ўрганишга ҳаракат қилиб қолишади.

10. Иқтисодий ночор корхоналарни банкротликка учрашини олдини олиш учун банклар томонидан бериладиган кредитлар фоиз ставкасини пасайтириш мақсадга мувофиқ. Яъни 5 йилгача имтиёзли кредитлар берилган бўлса, биринчи 3 йил фақат кредит фоизини, қолган охириги 2 йил муддатда кредитнинг суммаси олинishi керак, чунки бу муддат ичида корхона ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, айланма маблағга эга бўлиб олади. Биламизки корхонанинг айланма маблағи ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун асосий манбаадир.

11. Давлат органлари, жойлардаги вилоят ва туман ҳокимликлари, Марказий Банк ва Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармалари билан келишган ҳолда иқтисодий ночор корхоналарни аниқлаб, уларни йиллик соғломлаштириш дастурларига киритилган ҳолда 6-8 фоизли кредитлар берилишини ташкиллаштириш лозим.

12. Чет эл инвестицияларини жалб қилиш орқали корхонанинг техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш, айниқса интернет ва бошқа тармоқлар орқали изланиб, лизинг компаниялари билан шартномалар

тузиб, иқтисодий ночор корхоналарни инновацион қайтадан модернизациялаш.

13. Иқтисодий ночор корхоналар таъсисчилари бир нечта бўлган тақдирда, бошқа шу фаолиятга ўхшаш фаолият билан шуғулланаётган қувватлироқ корхона таъсисчилари билан келишилган ҳолда, шу корхона таъсисчиларини иқтисодий ночор корхонага инвестор сифатида олиб кириш орқали соғломлаштириш.

14. Ночор корхонанинг ходимлари тушкун ҳолатга тушиб қолган бўлиши мумкин, шунинг учун бундай ҳолатда янги интеллектуал салоҳиятли, теран фикрли ёш кадрларни, маркетингларни корхонага жалб қилиш орқали корхонадаги муҳитни соғломлаштириш «тоза ҳаво» олиб кириш.

15. Ходимларни ўз фикрларини билдиришга, янги таклифларни тақдим этишига имкон яратиб бериш лозим. Чунки кўп йиллардан бери фаолият кўрсатаётган тажрибали ходим ўз ишини ўзлаштирган, камчилик ва муаммоларни кўра билган ҳисобланади.

16. Корхоналарни иқтисодий ночорликка келиб қолмаслиги учун ҳар ойда корхонада маркетинг аудитини (назоратини) олиб бориш мақсадга мувофиқ. Яъни ишлаб чиқарилаётган товар бозор талабига жавоб бераёлдими, яна қандай ўзгариш ва янгиликлар қилиш керак, айланма маблағ қайтиб келиш тезлиги қанча муддатни ўз ичига олаяпти, захира маблағ йиғиляёлдими каби саволларни муҳокама қилинади.

17. Корхонага ўз ишини пухта эгаллаган, тажрибали маркетинг фаолиятини яхши тушунган раҳбарни қўйиш лозим, чунки тадқиқотлар натижасида шу нарса аниқландики, банкротликка учраган кўплаб корхона раҳбарлари ўз ишига совуққонлилик билан ёндашиши натижасида корхонанинг айланма маблағлари дебиторлик қарзларига жалб қилинган. Натижада кредиторлик қарзлари кўпайган ва бу охир оқибатда корхонани иқтисодий ночорликка олиб келган.

18. Иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштиришда миллий менталлитетимиз, географик жойлашишимизни ҳисобга олган ҳолда чет мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш.

19. Иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш учун корхонада янги турдаги, янги дизайндаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш. Бунинг учун эса юқори малакали мутахассисларни тайёлаш ва улар билан маркетингларнинг ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш.

*Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.
Қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар.*

1. Ўзбекистон Республикаси “Банкротлик тўғрисида”ги қонуни. 1994 йил 5 май
2. Ўзбекистон Республикаси “Банкротлик тўғрисида”ги қонуни. (янги таҳрири, 2 таҳрири) 1998 йил 28 августъ.
3. Ўзбекистон Республикаси “Банкротлик тўғрисида”ги қонуни. (янги таҳрири, 3 таҳрири) 2004 йил 24 апрель
4. Ўзбекистон Республикаси “Қишлоқ хўжалик корхоналарни санация қилиш тўғрисида”ги қонуни. 1997 йил 25 декабрь.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2010 йил 26 февралдаги ПФ-4191 сонли фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида”ги 2010 йил 2 мартдаги ПҚ-1293 сонли қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш ва уларни таркибий ўзгартириш (реструктуризациялашга) доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2002 йил 8 октябрдаги 347-сонли қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Амалга оширилаётган иқтисодий ночор корхоналарни таркибий ўзгартириш (реструктуризациялаш) ва молиявий соғломлаштириш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2003 йил 18 апрелдаги 188-сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Фойдаланилмаётган асосий воситаларни, қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 2003 йил 18 сентябрдаги 401-сонли қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат мулки айрим объектларини инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул беришни жадаллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2003 йил 28 сентябрдаги 368-сонли қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Иқтисодий ночор корхоналарнинг суд бошқарувчилари фаолиятини тартиблаш чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2004 йил 23 мартдаги 138-сонли қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Паст рентабелли, зарар кўриб ишлётган, иқтисодий ночор корхоналарни ва объектларни хусусийлаштиришни жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2004 йил 5 майдаги 209-сонли қарори.
13. Адлия Вазирлигидан 2005 йил 14 апрелда 1469-сон билан руйхатга олинган “Корхоналарни молиявий-иқтисодий аҳволи мониторинги ва таҳлил қилиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низом.

Китоб ва рисолалар.

14. Каримов И. А «Келажакни жасоратли одамлар қуради» Т.7.Т: «Ўзбекистон» 1999 й.
15. Каримова И. А. «Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш-барча демократик янгилаш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир». Т. Ўзбекистон. 2007й.
16. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1992 й.
17. Каримов И.А. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтиш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1993 й.
18. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1995 й.
19. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари –Т.: Ўзбекистон, 1997 й.
20. Каримов И.А. Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли –Т.: Ўзбекистон, 1998 й.
21. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI асрга интилоқда –Т.: Ўзбекистон, 1999 й.
22. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. –Т.: Ўзбекистон, 2005 й.
23. Каримов И.А. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида унинг бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009 й.
24. Солиев А., Маркетинг бозоршунослик. Т., й
25. Аҳмадхўжаев Ҳ., Мамарасулов Ҳ., Мадияров Ғ. Маркетинг тадқиқотлари. Т.: Шарқ,

26. Азизов Х., Рўзиназаров Ш. Ўзбекистон Республикасида хўжалик ҳуқуқи. Т.: Академия, 2007 й.
27. Азизов М.К. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги қонунига шарҳлар. Т.: Шарқ, 2007 й.
28. Грамотенко Т.А. Банкротство предприятий: экономические аспекты. М.: ПРИОР, 1998 г.
29. Мазур И.И., Шапиро В.Д. Реструктуризация предприятий и компаний. М.: Изд-во экономика, 2002 г.
30. Гулямов С.С. и др. Банкротства предпринимателей и предприятий малого бизнеса/Предпринимательство и малый бизнес. Т.: ТГЭУ, 1997 г.
31. Ковалев А.П. Диагностика банкротства. М.: Финстатинформ, 1995 г.
32. Лордкипанидзе А.Г. Гарантии неплатежеспособности по законодательству Англии и Франции. Законодательство зарубежных стран. Обзорная информация М.: ВНИИСЗ. Вып, 1979 г.
33. Рўзиназаров Ш. Ва бошқалар Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги. –Т.: ИЛМ Зиё, 2009 й.
34. Тўхлиев Н. ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари . –Т.: Ўзбекистон миллий энсклопедияси, 2006 й.
35. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Таваккалчилик (риск)ни бошқариш / Менеджмент. –Т.: Мехнат, 1995 й.
36. Шукуруллаев А. Банкротлик ва санацйалашнинг ҳуқуқий асослари. –Т.: Адолат, 2001 й.
37. Ғуломов С.С. Кичик бизнесда банкротлик / Тадбиркорлик ва кичик бизнес. –Т.: Шарқ, 2002 й.

Статистик тўпламлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш, рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси статистик маълумотлари.

Наманган вилоятидаги иқтисодий ночор, кам қувватда ишлаётган ва фаолият кўрсатмаётган ва бўш турган объектларда ишлаб чиқаришни ва иш ўринларини тиклаш (ташқил этиш)ни жадаллаштириш бўйича

2012 йилга мўлжалланган молиявий соғломлаштириш

Д А С Т У Р

01.01.2013 йил ҳолатига тезкор

Т/р	Корхона номи ва қисқа маълумот	Белгиланган чоралар- тадбирлар	Б ажари ш мудда лари	аъсу ллар	Чор тадбирлар бажарили и
2		3	4	5	
	“Намимп екстекстиль” МЧЖ Наманган шаҳри Фаолият тури: Ип, газлама ишлаб чиқариш Лойиҳа қуввати: 4750 тн калава ип, 8240 минг пог.м. газлама бўз махсулотлари, 500 минг дона эркаклар куйлаги, 1200 минг дона	І. Корхонадаги буш ишлаб чиқариш майдонида банк кредити ва ўз маблағлари ҳисобига янги ишлаб чиқаришлар ташқил этиш: 1.1. Корхонага қарашли қурилиши туғалланмаган объекти негизида замонавий тўқимачилик, тикувчилик ишлаб чиқаришларини ташқил этиш учун Хитой, Туркиядан йигирув, тўқув ва тикув технологиялар тўпламларини (10382,0 минг АҚШ доллари эквивалентида) банк кредити ҳисобига сотиб олиш. Молиявий манбаси: Банк кредити-18940,7 млн. сўм	2012 йил ай- октя бр (қури лиш ишла рини баж арил ишиг а кўра)	В илоят, шаҳар хокимл иги А ТИБ “Ипоте ка банк, К орхона рахбари ва таъсисч илари	Корхона а 8781,0 мл сўмлик креди ажратилган.

Т/р	Корхона номи ва қисқа маълумот	Белгиланган чоралар-тадбирлар	Бажариш муддатлари	Ваъздар	Чор тадбирлар бажарилиши
	2	3	4	5	
	трикотаж маҳсулотлари. Ишлаб чиқариш қувватларида н фойданланиш даражаси: 0% Асосий таъсисчилар: Жисмони й шахслар-100% Ишчилар сони: 170 та. Умумий майдони: 2,21 га, шу ж. и/ч 0,91 га. Ишлаб чиқариш ҳажми: (01.01.2012 й.) 0 млн. сўм Мавжуд муаммолар: Технолог ия сотиб олиш учун миллий валютани конвертация қилиниши.	1.2. Хорижий тўқимачилик ва тикувчилик технологиялар тўпламларини сотиб олиш учун ажратилган банк кредитини конвертация қилиш. 1.3. Замонавий тўқимачилик, тикувчилик ишлаб чиқариш цехларини ташкил қилинадиган корхонанинг Наманган шаҳри Истиклол кўчасида жойлашган қурилиши тугалланмаган объектида ҳозирги талабга жавоб берадиган қурилиш, таъмирлаш ва монтаж ишларини бажариш. Молиявий манбаси: Ўз маблағи ҳисобида - 14312,0 млн. сўм	012 йил арт	М арказий банк	
			012 йил март-октябр	В илоят, шаҳар ҳокимлиги, К орхона раҳбари ва таъсисчилари	4010,0 млн сўм қурилиш монтаж ишлари бажарилган.
		II. Молиявий қўллаб-қувватлаш ва ишлаб чиқариш қувватларини ошириш юзасидан олиб бориладиган ишлар якуни бўйича кутилаётган натижа: - 2012 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини 1500,0 млн. сўмга етказиш, - Лойиҳа бўйича корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларини ошириш натижасида янги 450 иш ўринлари яратиш.	тарм ок жадв алига асосан	В илоят, шаҳар ҳокимлиги, К орхона раҳбари ва таъсисчилари	01.01.2013 йил ҳолати 13420,0 млн сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган.

